

МУВАФФАҚИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

Янги китоб

Машҳур кишилар ҳаётидан
номаълум саҳифалар

- ✓ Оёқ остидаги олтинлар
- ✓ Жулдур кийимга ўралган қария
- ✓ Ўн йиллик меҳнатга икки чақа пул!
- ✓ Ўзини-ўзи тишлаб ўлдирган малика
- ✓ Кимсасиз ертўладаги даҳшатли ўлим
- ✓ Эски дарпардадан тикилган кўйлак

БУ КИТОБНИ МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАР ЎҚИШГАН



МУВАФФАҚИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

Янги китоб

Машҳур кишилар ҳаётидан
номаълум саҳифалар



«YANGI KITOB»
TOSHKENT
2020

УЎК: 821.111(73):94

ББК: 88.5

К 25

Карнеги, Дейл

Машҳур кишилар ҳаётидан номаълум саҳифалар [Матн] /
Д.Карнеги. — Тошкент: Yangi kitob, 2020. — 200 б.

ISBN 978-9943-5768-3-4

УЎК: 821.111(73):94

ББК: 88.5

Таржимон ва сўзбоши муаллифи:

Фатҳулла Намозов

Тақризчилар:

Тоҳир Малик,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Норкул Бекмирзаев,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро антик дунё
илмий академияси академиги ва совриндори

Маҳмуд Йўлдошев,

психология фанлари номзоди,

Тошпўлат Матибоев,

социология фанлари номзоди,

Абдуқайом Йўлдошев,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.
Китобдан кўчириб босиш таржимоннинг ёзма рухсати билан
амалга оширилиши мумкин.**

ISBN 978-9943-5768-3-4

© Дейл Карнеги. Машҳур кишилар ҳаётидан номаълум
саҳифалар. Таржимон: Ф.Намозов.

© “Yangi kitob” МЧЖ. 2020.

Китоблари дунё миқёсида қўлма-қўл ўқиладиган Дейл Карнеги номи жуда кўпларга таниш. Унинг дўст орттириш, маъруза ўқиш ва безовталиқни бартараф этиш мавзуларига оид китоблари ўзбек ўқувчисига аллақачон етиб борган. “Машҳур кишилар ҳаётидан номаълум саҳифалар” номли ушбу китоби эса ўзбек тилида биринчи марта чоп этилмоқда. Унда таниқли инсонларнинг кўпчилик билмаган сир-синаотлари ҳақида ҳикоя қилиниб, ўқувчиларга бир-биридан қизиқарли маълумотлар берилади.


Китобдаги инсонларнинг қисматига иложсизлик ва ночорлик битилгандай гўё. Ўз вақтида уларнинг ҳатто уй ҳақини тўлашга ҳеч вақоси бўлмаган. Кўчага ҳайдаб чиқаришмасин, дея қўрқишарди. Оила умидсизлик гирдобига фарқ бўлган эди. Азбаройи яшаш, очдан ўлиб қолмаслик учун уй анжомларини сотишга мажбур бўлишарди. Қарангки, ана шундай оғир шароитда ҳам улар умидсизликка тушмай, улкан муваффақият қозонишган. Ўз олдиларига қўйган мақсад сари интилиб, машҳур инсонларга айланишган. Уларнинг ҳаёт йўли, омад ва муваффақият сари оғишмай ҳаракат қилгани кўплар учун ибрат бўлса, ажаб эмас.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Мундарижа

Бу бир қоп лўттибозлик эмас	7
Ҳеч ким ҳеч қачон кутмаган довруқ.....	11
Олтин васвасаси	15
Унинг егулик сотиб олишга ҳам пули йўқ эди	20
“Нил мўъжизаси”нинг сирли ўлими	24
Тишлари фил суяги билан рақобат қилувчи хоним...31	
Сўнгги валиаҳднинг қонга беланган ёстиғи.....	36
Уни кашфиёти учун отиб ташламоқчи бўлишган.....	40
Олти яшар чақалоқнинг боши	45
Наполеонга қўйилган тузоқ	49
Аввал суяк йиғишди, газета чиқаришди, кейин парвоз қилишди	55
Сичқончалар ва учта чўчқа боласи туфайли бойиб кетган одам	59
Ифлос ертўла, ёғоч сандиқ ва кийим астардаги ёқутлар	63
Бир чақаси ҳам йўқ сунъий тишли миллионер.....	68
Кундаликка ёзилган орзу	73
Профессор Додсон ва унинг мўъжизалар мамлакати....	76
Ҳаммадан кўп пул ишлаб топадиган киши	79
Ер остида ўн йил	83
“Менинг беш юз нафар болам бор”	87
Болта кўтарган аёл	93
Минглаб миллионерларни етиштириб, ўзи эса тешик бошмоқда дунёдан кўз юмган олифта	99
Данғиллама кошонадаги донишманд	104
Занжирбанд саёҳатчи	109
Бир олам қарздан сўнг	113
Ўттиз икки кунлик жумбоқ	117
“Чангалзор” – олти минг фунт даромад	121
Мамлакат тарихидаги машҳур фирибгар.....	125
Тушликка этик ейишни хоҳламайсизми?.....	129
Энг оммабоп, бозоргир китоб.....	133
Охирги чора фақат... ўлим.....	137
Энг машҳур қишлоқи.....	142

Кичик малика	146
Шунчаки қизиқарли саргузашт	150
Ёзувчи бўлиш яхшими ёки ариқ қазишми?.....	154
Маошсиз олти ой	158
Мармар тобут ўғрилари	162
Қиморбознинг ногирон ўғли	166
Ночорлик комидаги кашфиётлар	172
Дунёни ларзага солган “Оққуш”	175
Улар бутун умрини ўз қарзларидан қутулишга сарфла- дилар	179
“Мен ҳали ўлганим йўқ, ахир! Ўлмоқчи ҳам эмас- ман!”	184
Кечирасиз, менинг фамилиям нима эди?.....	188
Олмослар қадалган пойафзал	196





БУ БИР ҚОП ЛЎТТИБОЗЛИК ЭМАС

“Ўзига хос завқ-шавқ ва ғайрат билан тўлиб-тошган ғояларга бой кишига айнан Дейл Карнегининг қарама-қаршиликлардан иборат ҳаёти ва мартабаси ёрқин мисол бўла олади”, деган эди ўз даврининг машҳур алломаси Лоуэлл Томас. Бу бежиз эмас. Дейл Карнеги тамойиллари асосида ҳаётдан олинган жонли мисоллар ётади. Унинг китобларида машҳур мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, тарихий мисоллар, мақоллар ва кундалик ҳаётдаги донишмандлик муаллиф томонидан кўрсатма тарзида келтирилади,

уларни ҳар қандай киши ўзининг шахсий ҳаётида муваффақият билан қўллаши мумкин.

Дейл Карнегининг китоблари дунё миқёсида энг кўп ўқиладиган асарлар сирасига киради. Собиқ иттифоқ фуқаролари уларни деярли билмас эдилар. Бу китоблар жуда кам ададда нашр этилар ва юқори партия мансабдорларининг ҳамда махсус идораларнинг мулкига айлантириларди, холос. Оддий кишиларга муваффақиятга эришиш, юксак чўққиларга уриниш тавсия этилмас эди.

Фақат орадан анча вақт ўтиб, Карнеги асарлари китоб пештахталарига қўйиладиган ва улар ҳақиқатан ҳам узоқ туриб қолмайдиган бўлди. Аммо Карнеги китобларидан фақат учтаси, яъни ҳаётий муваффақият тамойиллари акс этган машҳур асарлари нашр этилди. Бунинг устига улар бўлак-бўлак, қисқартирилган талқинда, муаллиф баёни тарзида чоп қилинган эди.

Қўлингиздаги китоб илк марта 1947 йилда дунё юзини кўрган. У аҳамияти жиҳатидан аввалги асарлардан асло кам эмас. Муаллиф дунёга машҳур бўлган Александр Дюма, Наполеон Бонапарт, Эйнштейн, Линкольн ва океан ортида машҳурлик даражасига етган, аммо ташқи дунёда унча маълум бўлмаган кишилар, масалан, репортёр Оскар Ментир, адиб Зейн Грей, роҳиба Эйми Ферсон, товламачи П.Т.Барнум ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилади. Китобдаги кўпгина қаҳрамонлар қашшоқликдан, ночорликдан, ҳеч кимга маълум ва машҳур эмаслик ҳолатларидан чиқиб кетганлар.

Мазкур китобдаги қаҳрамонлар ҳаёти Дейл Карнегининг умр йўлига ўхшаб ҳам кетади. Дейлнинг болалиги оғир кечган. У фермада чироқ ёғдуси остида сигир соғар, ўтин ёрар, чўчқа боқар, кўзлари юмилиб кетгунча лотин тилига оид феълларни ўрганар, шунга қарамай, ухтамасликка ҳаракат қилар эди.

Фақат ярим кечада ухлаш учун ётар, аммо уйғотувчи соатни учга тўғрилаб, бураб қўярди. Дейлнинг

отаси чўчқа зотларини етиштириш билан машғул эди. Бу жониворлар эса изғирин қиш кечаларида музлаб қоларди. Шунинг учун уларни брезент халтага солиб, печка ортидаги ошхонага қўйишар эди. Тунги соат учда чўчқачалар оч қолиб, овқат талаб қила бошларди. Дейл кўрпа остидан чиқиб, чўчқачалар солинган халтани олар ва она чўчқа олдига элтар эди. У молхонада она чўчқа болаларини озиқлантиргунча кутиб турар, сўнгра иссиқ печ сари ошиқарди.

Ёш Дейл ҳар куни шаҳардан фермага қатнаб, сигир соғишга мажбур этган камбағалликдан қаттиқ уяларди. У пальтосининг ғоят торлиги ҳамда калта иштонларидан ҳам хижолат тортарди. Дейлда нора-солик мажмуи, етишмовчилик ўта даражада зудлик билан ривожланди, у ўзини намоён этиш йўллари-ни ахтарар эди. Қарангки, шунча машаққатларга қарамай, у ўқиди, изланди, олдинга интилди ва дунёга машҳур бўлди. Карнеги кундалик ҳаётга бошқача муносабатда бўлиш кераклигини кашф этди. Бу ҳақда ўзи шундай деган эди: “Мени катта пуллар қизиқтирмас, ҳаётим қизиқарли бўлишини хоҳлардим, холос”.

Уильям Жеймс айтганидек, Дейл Карнеги барчанинг яширин имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашган.

Карнеги, энг аввало, арзимас, илк қарашда гўё муҳим бўлмаган лавҳалар, далилларга мурожаат қилганки, айнан ана шу жиҳат китобларининг муваффақият қозонишини таъминлаган.

Мазкур китобдаги машҳур инсонлар, энг аввало, ишлаш қобилияти ва мақсадга интилиш хислати билан ажралиб турарди. Улар ҳеч қачон очиқ турган дарвозага бостириб кирмаганлар. Вазиятни пухта ўрганиб, ундан фойдаланишни уддалай олганлар. Бошқача айтганда, бу инсонлар муқаллас китобдаги: “қулоғи бор эшитмоғи, кўзи бор кўрмоғи керак” деган қадимий ҳикматга риоя қилганлар. Яна бир жиҳати, ушбу китобда ночорликда яшаган, фақат ва-

фотидан кейин эътироф этилган даҳо кишилар ҳаётидан қизиқарли лавҳалар келтирилади.

Муаллиф хулосасига кўра, бу инсонлар вазиятдан етарли фойдалана олмадилар, аммо уларнинг қобилияти эвазига уддабурон кишилар муваффақиятга эришиб, мартабага эга бўлдилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, озгина иқтидор бўлса ҳам уни ишда қўллаш, амалга татбиқ этишни эплаш керак, чунки истеъдод ҳаммага ҳам берилавермайди. Демак, ишлаб чиқарувчи-ижодкор қобилияти билан менежер маҳорати, тажрибаси бирлашмоғи зарур. Дарвоқе, ҳозирги кунда кўпгина ривожланган мамлакатларда ана шундай бирикма амал қилмоқда.

Дейл Карнеги 1955 йилда оламдан ўтган. Табиийки, у китобнинг айрим қаҳрамонлари ҳаёти ҳақидаги ҳозирги мавжуд ахборотлардан беҳабар эди. Карнеги фақат ўзида мавжуд маълумотлардан фойдаланган, холос. Шунга қарамай, бу Дейл Карнеги меҳнатининг улкан қийматини асло туширмайди.

Карнеги инсон муносабатларининг “механика”-сини кашф этар экан, шундай ҳикматни ишлатган эди: “Мен сизларга бир қоп найрангни, лўттибозликни тавсия этаётганим йўқ, балки янги ҳаёт тарзи тўғрисида сўз юритяпман”.

Қўлингиздаги китоб осон, мароқ билан ўқилади, унда бир-биридан қизиқарли маълумотлар берилган. Сиз жуда кўплаб фойдали жиҳатларни кўришингиз ва амалда қўллашингиз мумкин. Ана шунда ён-атрофингизда рўй бераётган воқеаларга назар ташлайсиз, одамларга қулоқ тутасиз ва таҳлил этасиз. Ўшанда, эҳтимол, очиқ турган дарвозага босириб кирмай, ўз меҳнатингиз, саъй-ҳаракатингиз ва қатъиятингиз билан юқори чўққиларни эгаллашингиз мумкин.

*Фатҳулла Намозов,
Халқаро антик дунё илмий академияси
доктори, олий тоифали ўқитувчи*

ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ ҚАЧОН КУТМАГАН ДОВРУҚ

Бир неча йил муқаддам мен Германиянинг жанубий қисмидаги мўъжаз шаҳарлардан бирида дўстим билан сайр қилиб юрар эдим. Шунда у дафъатан баққоллик дўкони жойлашган уй деразасини кўрсатиб: “Хув юқори томондаги уй деразасини кўряпсизми? Ўша ерда Эйнштейн туғилган”, — деди.

Мен шу куннинг ўзидаёқ Эйнштейннинг амакиси билан учрашдим. У менга қандайдир одатдан ташқари қобилиятга эга бўлган одамдай таассурот қолдирмади. Бунга ҳайратланмаса ҳам бўлади, чунки Альберт Эйнштейнни ҳам ёшлигида ҳеч ким келгусида улкан даражага эриша олади, деб ўйламас эди. Агар ҳозирги пайтда ўз авлоди орасида энг заковатли деб ҳисобланса ҳамки, ўша йилларда у ўлгудай суст, уятчан ва қолоқ бола бўлган. Альберт, ҳатто гапиришни ҳам ниҳоятда қийинчилик билан ўрганган. Бу бола шунчалик овсар эдики, ўқитувчилар ундан умидини узган, ҳатто ота-онаси ўғлининг ақлий қобилиятидан хавотирга тушган эди.

Эйнштейннинг ўзи ҳам кунларнинг бирида дунёдаги энг машҳур кишилардан бирига айланганидан ҳайратга тушган. Математика профессори беш қитъа газеталарининг биринчи саҳифасида тилга олинишининг ўзи бутунлай ғалати ҳолат эди. Аслида, у ўзининг эҳтимоллик назарияси каби ғайриоддий эди. Эйнштейн кўпчиликнинг миясини маҳв этган шон-шуҳрат, бойлик ва ҳашаматга доир ғоя ва ўй-хаёллارга нисбатан фақат нафрат ҳиссини туяр эди. Атлантика океани бўйлаб сузадиган улкан кема капитани Эйнштейн учун энг гўзал каюталардан бирини ажратиб, уни таклиф қилганида, олим кескин рад этган, алоҳида имтиёзга

рози бўлгандан кўра руль чамбарагига ўтириб, саёҳат қилишни афзал кўрган эди.

Эйнштейн эллик ёшга тўлганида, Германия ҳукумати уни мисли кўрилмаган иззат-икром билан сийлади: Потсдамда махсус бюст ўрнатилди. Ҳашаматли қаср ҳамда елканли яхта Эйнштейнга умумхалқ меҳрмуҳаббати ва бир умрлик таҳсин рамзи сифатида тавсия этилди. Аммо у кейинчалик, бир неча йилдан сўнг ҳаммасидан маҳрум бўлиб, ҳатто ўзининг ота юртига қайтиб кетишдан хавотирланар эди.

Эйнштейн Бельгияда ҳафталаб ёпиқ эшик ортида яшар, даҳлизида эса полициячи қоровуллик қиларди.



Нью-Йоркка, Принстондаги олий тадқиқотлар институтига математика профессори лавозимини қабул қилиш учун келганида, у репортёрлар билан учрашувдан бутунлай бош тортган, кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига қаратишни мутлақо истамас эди. Бу ҳолатдан қутулиши учун дўстлари Эйн-

штейн тушган кема соҳилга яқин келмай туриб, уни тезроқ кемадан олиб, тезгина автомобилга ўтқозишга мажбур эдилар.

Эйнштейн замондошларидан фақат йигирма киши унинг нисбийлик назариясини тушунганини қайд этган. Ваҳоланки, бу назарияни изоҳлаб бериш учун турли муаллифлар томонидан тўққиз юздан зиёд китоб ёзилган эди.

Эйнштейннинг ўзи нисбийлик назариясини жуда оддий мисоллар ёрдамида тушунтирган: “агар сиз бир соат вақтни чиройли қиз билан ўтказсангиз, бу ўзингизга худди бир дақиқа ўтгандек туюлади. Аммо қизиб турган плита устида бор-йўғи бир дақиқа ўтирсангиз, сизга бир соатдай туюлади. Мана шу нисбийлик назариясининг ўзидир! Бу мен учун анчайин ишончли кўринади. Шу билан бирга агар сиз мазкур изоҳга гумонсираб, ишонмайдиган бўлсангиз, у ҳолда мен қиз билан вақт ўтказаман ва бу пайтда сиз қизиб турган плита устида ўтирасиз”.

Айтиш жоизки, Эйнштейн икки марта уйланган эди. Унинг биринчи никоҳидан икки ўғил дунёга келган, иккаласи ҳам ажойиб болакайлар бўлиб, аммо даҳолик белгилари кўринмасди.

Эйнштейн хоним ҳатто нисбийлик назариясини тушунмаган ҳам. Аммо у аёллар учун муҳим бўлган бир нарсани жуда яхши англади: хоним эрини бинойидай тушунарди. У ўз одатига кўра, дўстларини бир пиёла чойга таклиф қилар, бу даврага эрини ҳам қўшилишга ундар эди. “Йўқ! - хитоб қиларди Эйнштейн жазавага тушиб. - Йўқ, йўқ ва яна йўқ! Мен уйдан чиқиб кетаман. Бундай бемаъниликка тоқатим йўқ!”

У фақат икки қоидага амал қиларди. Биринчиси: ҳеч қандай қоидага эга бўлма. Иккинчиси: бошқаларнинг фикрига қарам бўлма.

Фрау Эйнштейн ўзини вазмин тутди, у эрининг хис-туйғулари тингунга қадар кутар, шундан сўнг айрим дипломатик ҳийлаларни ишга солиб, уни барибир чойхўрликка келишга мажбур эта оларди. Шу тариқа кескинликни юмшатишга муваффақ бўларди. Фрау Эйнштейннинг айтишича, эри фикр юртишда тартибга риоя қилса-да, аммо ўзининг ҳаётида уни ёқтирмасди.

Эйнштейн ўзи хоҳлаган ишни истаган пайтда ба-
жарган. У фақат икки қоидага амал қиларди. Бирин-
чиси: ҳеч қандай қоидага эга бўлма. Иккинчиси: бош-
қаларнинг фикрига қарам бўлма.

Эйнштейн жуда камтарона ҳаёт кечирган. У эски, дазмолланмаган кийимларни кийиб кетаверган, шля-
пани онда-сонда бошига илган, ваннада ҳуштак ча-
либ, кўшиқ айтган. Бу машҳур олим дуч келган жойда
махсус крем ишлатмай соқолини олаверар, оддий со-
вун билан кифояланар эди. Коинотнинг чигал му-
аммоларини ҳал этишга ҳаракат қилган бу киши,
турли мақсадлар учун фойдаланиладиган икки нав
совун ҳаётни ҳаддан зиёд мураккаблаштиради, деб
ҳисоблар эди.

Эйнштейн менда жуда бахтиёр инсон сифатида
таассурот қолдирган. Унинг бахт тўғрисидаги фалса-
фаси мен учун нисбийлик назариясига нисбатан
кўпроқ аҳамиятга эга. Бунини жуда улуғвор фалсафа
деб ҳисоблайман. Эйнштейн ўзининг ҳеч кимдан ҳеч
нима истамаслигини бахтдан иборат, деб ҳисоблар
эди. У пуллар, унвонлар ҳамда шон-шуҳратга муҳ-
тож бўлмаган. У ўзининг ишини скрипкада куй ча-
лиш ва елканда сузиш каби оддий машғулот деб
ҳисоблар ва шу туфайли масрур эди.

Скрипка Эйнштейнга ҳаётда ҳар қандай нарсадан
кўпроқ қувонч бахш этган эди. У кўпинча, “мен му-
сиқа орқали ўйлайман ва унинг ёрдамида ўз фикр-
ларимни рўёбга чиқараман”, дер эди.

Бир куни у Берлин бўйлаб трамвайда борар экан, кондукторга қайтимни нотўғри ҳисоблаганини айтади. Чипта назоратчиси қайтимни яна бир бор ҳисоблаб, ўзининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади ва Эйнштейнга берар экан: “Барча кулфатларингиз сабаби шундаки, сиз бутун умр тўғри санашни ўргана олмадингиз”, — дейди.

ОЛТИН ВАСВАСАСИ

1848 йилнинг 24 январиди мутахассислиги дурадгор бўлган Жон Маршалл дарахтлар ўсган тепаликлардаги дарёнинг қуйилиш жойида тегирмон қуриш билан машғул эди. У ерни кўздан кечириб, майда сариқ тош топиб олди. Олтин бўлагими? У бу ҳақда билмасди. Шу сабабли тошни уйда қўлбола совун тайёрлаётган хотинига берди. У эса тошни мой ҳамда ишқорли сув қайнаётган сувга ташлади. Қозонда кун бўйи қайнаган соф ҳолдаги бу металл арслон кўзидек ярақлаб кетди. Тонг отишини сабрсизлик билан кутган Жон Маршалл отни эгарлади-да, қирқ миль пастда жойлашган дарага, ўзини ёллаган Жон Саттернинг ранчосига шошилди. Уйга шиддат билан кириб келган Маршалл эшикни лўкидони билан қаттиқ ёпиб, чўнтагидан сариқ металлни чиқарди. Эсанкираб қолган Саттер унга кўзларини катта очганча қараб турарди.

Ҳа, бу олтин эди. Топ-тоза, ялтираб турган табиий металл. Саттернинг энг асов, энг фавқулодда зўр орзулари ҳам амалга ошадиган вақти келганга ўхшайди. Ҳадемай у ер юзидаги бутун борлиққа хўжайин, дунёдаги энг бой одамга айланади.

Саттер бу кашфиётни махфий сақлашга уринди. У айти шундай муваффақият билан чарақлаган осмондаги юлдузлар ёдусини тўсишга уриниши мумкин

эди. Аммо Саттер бутун коинотни титратиб юборишга мажбур этажак кучни қўлдан чиқариб юборди. Кун бўйи унинг ранчосида банд кишиларнинг ҳаммаси телбавор очкўзлик билан олтин излаш васвасасига берилиб, ер қазииш, қиртишлаш ва ювишга киришди. Бир ҳафтадан сўнг бутун округ ҳаракатга тушди. Ўта тартибсизлик юзага келди. Фермалар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Соғилмай қолган сигирлар бўкирар, қаровсиз бузоқлар ва тентираб кетган қўйлар отарига бўрилар ёпирилар, тап тортмай чавақлаб кетарди. Кўп ўтмай, чўкич ва белкураклар билан қуролланган кишиларнинг ҳар бири тонгдан қуёш ботгунча 200 дан 1000 фунтгача* ер ағдарадиган бўлди. Хокандозни бир марта силтаб, ғалвирни бир неча бор қимирлатсанг, мингларга баҳоланадиган “хўп” қимматбаҳо тош оёғинг остида ётади: бир умрлик бойлик бир неча дақиқа ичида қўлга киритилади.



Телеграф шов-шувли хабарни тарқатавериb, сал бўлмаса абжағи чиққан эди. У янгиликлар билан Қўшма штатларни жунбишга келтирган ва уларни бутунлай қўзғатиб юборган эди. Аскарлар армия сафидан қоча бошлашди, фермерлар ўз ерларини тарк этишди. Тижоратчилар дўконларини ёпа бошлашди. Олтин изловчилар бойлик ахтариб йўлга тушишди. Чигирткалар галаси одамлар тимсолида қад кўтарди ва кон томонга қараб йўлга тушди.

1849 йилда соябонли аравалар ҳамда суворийлар-

*Фунт - қадоқ (409,52 граммга тенг оғирлик ўлчови)

дан иборат кишилар Канзасдан, яъни тамаддуннинг сўнгги таянчидан бу ёққа қараб йўл олдилар. Эҳтиросга тўлиб-тошган, саргузаштлар ишқибози бўлган ёш йигитлар эгарларда ўтирганча отларни гижинглатишарди. Миссуридан тортиб то Сьерра-Неваданинг қорли чўққиларига қадар отлар ҳамда оҳиста қадам босадиган буқалардан иборат бир бутун аравалар турнақатор бўлиб тизиларди. Қишдан сўнг уйғонган ям-яшил чўллар адоқсиз шовқин-сурон ва шўх-шодон қўшиқлар билан тўлган эди.

*Отга сакраб минган
одамлар Саттер
ранчоси томон йўл
олишди, унинг омон
қолган уй ва омборлари
остига динамит
қўйиб, кунпаякун
қилдилар.*

Сон-саноқсиз кишилар эса ўз мақсадига эришиш учун денгиз бўйлаб кетишди. Одамлар билан лик тўла кит овлайдиган кемалар ҳамда баржалар Горн бурнини айланиб ўтди. Магеллан бўғозида тентирайдиган пўртаналар зарбаси остида ёвузларча титраб-қақшаб, вабо ва зангила хасталигини ўзига юқтириб олган олтин изловчилар тўдаси худди Буюк океан оқимлари каби титилмай олдинга қараб одимлар эди.

1849 йилнинг талваса аралашган ёз ойларида етти юздан ортиқ кема ўз лангарларини Сан-Франциско кўрфазига ташлади. Денгизчилар дарҳол кемаларни тарк этиб, тепаликларга чиқиб кетдилар.

Бу бамисоли қора оломон каби тўда бўлиб, ханжар ва даррадан бошқа ҳеч қандай қонунни тан олмас, агар милтиқ билан қуролланган бўлишса, ҳеч қандай буйруқларга бўйсунмас эди.

Турган гапки, тўда ҳар томондан Саттер ранчосига ҳам ёпирилиб кирди. Улар экинларни пайҳон қилиб, Саттернинг ризқу рўзи бўлмиш буғдойини ташиб кетишди, чорва молларини эса сўйиб, гўштга айлантиришди. Ўзларига кулба тиклаб олиш мақ-

садида унинг омборларини чил-чил этиб, майда-лаб, вайрон қилдилар. Боз устига, хазина изловчилар шу қадар сурбетликка боришдики, ҳатто Жон Саттер ранчосида манзилгоҳ қуришга киришишди. Кекса плантатор ожиз ҳолда ғазабга тўлиб-тошар, келгиндилар унинг ерини сотиб олиб, пуллаётганини кўриб турар, гўё бу ерда хўжайин мутлақо йўқдай эди.

1850 йилда Калифорния Штатлар иттифоқи таркибига кирди ва ниҳоят қутурган тепаликлар устида қонун устуворлиги ҳукм сура бошлади.

Шундан сўнг Саттер тарихда энг йирик суд ишини очишга муяссар бўлди. У Сан-Франциско ва Сакраменто ўзининг хусусий мулки-тасарруфида қурилгани боис, мазкур шаҳар аҳолисига даъво қилиб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олган жойларидан тезда чиқиб кетишларини талаб қилган эди. Саттер, шунингдек, Калифорния штати-га ҳам даъво аризаси ёзиб, босқинчилик туфайли маҳрум бўлган йўллари, кўприги ва каналлари учун беш миллион фунтдан иборат товон пули тўлаш кераклигини айтиб, туриб олди.

Шу билан бирга у Қўшма штатлар ҳукуматидан келтирилган зарар учун ўн миллион фунт тўлашни талаб қилди ва, ниҳоят, унинг еридан олинган ҳар бир олтин учун товон тўланди.

Саттер тўрт йил давомида судма-суд саргардон бўлиб юрди. 1855 йилда иш унинг фойдасига ҳал бўлди. Калифорния штатининг Олий суди Сан-Франциско ва Сакраменто, шу билан бирга бошқа шаҳарлар ва қишлоқлар хусусий ерда барпо этилганини эътироф этди. Суднинг бу шов-шувли қарори худди зилзила мисоли Сакраменто ва Сан-Франциско аҳолисини ларзага солди. Бу нима деган гап, деб бир-биридан сўрашарди одамлар, қонун уларни ўз уйидан чиқариб юборишга йўл қўйиб берган-

ми? Энди нима бўлади? Йўқ, улар бундай қонунга кўрсатиб қўйишади.

Ғазабга лиммо-лим тўлган, ақли-ҳушини йўқотган оломон милтиқлар, болта ва машъалалар билан қуролланиб, кўчаларга чиқди, қулоқни тешадиган даражада қичқириб, ҳамма жойни талон-тарож қилиб, ўт қўя бошлади.

Оломон суд биносининг кулини кўкка совурди. Бинодаги мавжуд барча ҳужжатларни бирваракайига йўқ қилди. Шундан сўнг арқон олиб, судьяни линч йўли билан, яъни шундай қарор қабул қилгани учун ҳамманинг олдида судсиз-сўроқсиз қатл этмоқчи бўлдилар. Отга сакраб минган одамлар Саттер ранчо-си томон йўл олишди, унинг омон қолган уй ва омборлари остига динамит қўйиб, кунпаякун қилдилар. Мебелларини ёқиб юборишди, боғини пайҳон қилиб, охирги чорва молларини отиб ўлдиришди. Шу тариқа гуллаб-яшнаган ер тутун бурқсиб ётган саҳрога айлантирилди.

Оломон Саттернинг ўғилларидан бирини ўлдирди. Бошқасини эса ўз-ўзини ўлдириш даражасига олиб борди. Учинчи ўғлини Европага бораётганида, йўлда чўктириб юборди. Тақдирнинг бу ёвуз зарбаларини қайтаришга Саттерда куч-қувват қолмаган эди, у идрок қилиш қобилиятини йўқотди. Шундан сўнг Саттер йигирма йил давомида Вашингтондаги Конгресс биносини қамал қилди. У ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини ва аввалги мавқеини тиклашни сўраб ҳукуматни тинч қўймасликка уринди. Жулдур кийимларга ўралган, камбағал, эс-ҳушидан айрилган бу қария бир сенаторнинг ҳузуридан чиқиб, бошқасига ўтар, уларни адолатга чақирар эди. Кўчада эса болалар уни мазах қилиб кулишар, таҳқирлаб, шахсиятига тегишарди.

1880 йилнинг баҳорида Саттер Вашингтондаги ме-
беллар билан жиҳозланган хонада танҳоликда бан-



даликни бажо келтирди. У ўзининг еридан миллионлаб маблағ олган кишиларнинг назарига илинмай ва нафратига дучор бўлиб дунёдан кўз юмди. Ўз ҳақ-ҳуқуқлари туфайли улкан бойликка эга бўлиб турган бўлсада, охириги кунларини бир центга зор бўлиб поёнига етказди.

Орадан беш йил ўтгач, ўз кашфиёти билан бутун

Ғарбий дунё тарихида энг кучли олтин васвасасини кўзгатиб қўйган ва барчани ўзига тортган дурадгор Жон Маршалл ҳам вафот этди. У ўзининг иркит кулбасида ёлғизликда ҳаётдан кўз юмди. Бу вақтда бошқалар Маршаллнинг кашфиётидан миллионлаб фунт фойда олишар, унинг эса, ҳатто энг арзон тобут сотиб олишга ҳам пули йўқ эди.

УНИНГ ЕГУЛИК СОТИБ ОЛИШГА ҲАМ ПУЛИ ЙЎҚ ЭДИ

Эдгар Аллан По — энг романтик, шу билан бирга чинакамига ажабтовур адиблардан бири. У гўё гигант ғамгин одам каби Америка адабиёти саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Шу билан бирга қимор ўйинларига ва ароқхўрликка муккасидан берилиб кетгани боис Виржиния университетидан ҳайдалган эди. Кейинчалик Эдгар мавжуд йўриқномаларга риоя қилмагани учун Вест-Поинтдаги ҳарбий академиядан ҳам четлатилган.

У казармада ўтириб шеърлар ёзар, бир вақтнинг ўзида бошқалар каби ҳарбий машқ ўтказиладиган

майдонда милтиқ билан бажариладиган усулларни адо этар эди.

Ёшлик йилларида етим қолган По тамаки билан тадбиркорлик қилувчи бой-бадавлат киши томонидан асранди ўғил қилиб олинди. Ниҳоят, бу кишининг ҳам тоқати тоқ бўлди-ми, асранди ўғлидан воз кечишни маъқул кўрди. У Пони таёқ билан уриб, уйдан ҳайдаб юборди, меросдан маҳрум қилди, ҳатто яшаши учун бир чақа ажратмади.

Понинг уйланиш тарихи ҳам абадий асарнинг энг гўзал лавҳаларидан бири бўлиши мумкин эди. У холасининг қизи Виржиния Клемга уйланди. Ўша пайтда



да Понинг пули йўқ эди. Дарвоқе, унинг ҳеч қачон маблағи бўлмас, нимаси қилмасин, барибир, пулдор бўлолмас эди. По сўь аралаштирилмаган спирт ичарди. Унинг ягона синглиси ақдан озган эди. Айримлар эса, Понинг ўзини ҳам ярим тентак, деб таъкидлашарди.

Эдгар По ўзининг ёш хотинидан икки баробар катта эди. У 26, хотини эса 13 ёшда эди. Қадимги ривоятларга кўра, бундай никоҳ тезда завол топиши лозим эди. Аммо уларнинг иттифоқи, аксинча, романтик муваффақиятга сазовор бўлди. Эдгар По ўзининг ёшгина хотинига салкам сигинар эди. Виржинияга нисбатан сўнмас муҳаббати назокатли шеърӣ сатрлар яратишга илҳомлантирди. Бу эса инглиз тилини абадул-абад чиройли сўзлар билан бойитди.

Эдгар По шеърлар ва ҳикоялар ҳам ёзди, улар дунё

адабиётининг нодир намуналари сафидан муҳим ўрин эгаллади. Аммо у ҳаёт кечириши учун ўзининг ана шу дурдона асарларини сота олмасди. Масалан, По ўлмас деб ҳисобланмиш ушбу достонини бутун дунёга тақдим этган:

*Китоб жавоним кўраман
У сержило, у бебаҳо,
Минерва ҳайкалидан
Бирор томон кетмас асло.
Қора Қарға ўлтиради —
Нияти балки қаро,
Нигоҳи шунчалар ўткир
Муз бўлагин тешар, ҳатто.
Руҳим мисли муз бўлаги,
Қотиб қолган тин олмай,
Кўтармас, кўтара олмас
Оғир, вазмин қаддин асло.*

Эдгар По “Қарға” достонини қайта ишлаб, мисралари устида тер тўкиб, танаффуслар билан ўн йил давомида якунига етказди. Нашр эттирганидан сўнг унга бор-йўғи икки фунт ҳақ тўлашди, бу икки чақа пул дегани эди. Масалан, Ҳолливуд актёри Жон Берримор экранда бир дақиқа кўриниб, бундан кўп маблағ олган. Афтидан, кинематография шеърятга нисбатан кўпроқ даромадли кўринади.

Мен юқорида айтганимдек, По ўзининг “Қарға” достони учун ҳаммаси бўлиб икки фунт олган эди. Қарангки, қўлёзманинг ўзи кейинчалик ўнлаб минг фунтга сотилди. Демак, савол бериш ўринли: нима учун биз даҳоларимизнинг тириклик чоғида ярим оч ҳолда яшашларига йўл қўйиб берамиз-у, улар вафотидан сўнг қолган қўлёзмаларига ҳаддан зиёд фантастик маблағлар тўлаймиз?

Нью-Йоркнинг гавжум майдонларидан бири ёнида По ва Виржиния истиқомат қилган коттеж бўларди. По ижарага олган ушбу турар жой ярим вай-

рона кулбани эслатган. Ҳозир у қайтадан қурилган уйлар билан ўраб олинган. Аммо ўша вақтда бу гўша кенг боғ ўртасида бамисоли шинам маскан каби кўринарди. Баҳор келганида ҳаво гуллаган сирень ва гилосларнинг ифори билан тўларди. Асаларилар ғувиллаши қулоққа чалинарди. Бу ҳақиқий жаннат, афсоналарга лиқ тўла бурчак эди.

По уйни ойига 12 шиллинг тўлаш шарти билан ижарага олган, аммо ана шу арзимас маблағни тўлашга ҳам унинг қурби етмас, кўпинча тўламасди ҳам. Ўша вақтда

*Нима учун биз
даҳоларимизнинг
тириклик чоғида ярим
оч ҳолда яшашларига
йўл қўйиб берамиз-у,
улар вафотидан сўнг
қолган қўлёмаларига
ҳаддан зиёд фантастик
маблағлар тўлаймиз?*

хотини сил касали билан оғриб, азият чекканида, По ҳатто унинг учун егулик сотиб олишга ҳам пул топа олмаган. Улар кўпинча оч юрганлар. Баҳорда, ҳовлида момақаймоқ очилганида, шу ўтларнинг бошини кесиб олиб, қовуриб, ҳар куни тановул қилишар эди.

Виржиния шу ерда оламдан ўтди. Ўлиmidан бир неча ой муқаддам у сомон солинган тўшакдан тура олмаган, ҳатто исиниш учун дурустроқ кийими бўлмаган. Виржиния ҳаддан зиёд совқотиб қолганида, онаси унинг қўлларини, По эса оёқларини уқалар эди. По Виржиниянинг қалтираган танасини ўзининг эски, ҳарбий хизматдан қолган плашчи билан ўрар, бу кийимни у Вест-Пойнтда бўлган давридан буён кияр эди. Тунда эса эркалатиш ва панд-насихатлар ёрдамида хотинини оёғига мушукни қўйиб ухлатишга кўндирарди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Нью-Йорк шаҳри маъмурияти шоир яшаган коттежни ўз тасарруфига олиб, мемориалга айлантирди. Мен учун у муқаддас, хаёлдан кетмайдиган ғамгин ўй-фикрлар

юритадиган илоҳий гўшадир. Бу масканга бораман-у, аммо осонгина тарк этолмайман.

Виржиния январь ойида вафот этди.

Ойлар ўтди ва ва яна баҳор келди. Боғ узра ой кўтарилди, уфқда эса юлдузлар чарақлаб кўринди. По эса сукут сақлаб ўтирар, Виржинияни ўйлаб, азият чекар, уни соғинар эди. Шоир ана шу ҳиссиётлар оғушида Виржинияга ишқий хитоб билан мурожаат қилар, бошқа ҳар қандай эркак бундай хитобни ўз хотинига бағишлай олмаган бўларди:

*Ой ёғду сочар экан,
Нури ила келтирур,
Эннабел Ли ашқини.
Гар юлдузлар порласа,
Демак, гўзал, шодон файзли,
Ул эрурки, Эннабел Ли.
Узун тунлар сингиб кетгум
Меҳрибоним оғушига.
Ер чеккасин энг қоронғу
Тўлқин урган қирғоғида.*

“НИЛ МЎЪЖИЗАСИ”НИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Куйида энг мафтункор жонон тўғрисида ҳикоя қилинади. Ўз ошиқларининг қон босимини кўтариб юборган бу гўзалнинг номи Клеопатра бўлиб, у Миср подшоси, салкам маъбуда каби эди.

Клеопатра — Нил мўъжизаси. Унинг ҳаёт шоми бундан икки минг йил муқаддам сўнган бўлса-да, шон-шухрати ёғдуси юз йиллар, асрлар давомида ҳамон нур таратиб турибди. Клеопатра ўзининг қисқа, аммо ҳаётий ҳис-туйғулар алангаси билан тўлиб-тошган, ўттиз тўққиз йиллик умри мобайнида ер юзидаги энг машҳур икки кишининг меҳр-муҳаббатини қозонган ҳамда уни маҳкам тутган эди. Улар Марк

Антоний ва Юлий Цезарь эди.

Цезарни ҳамиша июль ойи тилга олинганида эс-лаймиз, чунки бу ой унинг шарафига қўйилган. Цезарь деярли бутун дунёни эгаллаган, аммо мўъжаз жуссали Клеопатра унинг ўзини мутлақо забт этган эди. Буни қандай амалга оширган-ни антик дунёнинг энг мароқли лавҳаларидан бирини ташкил этади.

Юлий Цезарь Исо Масиҳ дунёга келиши-дан 48 йил олдин Алек-сандрияга қараб юриш қилганида Клеопатра-



нинг ишлари бутунлай ёмон эди. Бундан сал аввал у тахтдан маҳрум бўлган, ҳеч вақоси қолмаган, энг ёмони, ҳаёти хавф-хатар остида бўлиб, ўлиб кетиши мумкин эди. Клеопатра оилавий жанжалга тортилиб, амакиваччаси билан тортишиб қолган, у Клеопатра-га қарши уруш эълон қилган эди. Натижада Клеопатра Қоҳирани тарк этиб қочишга мажбур бўлди. Цезарь унга ўз ҳузурига келишни тавсия этди. Клеопатра буни қай тарзда амалга оширган, деб ўйлай-сиз? Александрия амакиваччасининг жосуслари билан тўлиб-тошган, агар улар тутиб олишса, бу Клеопатра учун нақ ўлим дегани эди. Шу боис у ярим тунда кичикроқ балиқчилар қайиғига тушиб, шаҳарга келди. Хизматкорига ўзини гиламга ўраб, чодирга элтишни, улуғ ва азамат Цезарнинг кўзи олдида очиб юборишни тайинлади.

Клеопатра ўралган гилам қатидан югуриб чиқиб, кулганича зал бўйлаб рақс қилганини кўрган Цезарь унинг жозибадор қадди-қоматига лол бўлиб, қони жўш урди.

Цезарь ўзини севги-муҳаббат маъбудаси Зухра (Венера) сайёрасидан тушган деб ҳисоблар ҳамда аёл гўзаллигининг мислсиз билимдони деб биларди. Аммо бу кўргани бутунлай янги, руҳни эркаловчи, уни мафтун этувчи малак эди.

“Ахир, бу соҳибжамолнинг айнан ўзи-ку! — дегандир ўзига-ўзи Цезарь. — У яна қанча вақт рақсга тушар экан? Нега бундай пари пайкар бизда, Римда йўқ экан-а?”

Цезарь 44 ёшда бўлишига қарамай, аллақачон тепакал бўлиб қолган эди. Клеопатра эса, эндигина 21 ёшга етган, куч-қувватга ва ҳаётӣ тароватга лиммо-лим эди. Уни кузата туриб, Цезарь бирдан ўзини севги-муҳаббат тўлқинида сузаётган қайиқда тургандай ҳис этди. Клеопатра эҳтироси ва ақл-заковатининг нозиклиги билан Цезарни бир умрга ўзининг қулига айлантирди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Клеопатранинг укаси уни ўлдиришга шайланган эди. Цезарь эса ўз навбатида, бу ёш тирранчанинг адабини бериб қўйишга қасам ичди. Римлик легионерлар армиясига бош бўлиб, у Миср армиясини тор-мор қилди, Клеопатранинг укасини эса Нилга улоқтирди ва у чўкиб кетди.

*Ҳаммаси худди
“Минг бир кеча”даги
каби серҳашам ҳамда
дабдаба билан адо
этилган эди.*

Ана шу вақтдан бошлаб, Клеопатра Мисрнинг барча-барча эътироф этган маликасига айланиб, фиръавнлар юртининг бутунлай ҳукмдори бўлиб қолди. Орадан бир неча ой ўтгач, Клеопатра

Цезарга ўғил ҳадя этди. Бу унинг ҳаётидаги ягона фарзанди эди. Аммо бир хотинини Римда қолдириб, Цезарь Клеопатрага уйлана олмас эди.

Жанжалнинг олдини олиш ва ўз ўғлини қонунийлаштириш мақсадида Клеопатра ажойиб стратегик усул қўллади. У барча руҳонийларга қаттиқ тайин-

лаб, Юлий Цезарь фақат эркак бўлибгина қолмай, уни Худо, Куёш Худоси деб эълон қилишни, у Цезарь қиёфасида ерга тушган, шу боис маликага ўғил ато этган дейишларини буюради.

Бу мен учун бўлмағур чўпчак бўлиб туюлади, аммо икки минг йил муқаддам Мисрда яшаган одамлар бунга тўла-тўкис ишонган эдилар. Шунга ўхшаш нарсани ҳозирги пайтда исботлаб кўрсатиш Клеопатра учун осон кечмаган бўларди. Орадан кўп ўтмай Цезарь ўлдирилди ва кекса, жанжалкаш қиёфали, мудом маст-аласт юрадиган, қарзлар ичида чалкашиб қолган Марк Антоний Рим империясига бош бўлиб қолди.

Антоний ғалабалардан руҳланган ҳолда ўз армиясини Шарққа бошлади. Аслида у талон-тарож, босқинчилик ва айш-ишратга эҳтироси жуда баланд эди. Миср Шарқда энг бой мамлакат эди. Антоний ҳушёр бўлган дамларнинг бирида сафдошлари унга шундай деганлар: “Қулоқ сол, яхшиси, Александрияга юриш қиламиз-у, Клеопатранинг бошини танасидан жудо этамиз ва Миср қони таъмини тотиб кўрамиз”.

Бу гап қулоғига етган Клеопатра титраб-қақшаб қолди. У қандай қилиб Антонийни тўхтатиб қолиши мумкин эди? Кемалар ва қиличлар биланми? Ҳеч қачон! Меҳр-муҳаббат ва эркалатиш орқалими? Тўла-тўкис шу йўл билан эришиш мумкин. Шу сабабли Антонийда етарли таассурот қолдириш, юзини кўрсатиш мақсадида олтин қопланган тўқ қизил рангдор елканли кемада у билан учрашиш учун йўлга тушди. Ҳаммаси худди “Минг бир кеча”даги каби серҳанам ҳамда дабдаба билан адо этилган эди. Жажжи болакайлар севги тангрисидай ясаниб, товус патларини силкитишар, айнан шу пайтда ясанган, шойин-кимхобларга беланган чўри қизлар саҳро мусиқалари остида хиром қилишарди.

Ён-атрофни хушбўй ифорлар тутиб кетган эди. Ана шу шарқона мафтункорлик ўртасида эса севги-муҳаббат маъбудаси Зухра қиёфасида шойи тўшалган кўшкда фусункор ва инон-ихтиёрни олиб қўядиган Клеопатра узала тушиб ётарди.

Агар сиз тўсатдан Марк Антонийнинг ўрнида бўлиб қолганингизда, нима қилардингиз, деб сўраш мумкин. Мен ҳам нима қилган бўлардим, деб ўйлаш мумкин. Ахир Марк бел оғриғи ва ошқозони бузилганидан азият чекиб, қимирламай ётган бўлса, бундай аёлга қарши чиқа олармиди? Дарвоқе, Антонийни ҳам тушуниш мумкин — у, ҳатто қаршилиқ кўрсатишга уринмади ҳам.

Антоний қўпол, беадаб, пасткаш, тарбия қўрмаган навкар эди. У аёллар учун ишратпарастларча ҳаддан зиёд кайф-сафо, базмлар ташкил этар, бундай базми жамшидлар, ҳатто Римнинг манамен деган валломатларини ҳам ҳанг-манг қилиб қўярди. Мана энди маданият тимсоли ва назокат соҳиби, шеърийат билимдони унинг маҳбубаси бўлиб турибди. Клеопатрага бўлган кучли эҳтирос Антонийнинг алғовдалғовли ҳаётига илк марта мисли қўрилмаган гўзаллик ва назокат нурларини олиб кирди. Айнан ана шу уни садоқат ва вафодорликка ишонтирдик, орадан йигирма аср ўтган бўлса-да, у ҳамон бизнинг ҳавасимизни келтиради.

Клеопатра эркакларга қай тарзда муомала қилишни билар эди. У Антонийнинг ҳар бир истак-хоҳишига йўл топиб, унинг хулқ-атвориға аҳамият бериб ўтирмади. Клеопатра Антоний билан бирга соққа ўйнар, уни овға ва балиқ тутишға кузатиб борар эди. Хизматкор қаби кийиниб, тунда у билан бирга кўчаларни сайр этар, бир-биридан қизиқарли кутилмаган қилиқлар кўрсатарди.

Бир куни балиқ овида Антоний шикоят қилиб, бирорта ҳам балиқ илинмаганини айтиб қолди.

Шунда Клеопатра ўзининг қулларидан бирига буйруқ бериб, қайиқ тагига киришни ва Антонийнинг қармоғига тузланган сельдь балиғи илдириб қўйишни тайинлади.

Клеопатра айниқса, Антонийнинг ошқозонига алоҳида ғамхўрлик қилган. Ана шу мақсадда бутун бошли ошпазларни ўз ихтиёрида сақлаб, эрта-ю кеч иссиқ овқат тайёрлатди. Антоний истаган вақтда ажаб-товур зиёфат шай бўлиб турар эди.

Антоний шунчалик Клеопатранинг таъсирига тушиб қолдики, бутунлай эс-хушини йўқотди. У маликага мукофот тариқасида бутун денгиз қирғоқларини ҳадя этди. Шундан сўнг вилоятлардан бирини ва Кипр ҳамда Грете ороллариини берди. Унинг саховати шу қадар олий даражага етдики, Клеопатра империянинг бутун Осиёга тегишли ҳудудларига эга бўлиб олди. Бу туҳфалар тўғрисидаги хабар римликларнинг қаҳр-ғазабини бутунлай тошириб юборди. Нима деган гап, ахир? Юзлаб жанглар туфайли, римликлар қонининг тўкилиши оқибатида қўлга киритилган ҳудудлар бир бекорчи тантиқнинг, мисрлик маъшуқанинг ихтиёрига шунчаки ташлаб қўйиладими?

Бунга жавобан улар томонидан уруш бошланди. Клеопатранинг куни битди. У очикдан-очиқ ўзининг ролини ўйнашдан маҳрум бўлди. Қасос олиш фурсати етди ва қаҳр-ғазабга минган римликлар Антоний ва Клеопатранинг кемаларини тор-мор қилиб, армиясини чекинишга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳалокат эканлиги аниқ бўлиб қолди. Антоний, агар тутиб олишса, бошидан жудо қилишларини олдиндан билар эди. Шу боис у ўзини чавақлади, талваса ичида азобланиб, Клеопатранинг кўлида жон берди, ҳаётда унга қанчалик ёпишган бўлса, ўлганида ҳам ундан жудо бўлмади.

Клеопатра ҳам ўз навбатида қасам ичиб, Рим кўча-

ларида қўлида занжир тутган оломон томонидан ҳақорат ва мазах қилишларига йўл бермасликка аҳд этди. Шу сабабли, у заҳар ичишни маъқул кўрди. Бунга қандай эришди, ҳеч ким билмайди. Бу сирни Клеопатранинг ўлиmidан йигирма дақиқа ўтиб, уни топиб олган кишилар ҳам оча олмадилар.

Айримларнинг айтишига қараганда, у ўзини-ўзи тишлаб олган-у, сўнг ярасига илон заҳрини суртган. Бошқалар эса, Клеопатра ўзига юборилган гуллар солинган саватдаги илонни кўксига қўйиб, ўзини чақтирган, дейишади (*мисрликлар тасаввурига кўра, заҳарли илонларнинг чақиши абадийлик бағишлар эмиш — таржимоннинг изоҳи*).

Клеопатра Марк Антоний билан бирга Мисрнинг аллақаерида дафн этилган. Қерда эканлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Агар Александрияга бориб, унинг қабрини топишга муваффақ бўлсангиз, бу сизга катта бойлик олиб келади. Ўшанда номингиз дунёдаги жамики йирик газеталарнинг биринчи саҳифасида чоп этилиши, шарафларга бурканишингизни айтмаса ҳам бўлади.

ТИШЛАРИ ФИЛ СУЯГИ БИЛАН РАҚОБАТ ҚИЛУВЧИ ХОНИМ

Грета Гарбо — америкалик машҳур актриса. У “Қиролича Кристина”, “Анна Каренина”, “Хушбўй гулли хоним” каби фильмларда бош ролларни ижро этган. Асосан, азият чекаётган, буткул бахтсиз аёл тимсолини яратишга интилган. Самимийлик ва сидқидиллик, табиий жозибадорлик уни бутун дунё эътироф этишига сабабчи бўлган.

(“Катта қомус”).

Дунёга машҳур икки киши ўз ҳаёт йўлларини сартарошхонада дастёрликдан бошлашган. Бири Лондонда, иккинчиси Стокгольмда. Унисига ҳам, бунисига ҳам совун кўпигини устарага мўлжалланган идишчада аралаштириб, мижозлар юзига суркашга тўғри келган, бу вақтда эса усталар кимнингдир соқоли ёки бакенбардини олиш учун устарани тўғрилашган.

*Грета Гарбога
нисбатан Қўшма
Штатлар президенти
ёки инглиз
қироличасини кўриш
осонроқ эди.*

Грета Гарбо каби Чарли Чаплин ҳам маълум вақт худди шу тариқа ҳаёт кечирган. Грета Гарбо Америкага келганида уни

ҳеч ким билмас эди. У, ҳатто инглиз тилида гапира олмаган. Йиллар ўтди ва Грета дунёдаги машҳур аёллардан бирига айланди. Унинг порлаган юлдузи кейинги икки аср давомида қадрдон ватани Швецияда тахтни эгаллаган қирол ва қироличаларнинг либосларидаги юлдузлардан ҳам машҳурроқ ва кўпроқ чақнар эди.

Гарбо ёшлигида ўз тенгдошларидан бирор жиҳати

билан ажралиб турмаган. Мактабдаги маъюс ва ҳазин кунлар жонига текканида, у яширинча театрнинг хизматчилар кирадиган эшиги олдига оёқ учида юриб бориб, ўша ерда қўйилаётган томошани бутун диққат-эътиборини жалб этиб, тинглар эди. Бундай ҳолатда чиптанинг керак эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Сўнг тўлқинланиб кетганидан ёнғудек бўлиб, уйга қараб чопар, юзини акварель билан бўяр, ўзини прожекторлар ёруғида саҳнага чиқаётган Сара Бернар дея тасаввур қилар эди.

Қизалоқ ўн тўрт ёшга кирганида, отаси вафот этди. Оила ночорликда ҳаёт кечирар эди. Маълум вақт сартарошхонада ишлаган Грета Стокгольм универмагларида биридан иш топиб, шляпа сота бошлади.

Бир куни унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборадиган воқеа рўй берди ва Гретанинг йўлини шон-шухрат томон буриб юборди. Бу унинг энг ҳайратомуз хатти-ҳаракатларидан ҳам афзал эди. Гретанинг модель сифатида шляпаларни сотиш учун реклама савдосида иштирок этишига тўғри келди. Бу жараён кинотасмага олинар эди. Агар мазкур роликни студиянинг зийрак директори кўриб қолмаганида, Гарбо ҳозиргача сотувчилик билан машғул бўлар эди. Унинг жозибадорлигига биринчи қурбон бўлган директор ўн олти ёшли қизга театр мактабида ўқишни тавсия қилди.

Актёрлик каби унчалик ишончли бўлмаган касб билан алоқага киришиш викинглар меросхўри учун анчайин мардлик, матонат талаб қилгани ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Грета охирги дақиқаларга қадар шляпа сотиладиган пештахтани асосий ва доимий иш ва маош жойи деб ҳисоблаганида, ҳаётда ана шундай таваккалчилик билан қадам қўйган бўлармиди?

Бир куни машҳур швед режиссёри уни театр мактабидаги ўқувчи ролларидан бирига таклиф этди. Ўша пайтда Гретанинг фамилияси Густафсон эди. Кўряп-

мизки, унда нафислик ҳам, мафтун этадиган бошқа жиҳат ҳам йўқ эди. Ана ўшанда сеҳрли таёқчанинг бир силкиниши билан Грета Густафсон Грета Гарбога айланди.

Грета дунёдаги энг тортинчоқ ва сирли аёллардан биридир. У билан ким бирга бўлса, ўшалар учун сирлидир. Масалан, Валлас Вир икки йил давомида Грета билан бир сахна майдончасида ишлаган, аммо уни ҳеч қачон кўрмаган. Ҳаммасидан кўра, ҳайратланарли томони шундаки, Вир



Грета билан “Гранд-отель” фильмида бирга иштирок этганида ҳам уни кўрмаган. Гап шундаки, улар турли вақтда суратга олинган, турли сахналарда банд бўлишган.

Американинг энг машҳур репортёрларидан бири Артур Брисбан Ҳолливудга йўл олиб, Грета Гарбонинг роль ўйнашини кўрмоқчи бўлган. Уни суратга олиш майдончасига олиб келишган. Аммо Швециянинг жаннат қушчаси пириллаб учиб келишни рад этди. “Мен жаноб Брисбаннинг мақолаларини ўқийман, унга қойил қолганман, — деди Грета. — Аммо мен унинг кўз олдида ўйнай олмайман”.

У фавкулудда тўлиб-тошган ҳиссий тарангликдан иборат сахналарда иштирок этар экан, кўпинча режиссёрнинг ўзидан ҳам бу жараёнда иштирок этмаслигини талаб қилар эди. Уни тасвирчи Вильям Даниелдан бошқа ҳеч ким кўрмасди.

Даниель Грета билан унинг биринчи фильмидан буён бирга ишлар эди. Ўша кунлари актриса инглиз тилида қўпол хатога йўл қўйди ва бу атрофдаги кишиларнинг кулгисини қўзғатди. Барчанинг, аммо Вильям Даниелнинг эмас. Чунки унда етарли даражада соғлом фикр бор эди. Бу гўзал ёш ажнабий аёл қанчалик ҳиссиётга бойлиги ҳамда гап кўтара олмайдиган даражада нозик эканлигини Вильям яхши билар эди. Ўшанда Грета самимий миннатдорчилик билдирар экан, сал бўлмаса йиғлаб юборай деганди.

У бир саҳнадаги ишини тугатиб, худди овчилар қувлаган оҳу каби ўзининг мўъжазгина шинам хоначасига кириб олар эди. Навбатдаги саҳнада ишлаш учун чақирмагунларича хонадан чиқмасди.

Бир полициячи Гретани қўриқлаб овоз ёзиш студияси павильони эшиги ёнида турган, бошқаси эса суратга олиш майдончасининг девори ёнида кузатиш жойини эгаллаган эди. Умуман олганда, Грета Гарбога нисбатан Қўшма Штатлар президенти ёки инглиз қироличасини кўриш осонроқ эди.

Унинг мухлислари миллионлардан иборат бўлсада, дўстлари жуда кам эди. Бу табиат Гарбога ато этган фавқулудда норасолик туфайли рўй берган эди. Шундай улкан шон-шуҳратга бурканганига қарамай, бирор-бир обрўли кишига таништиришга тўғри келса, бу актриса доимо титраб, ўзини йўқотиб қўярди. Ва у дунёдаги энг ёлғиз яшаган аёллардан бири эди. Ҳатто, Рождествода ҳам ўзининг улкан жимжит, баҳайбат мебеллар билан жиҳозланган хонасида ёлғиз овқатланар эди. Бу хонага унинг яқин дўстлари сифатида фақат икки киши кира оларди. Бу ерда телефон қўнғироғи жуда кам жаранглар, кулги товушлари деярли эшитилмас эди.

Америкада жуда камдан-кам киши Грета Гарбо-нинг яшаш жойини билади. Ҳатто энг яқин қўшнилари ҳам ўз хоналарининг девори ортида машҳур акт-

риса яшаши мумкинлигини хаёлларига келтира олмайдилар.

Бир куни Грета Гарбо уйни ижарага олиб, ҳақини уч ой олдин тўлади, аммо у ерда бор-йўғи уч кун турди, холос. Чунки актрисани бир фотосуратчи таъқиб қилаётган эди.

Гретанинг сарф-харажатлари бошқа киноюлдузларга нисбатан жуда камтарона эди. У анча уринган ва увадаси чиққан машинада юрарди. Бу автоулов шунчалик эски эдики, бошқа автомобиллар ёнида жуда кулгили кўринарди. Гретага фақат уч киши хизмат қилар эди: ҳайдовчи, қора танли хизматкор аёл ва ошпаз. Унинг ҳафталик даромади ўртача бир ярим минг фунт бўлиб, ҳафтада ўзи учун 20 фунт сарфлайди, холос.

Бунинг устига актрисанинг ҳайдовчиси доимо енги остида милтиқ сақлайди. Актриса ҳайвонларни жудаям яхши кўради. Ит ёки отни эркалатиш, улар билан гаплашишни бирор марта бўлсин канда қилмайди. Унинг бассейнида олтин балиқлар ҳамда бақалар яшайди. Дўстларимдан бирининг менга айтишича, у келганида, Грета фақат бақалар билан гаплашган, суҳбат давомида фақат ўшалар тўғрисида сўзлаган.

Одатий кунларда Грета свитер ва денгизчилар иштонини кийиб юради. Саҳнадан ташқарида у косметикадан умуман фойдаланмайди. Грета Гарбо ҳеч қачон пушти, қизил ёғупа ишлатмайди ва тирноқларига пардоз бермайди. Актрисанинг бурни жимитдеккина бўлиб, юзининг икки томонида билинар-билинемас сепкили бор.

Сизга Гретанинг оёқлари тўғрисидаги ҳазилларни эшитишга тўғри келгандир. Унинг бўйи беш фут* ва олти дюймдан** иборат бўлиб, оёқлари тўла-тўқис танаси ҳажмининг тенг ярмига тўғри келади. Кийим

* Фут — 30,48 см.га тенг узунлик ўлчови.

** Дюйм — 25,5 мм.га тенг узунлик ўлчови.

ўлчами - еттинчи. Бу бўйи ва вазни ўртача бўлган аёлларнинг ўлчами ҳисобланади.

Унинг тишлари оппоқ ва силлиқликда фил суяги билан рақобат қилиши мумкин. Грета ҳеч қачон тиш даволовчи шифокор ҳузурига борган эмас. Биринчи инглизча талаффуз қилган сўзи - “Олма шарбати” бўлган. Бу сўзни илиб олишига сабаб шуки, у ўша пайтларда студияга келганида, бу сўз кўпроқ тилга олинган. Агар сиз Грета Гарбодан Ҳолливуд тўғрисидаги таассуроти-ни сўрасангиз, у шунчаки лўнда қилиб: “Олма шарбати”, — деб юборса ҳам ажаб эмас.

СЎНГГИ ВАЛИАҲДНИНГ ҚОНГА БЕЛАНГАН ЁСТИФИ

1889 йилнинг совуқ январида, тонг отишидан сал олдин қудратли Австро-Венгрия империяси вориси шаҳзода Рудольфнинг овчиларга хос уйида тўппончадан кетма-кет уч марта ўқ узилди.

Ўша тунда у билан бирга битта том остида тунаган дўстлари асабий тарзда қирол ётоқхонаси эшигини тақиллатиб, тепа бошладилар. Сўнг жавобни кутмасдан эшикнинг ошиқ-мошиғини суғуриб, ичкарига ёпирилиб киришди.

Хизматкорнинг фикрича, Рудольф ва Мария ўша куни ўлдирилиши муқаррар эди.

Уларнинг кўз олдида намоён бўлган манзара даҳшатдан қотиб қолишга мажбур этарди. Хона қўрқинчли тарзда тартибсиз ҳолга келган эди. Курсилар ағдарилган, шампан виносининг бўшаган шишалари полда ташландиқ ҳолда ётарди. Фақат ёстиклар эмас, балки деворлар ҳам қонга беланган эди. Валиаҳд Рудольф овчилар кийимида бўлиб, ҳатто этиклари ҳам каравотда кўндаланг ётарди. Бошининг юқори қисми кўпариб ташланган, ёнида эса, энсасига теккан ўқдан

ўлган маҳбубасининг яланғоч танаси ётарди. Ярасининг усти сочлари билан беркитиб қўйилган бўлиб, бу гўзал қоп-қора сочлар бир пайтлар Рудольфнинг севимли эрмаги бўлган эди. Танада бундан бошқа жароҳат йўқ, у ўлганида ҳам худди юнон маъбудалари сингари тириклигидаги каби соҳибжамол эди.

Мазкур фожа бир неча йиллар муқаддам узоқ Австрияда рўй берди. Шаҳзода Рудольф ва маҳбубасининг ўлдирилиши ёки ўз жонига қасд қилиши билан боғлиқ оқибатлар бутун дунёнинг тақдирига катта таъсир ўтказди.

Бунинг изоҳи эса жуда оддий.

Агар Рудольф тирик қолганида, унинг демократик дунёқарашига мувофиқ, Австрия 1914 йилда



Рудольф ва Стефания

валиахднинг нафратига учраган Германия кайзери билан иттифоққа киришмас эди. Шунингдек, у Англия билан урушга киришишдан ҳам бош тартиди. Чунки унга доимо меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлган эди. Агар шундай ҳол рўй берганида, биринчи жаҳон урушига эмас, балки иккинчисига ҳам йўл қўйилмаган бўларди.

Балки Рудольф аввал ўз маҳбубасини отган-у, шундан сўнг ўзининг жонига қасд қилгандир? Эҳтимол, бу ишга учинчи киши аралашган ва ҳар иккаласини ҳам ўлдиргандир? Бунинг ҳеч ким билмайди. Кўпгина муаллифлар мазкур фожиавий романтик воқеага қизиқиб, немис, инглиз, итальян тилларида китоблар битдилар. Аммо қирол уйидаги даҳшатли сирли фожа энди, афтидан, ҳеч қачон очилмайди.

Муваффақият тамойиллари

Отишма пайтида овчилар уйчасида Рудольфнинг икки нафар дўсти: шаҳзода Филипп ва граф Хейс ҳозир бўлган. Ҳар иккаласи ҳам қотиллик рўй берган, деб ҳисоблайди. Улар ҳам, Венадаги деярли ҳар бир киши ҳам шаҳзода Рудольф шахсий ҳаётда бахтсиз эканлигини билишарди.

Бундан саккиз йил муқаддам у Бельгия қиролининг қизи малика Стефанияга уйланган эди. Аммо эр-хотин бир-бирларига мутлақо бефарқ эдилар. Уларнинг никоҳи сиёсий мақсадлар туфайли рўй берган эди. Йиллар давомида Рудольф ва Стефания бир-бирларидан тобора узоқлашиб кета бошладилар. Малика унинг ётоғида жуда кам бўлар, шу билан бирга шаҳзодани бошқа аёллардан ҳаддан зиёд рашк қилар эди.

Рудольф жуда кўп саёҳатга чиқар, ўнта тилда гаплаша олар, китоблар ёзар, шу ва шу каби бошқа сабаблар туфайли, у Венанинг энг севимли кишиси ва империянинг сифинадиган одамига айланган эди.

У 1888 йилда, яъни ўлимидан бир йил олдин мафтункор, қувноқ, ёш грек қизи баронесса Мария Ветсера билан танишиб қолган эди.

Мария ўн тўққиз ёшда, у эса йигирма тўққизда эди. Улар бир-бирларини романтик даражада ҳаддан зиёд яхши кўрадилар.

Авж олган эҳтирос тўлқини Вена меҳмонхоналаридаги одатий жанжалларга ўрганиб қолган эди. Мижозлар учун ҳам шов-шувли овозага айланди. Унинг овозаси қари, шафқатсиз император Франц Иосифга қадар етиб борди. У маълум маънода ахлоқий тамойилларга риоя қилиб, дастлабки пайтларда ўғлининг қизиқиши ва майлларига илтифотли муносабатда бўлди. Бу вақтда эса Рудольф ва маҳбубасининг ҳис-туйғулари алангаси тобора авж ола борди. Вена ва Будапешт матбуотининг поёни кўринмай-диган шов-шуви ва жанжаллари учун ажойиб мавзу юзага келди. Шунда Франц Иосиф ўғлини ҳузурига

чақириб, унга бу сира тинчимайдиган, обрўсига пур етказадиган алоқани тўхтатишни буюрди.

Аммо Рудольф қари императорга зарда қилиб, Марияни ҳеч қачон ташлаб кетмаслигини очиқдан-очиқ маълум қилди. Франц Иосиф столга мушт уриб, бор ғазабига эрк берганча, таҳдид қилишга ўтди. Аммо бу ҳеч нимани ҳал этмади, чунки Мария Рудольф учун ор-номус, бойлик ва, ҳатто Габсбургларнинг ярқироқ тожидан ҳам қимматлироқ эди. Ниҳоят, у ўзини тахтга боғлаб турган барча имкониятларини ташлаб, хотинидан ажралиш ва Марияга уйланиш керак, деган фикрга келди. Бу эса императорнинг ғазабини янада кучлироқ кўзғатиб юборди. Рудольф ва Мария унинг овчилар учун мўлжалланган мулкида тез-тез учрашадиган бўлишди. Бу маскан қарағайзор ўрмоннинг энг хилватида — ичкарисида, Венанинг ғаразгўй кўзлари ҳамда заҳар-заққум тилларидан ўттиз мил олисда жойлашган эди.

Улар ўша масканга яна январь ойида, тақдирларидаги бир неча бахтли онларини ўтказиш учун боришди. Ана шунда тарих гилдирагини ўзгартириб юборган учта машъум ўқ овози эшитилди.

Ўша фожиали тонгда хизматкор Рудольфни соат етти яримда уйғотиб, овга боришга отланганини эслатди. Аммо шаҳзода ўзининг ниятидан воз кечганини айтди, чунки ҳаво жуда совуқ, туманли эди. Бунинг ўрнига у аравани Венага кетишга ҳозирлашни буюрди.

Хизматкор Рудольфни охирги марта кўрган киши эди. Унинг айтишига қараганда, хўжайин ўша куни эрталаб ҳаддан зиёд қувноқ ва бахтиёр кўринган. Хизматкорнинг фикрича, Рудольф ва Мария ўша куни ўлдирилиши муқаррар эди.

Рудольфни қандай сабаб ҳаётдан кўз юмишига мажбур этган, деган савол туғилади. Сон-саноқсиз, беҳисоб бойлик. Мислсиз машҳурлик. Ёшлик. Муҳаб-

Муваффақият тамойиллари

бат. Шон-шуҳрат. Ва, ниҳоят Габсбурглар тахти.

Қария император мазкур воқеани хаспўшлаб юборишга уриниб, сарой шифокорига Рудольф зарба туфайли ўлганлиги ҳақидаги хулосани имзолашни буюрди. Аммо врач бу ишни қилишдан бутунлай бош тортди.

Рудольф Австрияни олти юз йилдан буён бошқариб келган Габсбурглар авлоди анъанасига кўра қироллик ҳашамати ва дабдаба билан дафн этилди. Аммо маҳбубасининг жасади кийим-кечак солинадиган саватга солиниб, овчилар уйи ёнида яшовчи хизматкор қазноқига ташлаб қўйилди. Уни бир неча вақт эътиборсиз ва қаровсиз ҳолда ўша ерда қолдиришди. Ниҳоят, тунларнинг бирида қарағайзор ўрмоннинг энг қалин хилват жойидаги ташландиқ монастирда дафн этишди. Монахлар жасадни ғадирбудир тахталардан ясалган тобутга солишди, марҳуманинг кўйлаги ундан чиқиб турган чўпларга илиниб қоларди. Рудольф билан учрашганда қувнаб кийиб юрадиган шляпасини эса унинг боши остига ёстиқ ўрнида қўйдилар.

Дафн маросими сукутини фақат шамолнинг шовқини, дарахтлар орасидаги изғирин бузиб турарди, улар Мария учун сўнгги мотам жанозаси бўлиб қолди.

УНИ КАШФИЁТИ УЧУН ОТИБ ТАШЛАМОҚЧИ БЎЛИШГАН

Мен бир вақтлар ҳаётимизга катта таъсир кўрсатган киши билан учрашганман. У биз яшаётган дунёни ўзгартириб юборган эди. У бизга зарурат туғилганида, бутун оламга жами етти сониялик сигнал юбориш имкониятини яратган эди. У туфайли биз радиоприёмник қулоғини шундоқ бурасак, уйимизда туриб, Бэкингем саройидаги қиролнинг сўзга чиқишини эшитишимиз ёки машҳур оркестрнинг серзавқ на-

воларини ҳузур қилиб тинглашимиз мумкин.

Биз Марконини ҳамма вақт италиялик деб ҳисоблаганмиз. Аслида унинг отаси италиялик бўлган. Онаси эса ирландиялик бўлиб, қадрдон уйи Лондонда жойлашган эди.

У она томондан сариқ сочлар ва зангори кўзларни мерос қилиб олди. Ҳа, Маркони италияликларга нисбатан кўпроқ инглизларга ўхшаб кетарди. У инглиз тилида тоза гапирар, аммо лондонча лаҳ-



жаси сал-пал сезилиб турарди. Инглизча сулукатга мувофиқ, у чап кўзига монокль (бир кўзга тутиладиган кўзойнак) тақиб юрар, бир неча йил муқаддам автомобиль ҳалокатига учраб, ўнг кўзи жароҳатланган эди.

*У ўша заҳотийёқ
турли васвасаларга
берилган ғалати
табиатли одамлардан
хат-хабарлар ола
бошлади.*

Мен бу сокин, камтарин ва камсуқум одам билан суҳбатлашар эканман, давримизнинг энг ажойиб кишисига рўбарў турганимни англаган эдим. Шунини айтишим жонизки, мен ёшлигимда Миссурида яшаганимда,

симсиз телеграф ихтиро қилган улуг италян олими тўғрисида ўқиб қолган эдим. Мен бир вақтлар, 1920 йилда дўстим билан бирга Лондон ресторанига нонушта қилиш учун отланганимда, у ерда радиоприёмник деб аталувчи, илгари мен сира кўрмаган антиқа қурилмани эшитишга тўғри келган эди. Энди эса, мана, шундоқ рўпарамда ана шу мўъжизани кашф этган одам ўтирарди.

Муваффақият тамойиллари

Мен Марконидан ўша пайтда радио соҳасидаги тажрибаларга қандай қизиқиб қолганини сўрадим. У ёшлигида бутун дунё бўйлаб машаққатсиз саёҳат қилишга ёрдам берувчи нимадир яшашни мақсад қилгани ва шу ишга берилиб кетганини айтди.

У қариндош-уруғларини кўриш учун онаси билан бирга Италиядан Лондонга йўл олибди. Францияни кесиб ўтишда поезд ойнасидан кўзини узмабди. Кўз олдидан қор билан қопланган тоғлар, кўпираётган дарёлар, сирли сарой ва виллалар ўтарди. Шундай қилиб, болалигидан бошлаб, Маркони қалбида саёҳат қилишга кучли эҳтирос пайдо бўлди. Ва у электр тўлқинлари ёрдамида тажриба ўтказиш орқали ер устига кўтарилиб, узоқ мамлакатларга бемалол “саёҳат” қилиш имкониятини эгаллаш мумкинлигини ҳис этди.

Маркони бинонинг маълум чекланган қисмида ишласа-да, одамлардан узилиб қолмасликка тиришарди. У ўзининг барча тадқиқотларини ўзига хос сузувчи лабораторияларни эслатувчи яхта бортида ўтказган. Саёҳатларга иштиёқ зўрлигидан ҳаёти давомида Атлантика океанини саксон марта кесиб ўтган эди.

Маркони радиосигнални хонадаги масофада қабул қилишни ёшлигидаёқ ўрганган эди. Шундан сўнг уни икки миль олисга узатишга муваффақ бўлди. Кашфиётчи қувончининг чек-чегараси йўқ эди. Очиги, унинг отаси бундай машғулотларни маъқулламас, бекордан-бекор вақтни йўқотяпти, деб айтарди. Кейинчалик, бир неча йиллардан сўнг ўғли ўзининг айрим патентларини Британия ҳукуматига 50 минг фунтга сотганида, отаси ишнинг бунчалик бурилиб, авж олганидан ҳайрон бўлиб қолди. Унинг ишига ҳурмат билан қарайдиган бўлди.

Мен сенатор Марконидан, қизиққанимни яшириб ўтирмасдан, ўша дастлабки 50 мингни нима-

ларга сарфладингиз, дея сўрадим. У, велосипед сотиб олдим ва яна одатдагидек ишга ўтирдим, деб жавоб берди. Тажриба ўтказиш унинг ҳавасни келтирадиган, жозибадор машғулоти бўлиб, ҳамма нарсани сотиб олишга пул сарфлашдан ҳам кўпроқ завқ-шавқ бағишлар эди.

1901 йилда Маркони умр бўйи кўнглида асраган орзусини рўёбга чиқаришга жуда яқин қолганини ҳис этди. Шунинг учун пайсалга солмасдан, Атлантика океанининг бошқа томонига қараб йўл олди. Ўша ерда, Америкада ўзининг Англиядаги тўлқин узатадиган станцияси ҳақида маълумот олишни мўлжаллади.

Ньюфаундлендга етиб боргач, Маркони антенна “ролини бажарувчи” варракни учирди. Аммо фир-фир шамол ўша заҳотиёқ варракка бириктирилган бамбукни майда бўлақларга бўлиб юборди. Шундан сўнг Маркони ҳаво шарини учирди, аммо уни шамол океанга учуриб кетди. Ниҳоят, Маркони варракни учуришга муваффақ бўлди. Варрак жуда баланд масофада парвоз қилиши керак эди.

Маркони нафасини ичига ютганча, соатлаб жавоб сигналини кутди, бу жавоб Корвилл станциясидан келиши керак эди. Аммо бари беҳуда бўлиб чиқди. Маркони гўё фожиа ичида қолгандек туюлди. Тажриба барбод бўлди. Маркони, орзум амалга ошмади, деган қарорга келди.

Ва у тўсатдан зўрға эшитиладиган тиқирлашни илғаб қолди. Кейин яна бошқасини. Ҳа, бу шартлашилган сигнал эди. Бу уч нуқта бўлиб, телеграфчилар томонидан фойдаланиладиган “С” ҳарфини англатар эди.

Қизғин эҳтирос ва ҳаяжон ичида Маркони бу иши дунё тарихида қанчалик муваффақият келтиришини зўрға англаб етди. У қувонганидан том устига сакраши ёки бу фавқулодда янгиликни бар-

чага бақириб маълум қилишга тайёр эди. Аммо тезда ўзини қўлга олди-ю, яхшиси, шошилмаслик керак, деган қарорга келди. Аслида у, одамлар менга ишонишмайди, деб хавфсирарди. Шунинг учун икки кеча-кундуз ўзининг сири тўғрисида ҳеч ким билан гаплаша олмади ҳам. Сўнгра мардоналик билан тажрибаларининг натижалари тўғрисида Лондонга хабар берди. Бу жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Янгилликни беш қитъа газеталари эълон қилди. Илм дунёси ҳаяжонга тушиб, жунбишга келди. Ахир инсон чексизликни, вақтни ҳатлаб ўтиб, янги даврга, эрага қадам қўйди! Дунёни бутунлай ўзгартириб юборишга қодир бўлган симсиз телеграф яратилди.

Мазкур ихтирони кашф этган Маркони ўшанда неча ёшда бўлган, биласизми? Бор-йўғи йигирма еттида эди.

Ва у ўша заҳотиёқ турли васвасаларга берилган ғалати табиатли одамлардан хат-хабарлар ола бошлади. Улар Маркониининг электр тўлқинларидан шикоят қилишар, у танамиздан ўтиб, асабларимизни бузади, уйқумизни ўчиради, деб аюҳаннос солишарди. Айрим мутаассиблар эса таҳдид қилиб, Маркониини ўлдирамиз, дейишгача боришди.

Шулардан бири, немис, ихтирочисини отаман, деб Лондонга отланганини маълум қилди. Мазкур хат Скотланд-ярдга жўнатилди ва террорчининг келиш йўли дарҳол тўсилди.

Мен сенатор Марконидан “уйимизда ишончли ҳамда қулай телевизорлар пайдо бўлиши учун қанча вақт талаб қилинади?” - деб сўрадим. У, “ўн йиллар, балки бундан ҳам кам бўлиши мумкин”, дея жавоб берди. Ҳақиқатан, бу вазифа ҳам муваффақиятли адо этиладиган вақти етиб келган эди.

ОЛТИ ЯШАР ЧАҚАЛОҚНИНГ БОШИ

Буюк Екатерина — Россия тахтини олтинга буркаган энг машхур император аёл эди.

Аслида Екатерина бу хонимнинг ҳақиқий исми эмас. Унинг келиб чиқиши ҳам руслардан бўлмаган. Ҳатто айрим тарихчилар Екатеринани буюк эмас, деб ҳисоблашади. У Россияга келган пайтида Золушка даражасида камбағаллашган ночор немис маликаси эди.



Бу ерда на дўсти, на пули бор эди. Бор-йўғи учтагина кўйлаги бор эди, холос. Аммо у буюк князь Пётрга турмушга чиқишга муваффақ бўлди. Пётр Россия тахтига ворис эди.

Аслини олганда, Пётр ниҳоятда арзимас одам бўлган. У ҳеч қачон ақл-заковати билан бошқалардан ажралиб турмас, ўзаро суҳбатларда кўпинча бемаъни гапларни айтиб алжираб қоларди. Пётрнинг юзи чечак изи билан чўтир бўлиб қолган, у каравотда тўғридан-тўғри этиги билан ётиб қолишни одат қилиб олганди. Тахтга ўтирганидан кейин ҳам хизматкорлари билан бирга ароқхўрлик қилар эди. Этигининг учи ва мушти билан аскарларни уришдан қайтмасди. У полда соатлаб ўтириб, армия кийимини кийган, мумдан ясалган қўғирчоқлар билан ўйнаган.

Екатеринанинг фарзандлари кўп эди. Аммо эси паст эри уларнинг бирортасини ҳам тан олмади. Пётр болаларнинг дунёга келишида ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидлагани-таъкидлаган.

У юзлаб меҳмонлар олдида Екатеринани очикдан-очик ҳақоратлаб, шундай сўзлар билан сўкканки, мен уларни саҳифаларда такрорлашга ботина олмайман. Эри унга таҳдид қилиб, мен фақат ажралиш билан кифояланмайман, балки сени бир умр монастирга қамоққа тикаман, дерди.

Пётр ундан жирканар экан, Екатеринани ҳам шунга яраша нафрат билан жавоб қайтарди. У давлат тўнтариши ташкил қилиб, эрини тахтдан улоқтириб ташлади ва жазманларидан бирига Пётр ичадиган ароққа маргимуш қўшишни тавсия қилди. Аммо Пётр жуда бақувват эди. Ҳатто маргимуш ҳам уни яксон қила олмади. Ана шунда Екатеринанинг жазманларидан бири Пётрга қақшатқич зарба берди. Сўнг бўғиб, қўлидаги сочиқни томоғига тиқиб юборди.

Шундан кейин Екатерина 34 йил давомида турли миллатга мансуб дунёдаги энг катта империялардан бирини бошқарди. У ўзининг мамлакатини кичик сарой деб ҳисоблаган эди.

Екатерина бошқа турмуш қурмади. Аслида эса шу маънодаги сўзга тўла-тўкис риоя қилиб, ёлғиз ҳам қолган эмас. Гап шундаки, юзлаб жазманлари унинг қайноқ, романтик қалбидан жой олишган эди. Шунинг баробарида Екатерина неваралари тарбиясига

ўта қаттиққўл бўлган, ҳатто улар ўсимликларни урчитиш муаммолари билан қизиққанлигини сезиб, ботаникани ўрганишни ман этган эди.

У ўзининг жазманларини шоҳона тарзда мукофотлаган, уларга умумий олиб қараганда, 100 миллион

фунт-стерлинг сарфлаган эди. Гарчи бирор-бир қобиляти билан ажралиб туришмаса-да, жазманларига армия генераллиги ва биринчи тоифадаги давлат мар-

*Қиролича
атрофини юзлаб
хизматкорлар ўраб
турса-да, баъзи
ҳолларда каминга ўзи
ўт ёқар эди.*

табаларини тортиқ қиларди. Екатерина Польшани бўйсундириб олгач, жазманларидан бирини ушбу мамлакатга қирол қилиб қолдирди. Аслида жазман буни хоҳламаган эди. Аммо Екатерина меъдасига тегиб, безор бўлган жазманидан қутулиш учун сўзида туриб олди ва унинг эътирозига қараб ўтирмади. Кейинчалик эса бу фармонини бекор қилди. Жазмани ўтирган олтин тахтни Россияга олиб келишни буюрди ва уни ўзининг ювиниш хонасига жойлаштириб қўйди.

Екатеринанинг арзанда жазманларидан бири Григорий Орлов бўлиб, у ажойиб армия офицери, қаддиқомати грек илоҳлари ва ғор одамига ўхшаши билан ажралиб турарди. Орлов тез-тез муштини ишга солиб турар эди. Екатерина жонига текканида, уни ҳафта-лаб тарк этар, саройда дуч келган оқсоч аёл билан дон олишиб кетаверарди. Дарвоқе, Екатерина ушбу хушрўй жазманининг қилиқларига чидаб келар, уни турли унвонлар ва мартабалар билан тақдирлаб, саройларни, минглаб крепостной деҳқонларни тортиқ қиларди. Ниҳоят Орлов Екатеринадан бутунлай қочиб кетди. У бир ёш қизни ўзи билан олиб кетган эди. Кейинчалик эса ақлига заҳа етди.

Шундан сўнг Екатерина жирканч, басавлат Потёмкин исмли кишини севиб қолди. Потёмкин, гарчи чодирда яшаб, ўзининг шаън-шавкати ҳамда бойлиги билан шарқда машҳур бўлса-да, уй шиппагини яланг оёқларига илиб кетаверар эди. Унинг сочлари ҳамиша тиккайиб турар, шу боис доимо ваннага тушишга муҳтож эди. Потёмкин ўзининг тирноқларини тишлаб юрар, хом пиёз ва саримсоқни кўп ерди. Шунга қарамай, жисмоний кучнинг ҳақиқий генераторидай бўлиб, унинг ҳар бир қўл узатиши Екатеринани чуқур ва назокатли бахт-саодатга буркар эди. У Потёмкинни “Олтин тустовуғим”, “кабутарим”, “гав-гавим” деб атар эди. Екатеринанинг “гав-гав”и

Россия генераллари орасида энг машхурларидан бири эди. Эътиборлиси, бу эркак милтиқ овозидан ўлгу-дай қўрқар, тўпдан ўқ узилганида, худди ўқувчи қиз каби қалтираб, ўзини йўқотиб қўярди.

Гарчи Екатерина дунёдаги энг бой аёл бўлса-да, кунига икки марта овқатланган, холос. Ҳатто энг камбағал одамлар ҳам ундан яхшироқ овқатланиш имкониятига эга бўлишган. Екатеринага таомни тил-ла тақсимчаларда узатишган, борди-ю, айтайлик, гўшт куйдириб юборилган бўлса, у кулиб қўйган ва индамай, бориға қаноат қилиб, еб кетаверган.

Екатерина буюк шаҳватпараст бўлса ҳамки, ҳеч қачон шароб ёки бошқа алкоголь ичимликлар ичма-ган, ширин смородина (қорағат) шарбатини афзал кўрган. Эрталаблари тонг саҳардан беш чашка ўткир қаҳва истеъмол қилган. Бундай қаҳвани тайёрлаш учун эса мазкур ичимлик баҳосидаги нақд беш фунт пул сарфланган.

Қиролича атрофини юзлаб хизматкорлар ўраб тур-са-да, баъзи ҳолларда каминга ўзи ўт ёқар эди. У ҳеч қачон чекмаган, тамакини ҳидлашни ёқтирган, хо-лос. Екатеринанинг кўйлаклари шу қадар ўзига хос ифор билан тўйинган эдики, бу император аёлнинг қадам ранжида қилаётганини маълум масофадан пай-қаш мумкин бўлган. Баланд бўйли ва хушқомат бу аёл худди тўпчи каби ўзининг саҳт-сумбати билан фахрланар, бошқалардан баландроқ бўлиш учун, ҳатто бўйинини торттирган ҳам эди. Чунки у ёшлиги-да танаси суст ўсганлиги боис, йиллар давомида кеча-ю кундуз белдамча (корсет) тақиб юришга маж-бур эди. Екатеринанинг бош чаноғи ўлчами олти яшар чақалоқнинг бош ўлчамига тенг бўлган. Фақат ёши йигирма олтига етганида, бош чаноғи ўса бошлаган ва у тез-тез қаттиқ бош оғриғини ўтказган.

Екатерина ўта мағрур ва такаббур бўлган. Мабо-до, мактуб тепасида “Император ҳазрати олиялари-

га” деб кўрсатилмаган бўлса, уни, ҳатто очиб кўрмаган. Бир куни ичиб олиб, мен Екатеринанинг эриман, дея алжиб юрган эркакнинг бурнини кесишга фармон берган.

Екатеринанинг ёши анча жойга боргач, оёқлари баҳайбат гавдасини кўтаришга ожизлик қилиб қолган. Оқибатда у филдиракли махсус оромкурсида юришга мажбур бўлган.

Аммо умр шоми поёнига етиб бораётганида ҳам баҳор шабадалари унинг романтик қалбида эсишда давом этарди. Энди Екатеринанинг жазмани невараси қатори йигит эди. Бир неча йил давомида унинг ҳукмронлиги, подшоҳлигини ўзига бино қўйган, қовоқбош ана шу кимса Россияни бошқариш билан давом эттирди.

НАПОЛЕОНГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

Бу ҳикоя Вест-Индия балиқчилари қишлоғида туғилиб, ночор, қип-яланғоч хоналарда яшаган аёл тўғрисида. Унинг уйи қанд заводининг ёнида жойлашган. Бу аёл дунёдаги энг машҳур кишилардан бирига турмушга чиқди.

Унинг исм-шарифи Жозефина Роза Ташер ла Пагери эди. Одатда, шунчаки Жозефина деб юртишган.

Жозефина Наполеондан олти ёш катта эди. Улар танишган пайтда жувон ўттиз беш ёшда, Наполеон эса йигирма етти ёшда бўлган. Тишлари жуда хунук, ўзи ҳам чиройли эмас эди унинг. Икки боласини тарбиялаш билан банд бўлган бу аёл ҳамиша муҳтожликни бошидан кечирган. Аслида солиқни тўламагани учун исталган пайтда уни судга судрашга тайёр турган полиция бошлиғи — шерифни икки ҳатлашдаёқ ушлаб олишга қодир эди у. Ҳар ҳолда

Жозефина ўзининг ҳаёт йўлини ниҳоятда оғир шароитларда бошлаган. Аммо унинг битта қимматли фазилати бор эди: Жозефина эркакларга қандай муомала қилишни яхши биларди. Бўлажак бева сифатида у бу соҳада анчагина тажрибага эга эди.

Француз инқилобчилари Жозефинанинг эрини қатл этишганида, яъни боши танасидан жудо этилганида, у ҳеч вақосиз қолиб, атрофдагиларнинг ҳимоясидан бутунлай маҳрум бўлди. Шуниси аёнки, бундай пайтда соғлом фикрлайдиган аёллар қўллайдиган тадбирга Жозефина ҳам интилди: у ўзига эр ахтара бошлади.

Дўстларидан бири Жозефинага Наполеон тўғрисида гапириб берди. Наполеон ўша пайтда машҳур эмас, ҳеч вақоси йўқ, боз устига қичима билан оғрир эди. Урушдан қайтгани заҳоти бу касалликдан халос бўлиш учун сочини тақир қилиб олди.

Жозефинага Наполеон ўзининг номини машҳур қилиш учун тайёрланаётганини айтишган эди. Хотин-қизларга хос бўлган истак-майллардан келиб чиққан ҳолда Жозефина у билан танишишни мўлжаллади.

Аммо у бунга қандай эплади, деб сўрашингиз

*“Мен жангда
енгилишим мумкин,
аммо бир дақиқани ҳам
йўқотишни
истамайман”.*

мумкин. Жозефина ўйлаб-мулоҳаза юритиб, режасини амалга ошириш учун энг қулай усулни топди. У Наполеон ҳузурига ўзининг ўн икки яшар ўғлини юбориб, марҳум отасининг қиличини туҳфа сифатида

қабул қилишга розилик билдиришини сўради. Ўз-ўзидан аёнки, Наполеон бунга ҳеч қандай эътироз билдира олмасди. Шундай қилиб, эртаси куни Жозефина бурни устига упа сепди-ю, кўзда ёш билан кўрсатган илтифоти учун миннатдорчилик

билдириш мақсадида Наполеон ҳузурига йўл олди. Бу ўзига хос жуда пухта ўйланган тузоқ эди.

Наполеон Жозефина шахсияти ҳамда унинг жозибасидан кучли таассурот олди. Жозефина Наполеоннинг ижтимоий мавқеи ўзидан баланд эканлигини англаган ҳолда уни бир пиёла чойга таклиф этди. Сўнг ўзининг меҳмонини қабул қилар экан, тарихдаги энг буюк генераллардан бири бўлиш пешанасида битилганини айтиб, уни ишонтирди...

Орадан уч ой ўтгач, уларнинг бўлажак никоҳи ҳақида эълон қилинди.

Наполеонда ҳақиқий бир эҳтирос бор эдики, у ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга ўрганган эди. “Вақт ҳаммасини ҳал қилади” — дерди у. Бошқа сафар эса: “Мен жангда енгилишим мумкин, аммо бир дақиқани ҳам йўқотишни истамайман”, — деган эди. Қизиги, шунчалик қатъиятли эканига қарамай, Наполеон ўзининг никоҳ маросимида икки соат кечикиб келган. Никоҳни расмийлаштирадиган мутасадди кутавериб, эснайвериб, ухлаб қолган.

Тўйидан сўнг қирқ соат ўтгач, Наполеон Италияга қарши урушга кирди. Унинг армияси оч ва таъминоти жуда ёмон бўлганига қарамай, Наполеон урушда енгиб чиқди. Бу бутун қитъада ҳалдан зиёд акс-садо бериб жаранглади. Кейинги минг йил давомида Европа ҳали бундай кўтаринки кайфиятни кўрмаганди.



Ана шу вазиятнинг ҳайратга соладиган томони шундаки, Наполеон жанг майдонида бўлса-да, Жозефинага ҳар куни мактуб ёзишга вақт топа олган. Яна қандай мактублар, денг! Ҳис-ҳаяжонга, эҳтиросга, иштиёққа тўлиб-тошган!

1933 йилда Наполеоннинг Жозефинага ёзган саккизта хати Лондондаги кимошди савдосида тўрт миллион фунтга сотилган. Мен мазкур мактублар тўғрисида ўқидим ва айти пайтда улар шунга арзийди, деган хулосага келдим. Масалан:

“Азизам Жозефина!

Сенга бўлган муҳаббат мени фикр юритишдан маҳрум этади. Мен, ҳатто тановул қилаётганимда ҳам ўйламасам бўлмаяпти. Мен ухлай олмай қолдим. Мен дўстларим тўғрисида кўп ўйламайман. Мен шон-шухратни ўйламайман, ғалабани эса сен уни қандай қабул қилишингга қараб баҳолайман. Акс ҳолда мен армияни ташлаб, Парижга қараб ошиққан бўлардим, токи ўзимни оёқларинг остига отсам. Сен мени бепоён меҳр-муҳаббатинг ила руҳлантирдинг, мени ўзингнинг руҳлантирувчи эҳтиросинг ила жўшдириб юбординг. Бирор соат йўқки, мен сенинг суратингга кўз ташламасам, бир соат йўқки, уни ўзимнинг бўсаларим билан тўлдириб юбормаган бўлсам”.

Наполеоннинг бошқа хатларига қараганда, мазкур мактуб анча сийқаси чиққанга ўхшайди. Бундай хатлар учун аксарият аёллар ўйлаб ҳам ўтирмасдан, ўнг қўлларини чўзишган бўларди. Аммо Жозефина бунга унчалик катта эътибор бериб ўтирмади, шекилли. У Наполеоннинг мактубларига жавоб беришга ўзини уринтирмади ҳам. Аксинча Жозефина ана шу вақт мобайнида бошқаларга ноз-ишва қилиб, ўйнашиб юрди.

Ниҳоят, Наполеон рафиқасининг бефарқлигидан

чарчади. Уруш пайтида у Мисрда қандайдир сарик сочли сулувни бир пиёла чойга таклиф қилгани олис Парижда турган Жозефинага етиб борди. Наполеон Парижга қайтиб келганидан сўнг, эр-хотин ўртасида таранглик, келишмовчиликлар юзага келди. Жозефина Наполеон тўғрисида нимаики ўйлаган бўлса, унинг юзига айтди. Эри ҳам айнан шу тарзда жавоб берди ва Жозефинанинг нақ юзига қарата хонасининг эшигини ёпди.

Оиладаги бошқа чигалликлар ҳам ошкор бўлди. Жозефинанинг асли келиб чиқиши юқорироқ дорага мансуб эди. Бу эса Наполеоннинг сингиллари нафрати ҳамда қаҳр-ғазабини кўзғатиб юборди. Улар Жозефинанинг акасига нисбатан калондимонлик билан муносабатда бўлганини билиб, сал бўлмаса, ҳушдан кетиб қолаёздилар. Сўнг қасам ичиб, уни аянчли аҳволга соламиз, кулги остига олиб, “кампир” деб атаймиз, Наполеонга айтиб, “қари, семириб кетган” бу аёлнинг баҳридан кечиб, уни ёш хотин олишга кўндирамиз, деб аҳд қилишди.

Улар қандай йўл тутишмасин, Наполеоннинг Жозефинага нисбатан меҳр-муҳаббатини сўндира олишмади. Бу борада сингилларга ҳеч нарса ёрдам бера олмади. Ҳеч нарса!

Аммо Наполеон барибир Жозефинадан ажралишга қарор қилди, фақат битта сабаб туфайли: унга ўфил туғиб бера оладиган хотин керак эди. Бунинг англаган Наполеоннинг юраги эзилиб кетди, ажралиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолар экан, йиғлаб юборди.

Ажралгандан сўнг у ўзининг саройидан чиқмай, ўй-фикрларга гарқ бўлди. Шу вақт мобайнида ҳеч нимани кўришни ҳам, ҳеч қандай иш қилишни ҳам асло истамади.

Кўп ўтмасдан Наполеон Австриядан бўлган Ма-

рия Луизага уйланди. Янги қовушишнинг кулгига сабаб бўладиган томони шундаки, Мария Луиза ҳам бошқа австрияликлар каби Наполеонга душманлик кайфиятида тарбияланган эди. У Яратганга илтижо қилиб, Наполеон билан ҳаётини боғлашга йўл бермасликни сўради. Аммо отаси сўзида туриб олди. Бунга сиёсий мақсадларни кўзлаб, Наполеонга турмушга чиқиш зарурлигини айтиб, ишонтирди. Мария Луиза Наполеонга ана шу ишонч туфайли турмушга чиқди. Ваҳоланки, шунга қадар уни кўрмаган, унга кўзи ҳам тушмаган эди.

Мария Луизанинг эрига бефарқлигини Наполеон урушдан енгилгач, уни ташлаб кетганидан ҳам билиш мумкин. Ўзининг ўғлига ҳам отасига нисбатан нафрат туйғусини сингдирди.

Наполеоннинг биринчи, охири ва ягона меҳрмуҳаббатининг соҳибаси Жозефина эди. Ўлимидан сўнг Наполеон унинг қабри тепасига бориб, кўз ёши тўкар экан, шундай деган: “Азизам, Жозефина, сен ҳар қандай вазиятда ҳам мени асло ташлаб кетмаган бўлардинг”.

Наполеоннинг ҳаёти шомида айтган сўзи ҳам “Жозефина” эди.

АВВАЛ СУЯК ЙИФИШДИ, ГАЗЕТА ЧИҚАРИШДИ, KEYIN ПАРВОЗ ҚИЛИШДИ

Ака-ука Райтлар: Уильбер (1867-1912) ва Орвилл (1871-1948) — америкалик ихтирочи, авиаконструктор ва учувчилар... Улар 1903 йил 17 декабрь куни жаҳонда биринчи бор 59 сония давом этган парвозни амалга оширишган. Орадан 6 йил ўтиб, АҚШда самолёт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

XX аср бошида Огайо штатида анчайин ғалати воқеа рўй берди. Бу илк қарашда бир оз эриш туюлади. Дарвоқе, ўша даврда бир оз эриш туюлган ҳам. Эндиликда мазкур ҳодиса ҳаётимизга, шу билан бирга болаларимиз ҳамда набираларимиз ҳаётига анчагина таъсир кўрсатган.

Ўша унутилмас кунда Орвилл Райт Детройт шаҳридаги кутубхонага китоб олиш учун кирган эди. Орвилл қўлига олган китобда Лилиенталь номли немис тўғрисида ҳикоя қилинган бўлиб, у учадиган улкан аппаратни ҳаво паррагига мослаштирган, бошқача айтганда, планёр (моторсиз учадиган аппарат) ясаган эди. Боз устига Лилиенталь унга ҳеч қандай мотор ўрнатмай туриб, парвоз қилган эди.

Орвилл Райт китоб устида ярим кечагача ўйлашиб, ушбу ажойиб ютуқдан ҳаяжонланиб ўтирди. Укасига гапириб бериб, унинг ҳам қўнглига ўт ёқди. Ана шу ондан бошлаб, ака-ука Райтлар ўз номларини бир умр абадийликка муҳрлаган илк аэропланни яратишга киришдилар.

Бу ака-укалардан ҳеч қайси етарли даражада маълумотга эга эмас, ҳатто коллежда ҳам ўқимаган эдилар. Аммо уларда дипломдан ҳам ортиқроқ нарса бор эди. У ҳам бўлса, ихтирочилик қобилияти ва шуҳ-

ратпарастлик эди. Улар ёшлигида округ бўйлаб юриб, тиниб-тинчишмаган. Ҳатто, ўлган сигирлар, отларнинг суякларини йиғиб, минерал ўғитлар тайёрлайдиган заводга топширишарди. Қўлбола босма дастгоҳ тайёрлаб, кундалик газетани нашр ҳам этишди, аммо кўп ўтмай, бу ғоядан чекинишга тўғри келди. Шунда мўъжазгина устахона — дўкон очишди, унда велосипедлар сотишар ҳамда уларни таъмирлаш билан машғул бўлардилар.

Аммо Райтлар ҳаёт кечириш учун қайси ишга қўл уришмасин, барибир ҳамиша парвоз қилиш орзусида яшардилар. Якшанба кунлари қуёш нурига кўмилган тепаликлардаги қоя устига кўтарилишар, осмонга қараб ётганча ҳаво тўлқинида парвоз қилаётган қарчиғайларни соатлаб кузатар эдилар.



Улар ўз устахоналарида ҳавонинг қанотга кўрсатадиган таъсирини ўрганиб, аэродинамик қувурни жиҳозлашди. Шу чоқ-қача эса ҳамиша ҳаво варраклари билан ивирсиб уриниб ётишарди. Ниҳоят улар улкан ҳаво парраги ёки планёр тайёрлаб, у билан бирга шимолий Каролинадаги баланд тепаликлар томон йўл олишди.

Бу ерга денгиздан доимо кучли ва туз аралаш шамол эсар, денгиз тўлқинлари билан келган қумлоқ эса нам ва юмшоқ эди. Кейинчалик улар ўзларининг ҳаво варракларидан бирига қўлбола мотор ўрнатишди ва уни шу та-

риқа учувчи аппаратга айлантиришди. 1903 йилнинг 17 декабрида ака-ука Райтлар амалга оширган биринчи парвоз бир умр инсоният тарихига кирди.

Улар тангани осмонга ташлаб, ким биринчи бўлиб учишини аниқлашди. Бундай бахт Орвиллга насиб этди. Кун совуқ, рутубатли. Визиллаётган шамол кўрфазга муз

*Бирдан кескин
қарсиллаш эшитилди.
Самолёт бирдан ерга
қулади.*

парчаларини ҳам учириб келарди. Бир томонда — ярим мил наридаги қирғоққа кучли тўлқин пишқирганча келиб уриларди. Самолёт билан беш киши машғул бўлиб, ирғишлар, рақсга тушар, кафтларини бири-бирига ишқалаб, ўзларича исинишар эди. Қаҳратон изғиринга қарамай Орвилл самолётга ўтириб олди. У, ҳатто оғирлик ошиб кетиши мумкин, деб пальтосини ҳам киймади.

Соат ўндан ўттиз тўққиз дақиқа ўтганида, Орвилл Райт ердан узилган самолётда осмонга кўтарилди. Бу ғалати машина сапчиб-сапчиб, тар-тарлаб, силкиниб, ўт сочганича ҳавога кўтариларди. Қисқа муддат давомида у бир неча марта пастга, юқорига беўхшов ҳаракатлар қилиб, бир неча юз фут масофада тўхтаб қолди. Бу тамаддун тарихида энг катта бурилиш ясаган ҳаяжонлантирувчи воқеа эди. Ниҳоят асрлар қатидаги орзу амалга ошди. Инсон биринчи марта ер бағрини ёриб ўтиб, юлдузлар сари илк қадам қўйган.

Қаҳрамон Орвиллнинг айтишича, у шахсан бу парвоздан ҳеч қандай кўрқувни ҳис этмаган. У бу лаънати асбоб ишлайди, деб ишонган эди, мана ишлаб кетди. Орвиллнинг иқрорича, парвозлар унчалик ҳам унинг диққатини ўзига тортмаган. Фақат ёшлигида каравотга ётганида, ана шу кўтаринкиликни бир марта ҳис этган, холос. 1908 йилда у самолётда Виржиния штати узра парвоз қилди. Бирдан кес-

кин қарсиллаш эшитилди. Самолёт бирдан ерга қулади. Самолёт бошқарувчиси ҳалок бўлди, Орвилл Райт эса умуртқа поғонасидан қаттиқ шикастланди. Жароҳат шунчалик жиддий, оғриқ шу қадар азоб берадиган даражада эдики, у умрининг охиригача бундан қутула олмади.

Тўғри, Орвилл пиёда юра олар, аммо поездда озгина бўлса-да, титрашни мутлақо кўтара олмасди. У ўзини жамоатчилик диққат-эътиборидан ҳамиша четда туган. Бир неча таклифларга қарамай, ўз ҳаёти кечинмаларини ёритишдан бош тортди. Орвилл суратга туширишларига имкон бермас, интервью беришни ёмон кўрар эди. Унинг акаси Уильбер бир куни шундай деган: “Гапирадиган ягона қуш, бу — тўтилардир, аммо у унчалик баланд учмайди”.

Ака-укалар табиатан ҳамиша панада бўлишни афзал кўришган. Бир куни Уильбер қўлини чўнтагига тиқиб, дастрўмолини олмоқчи бўлди. Ана шунда киссасидан қизил тасма тушган. Синглисининг бу тасма қаердан келганини сўраган саволига, у бепарволик билан: “Ҳа-я, сенга айтиш ёдимдан кўтарилибди. Бу тасма Фахрий легионники, бугун француз ҳукумати номидан менга топширган эдилар”, — деган.

Орвилл ва Уильбер диний тамойиллар асосида қатъий интизом билан тарбияланган бўлиб, якшанба куни учишга ирим қилишган. Бир куни Испания қироли ҳам якшанба куни учишни илтимос қилганида, рад жавобини беришган.

Ака-ука Райтлар бир умр бўйдоқ яшаб ўтишди. Уларнинг отаси болаларига бир пайтнинг ўзида ҳам хотинни, ҳам самолётни бошқариш имконияти йўқлигини таъкидлаганди. Ака-ука кашфиётчилар самолётни танлашган эди.

СИЧҚОНЧАЛАР ВА УЧТА ЧЎЧҚА БОЛАСИ ТУФАЙЛИ БОЙИБ КЕТГАН ОДАМ

Микки-Маус ва учта жажжи чўчқа боласини яратган одам - Уолт Дисней билан учрашганимдан йигирма йил муқаддам уни ҳеч ким танимасди. Ҳозир эса “Ким бўлган экан” номли китобнинг охириги нашрида у дунёдаги энг машҳур кишилардан бири деб тилга олинган.

Бир вақтлар Уолт Дисней шу даражада қийналганки, ҳатто тушлик қилишга ҳеч вақоси бўлмаган. Ҳозир эса уни Цейлондаги чой палантацияларидан тортиб, Шимолнинг энг узоқ музликларида жойлашган қишлоқ адирликларига қадар билишади ва бутун дунёда уни яхши кўришади. Қутб яқинидаги эскимослар Аляскада унинг фильмларини кўриб, шунчалик зўр таассурот олишгандики, ҳатто Микки-Маус учун махсус клуб ташкил этишган, унинг аъзолари муз кулбалардан бирида доимий равишда йиғилиб турар эдилар.

Уолт Дисней ўзининг ёшлик йилларида ҳеч нарсага эга эмасди. У билан учрашган пайтимда эса, ниҳоятда бойиб кетибди. Агар истаса, ҳашаматли “Роллс-ройс”да бутун округни бемалол айланиб чиқиши мумкин эди. Шунга қарамай, Уолт Дисней ўзининг эски, қўлдан сотиб олинган автомобилени афзал кўрарди.

У барча даромадларини ишга йўналтирган. Ўзининг айтишча, миллионларни жамғаргандан кўра, мукамал фильмларни яратиш ниҳоятда қизиқарли юмуш.

Канзасда яшар экан, Дисней рассом бўлишни орзу қилди. У бир куни иш ахтариб, “Канзас сити Стар” таҳририятига бориб қолди. Диснейнинг суратларини кўрган муҳаррир унда қобилиятдан битта уч-

кун ҳам йўқлигини айтди. Уолт Дисней юраги эзилиб, ранжиган ҳолда уйига қараб йўл олди.

Ниҳоят, у черков мавзулари учун арзимас ҳақ эвазига расмлар чизиб берадиган иш топди. Ишлайдиган бирорта жой йўқлиги боис студия сифатида отасининг гаражидан фойдаланишга мажбур бўлди.

Дисней, гарчи ўша пайтларда зўрға амал-тақал қилиб кун кечирган бўлса-да, ҳозир иқрор бўлиб, ифлос, бензин ва мой ҳиди тўлиб кетган гараж биноси унга миллион фунтга арзирли ғоялар берганлигини айтади. Бу қуйидагича рўй берган.

Бир куни гаражнинг ёғоч поли устида сичқонча пайдо бўлди. У ишлаётган одамга эътибор ҳам бермай, чопиш ва ўйнаш билан машғул эди. Сичқончани кузатиб турган Дисней уйига жўнади ва нон ушоқларини келтириб, унга берди.



Вақт ўтган сари сичқонча инсон билан шунчалик дўст бўлиб олдики, унинг рассомлик дастгоҳи тепасига чиқишдан ҳам чўчимади.

Кейинчалик Дисней Ҳолливудга қараб йўл олди. У ерда “Қуёнча Освальд” номли мульт-

фильмлар серияси устида иш олиб борди. Аммо Диснейнинг бу ишлари муваффақият қозонмади ва у яна пулсиз, ишсиз қолди.

Бир куни Дисней ўзининг мебель билан жиҳозланган хонасида ўтириб, бўлажак фильмининг асоси бўлмиш ғоя устида тиним билмай фикр юритарди. Ана шу оний лаҳзада онгида сичқонча, унинг Канзасдаги гаражида рассомлик дастгоҳи тепасида чи-

қиб туришга ўрганган жажжи жонивор ҳақидаги хотиралар липиллаб ўтди.

У ўзининг эски дўсти тўғрисида дарҳол хомаки суратлар чизишга киришди. Микки-Маус ана шу тарзда дунёга келди. Ҳозирги пайтда дунёдан ўтиб кетган канзаслик ўша сичқонча кейинги кўпдан-кўп кино тасмаларининг, бугунги дунёга машҳур тасмаларнинг “ката бобоси” ўрнини босди. Ҳар қандай киноюлдузга нисбатан Микки-Маус кўпроқ мактублар олади. У дунё экранларини бошқа ҳар қандай актёрдан кўра кўпроқ эгаллайди.

*Инсон ўз ишини
ниҳоятда яхши кўрса,
унга муваффақият
келаверади.*

Уольт Дисней ҳар ҳафта ҳайвонот боғига бориб, жониворларнинг хулқ-атворини бот-бот кузатиб, уларнинг товушини эшитади. Дарвоқе, унинг ўзи Микки-Маус тўғрисидаги фильмларда “сичқонча чийиллаши”га овоз беради. Шу билан бирга бошқа ҳайвонларнинг овозига тақлид қилади. Айни пайтда Дисней ўзининг фильмлари учун ҳеч қачон расмлар чизмайди, унинг учун сценарий ва мусиқа яратмайди. Бунинг учун Диснейнинг 134 кишидан иборат ходими бор.

Уольт Дисней ўзининг бутун вақтини картиналари учун гоа ва сюжетлар ахтаришга бағишлайди. Гоа пайдо бўлса, сценарий бўлимидаги йигирма киши иштирокида муҳокама қилинади. Бир куни у онаси болалигида айтиб берган учта чўчқача ҳамда кулранг бўри ҳақидаги болалар эртагини экранлаштиришни тавсия этди.

Буни эшитиб ходимлари бош чайқашди, кўрсаткич бармоқларини пастга туширишди. Диснейнинг сўзларига қараганда, у бу ниятидан қайтиб, гоасини унутишга уринган, аммо уддасидан чиқа олмади. Шунга қарамай, ҳар сафар шу ҳақда уларга мурожа-

ат қилганида, ёрдамчилари ноқулайликдан бошқа нарса йўқ, деб уни огоҳлантиришарди.

Ниҳоят улар: “Яхши, демак, сиз шунчалик оёқ тираб олган экансиз, келинг, бу мавзуга бир уриниб кўрайлик-чи”, — деб қолишди.

Барибир ёрдамчиларнинг муваффақиятга ишонмагани кўриниб турарди.

Микки-Маус тўғрисидаги фильм учун роппа-роса тўқсон кун сарф бўлганди. Учта чўчқача ҳақидаги фильмга шунчалик кўп вақтни беҳуда кетказамизми, деб бу муддатни олтиш кунга қисқартиришди. Студияда ҳеч ким картина муваффақият келтиради, деб заррача хаёлига келтирмаган эди. Ҳайратга соладиган томони, томошабинлар уни шунчалик кўтаринкилик билан қабул қилишдики, асти қўяверасиз.

Фильм жуда катта, шов-шувли муваффақият қозонди. Кўп ўтмай, Жоржианинг пахта далаларидан тортиб, Девоннинг олмазор боғларига қадар одамлар: “Бизга кулранг бўри, кулранг бўри, кулранг бўри асло кўрқинчли эмас”, — деб куйлашар эди.

Жаноб Диснейнинг менга айтишига қараганда, фильм кинотеатрларда бир неча кун давомида пайдар-пай узлуксиз равишда намойиш этилган, мультипликациячиларнинг бирортаям тасмаси бунчалик кўп қўйилмаган экан.

Дисней фильмларининг умри жуда узун. Айрим аудиторияларда айна пайтда ҳам Микки-Мауснинг бир неча йил муқаддам экранга чиққан саргузаштларини томоша қилиб ўтиришибди.

Уольт Диснейнинг таъкидлашига кўра, инсон ўз ишини ниҳоятда яхши кўрса, унга муваффақият келаверади. Дисней ҳеч қачон пулни ўйлаб, гоёларни жалб этмаган. Унинг ҳаётдаги илҳом берувчи сарчашмаси ҳамиша ишдан иборат бўлган.

Уольт Дисней тушдан сўнг одатда баскетбол ўйнар, баъзан сувда чўмиларди. Аммо ҳақиқий маънода ўйин эмас, балки яна ўша-ўша иш уни тўлатқис қамраб оларди.

“Бизга кулранг бўри асло қўрқинчли эмас!” қўшигининг мусиқаси мультипликация киносиди биринчи мусиқавий топилма бўлди. Уни Диснейнинг ходими Франк Черчилль бор-йўғи беш дақиқа ичида почта хатжилдининг орқасига ёзган эди. Фильм экранда янграган заҳоти уни сотишни сўраб, бешта кинокомпаниядан талаб тушди.

ИФЛОС ЕРТЎЛА, ЁҒОЧ САНДИҚ ВА КИЙИМ АСТАРИДАГИ ЁҚУТЛАР

Нафақат Европадаги, балки дунёдаги энг машҳур ва бадавлат одамлардан бирининг бойлиги ўн миллион стерлингдан иборат эди. Ушбу маблағ ҳар ойда доимий равишда 200 минг фунтдан кўпайиб борган ёки ҳар сонияда 5 фунтдан ошиб турган.

Кичик шахзода касал бўлиб, уни отаси қўлида кўтарган кўйи сайрга олиб чиқарди.

Шунга қарамай, 1918 йил 16 июлда вақт ярим кечадан оққанда у ва оила аъзолари ифлос, ўргимчак тўри қопланиб ётган ертўлага олиб кирилган ва отиб ташланган. Уларнинг ўлдирилиши тарихнинг машъум саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Бу одам Россиянинг охири подшоси бўлиб, салкам чорак аср мобайнида метин қўли билан дунёнинг олтидан бир қисмини бошқарган Николай иккинчи эди. 1917 йилда, салкам уч йилдан сўнг биринчи жаҳон уруши туфайли беҳуда қонлар тўкилиши оқибатида, унинг армияси исён кўтариб, бундан кейин жанг қилишдан бош тортди. 1917 йил 14

мартда ярим кечага яқин генераллар вакиллари подшоҳ билан учрашиб, уни шахсий поезддаги меҳмонхонада ўз тахтидан воз кечишни таклиф қилдилар.

Унинг бу талабдан шунчалик кўнгли оғридики, беихтиёр қалқиб кетди, юзи мурданинг башарасидай оқарди. Ҳузуридаги кишилар у ҳушидан кетиб қолади ва пол устига қулаб тушади, деб кўрқиб кетишди.

Тунда подшоҳ ухлай олмади. У тонг отгунча Шекспирнинг энг яхши пьесаларидан бири бўлган “Юлий Цезарь”ни ўқиб чиқди.

Эрталаб соат 11 дан 15 дақиқа ўтганида, у оддий графит қаламда ўзининг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабар билан қоғозни тўлдирар экан, шундай деди: “Худога шукр, энди мен умр бўйи орзу қилган ниятимга етаман. Мен энди ўзимнинг Қримдаги еримга бориб, у жойда гуллар етиштираман”.

Кейинги ойларда подшоҳ ва унинг оила аъзолари шаҳар чеккасидаги эски уйда, Урал тоғлари этагида кўним топган эдилар. Бу ерда уларни худди маҳбуслардай тутишар, оддий деҳқонлар овқати билан таъминлашарди. Уларга қотган қора нон ва сабзавотли шўрвани кунига икки марта беришарди, холос.

Бир неча дақиқадан сўнг бу даҳшатли сукунатни бузиб, жон-жаҳди билан вовуллаётган кучукча зўр бериб, ўликлар атрофидан айланганча ўз бекасини ахтарар эди.

Улар турган уй деразалари ҳамиша ёпиқ турар, ойнаси ҳеч нима кўринмайдиган қилиб бўялган эди. Бир куни ёш малика Анастасия деразаларнинг бир кўзини очмоқчи бўлди, у сал-пал тоза ҳаводан нафас олмоқчи эди. Аммо бунга жавобан ўқ ово-зи янгради.

Ҳар куни уларга сайр қилиш учун фақат беш дақиқа рухсат бериларди. Кичик шахзода касал бўлиб, уни отаси қўлида кўтарган кўйи сайрга олиб чиқарди.

Қуриқчи аскарлар ярим яланғоч юраверар, ёш қизларга гап отиб, уларни масхара қилишар, ҳақоратли сўзлар билан деразалари остида шармандали қўшиқларни баралла айтишаверарди. Бир куни назоратчилардан бири маликанинг қўлидан сумкани юлиб олди, унинг ичидаги пулни суғурди-да, сумкани қайтариб берар экан: “Улар энди сизга керак бўлмайди”, — деди.



Подшоҳнинг ўзи қобилмўмин, шикаста нафас киши бўлган, у тақдирдан шикоят қилишга ўрганмаган. Аммо хотини жуда ҳукмфармо ва ўзига ишончи ўта кучли аёл эди. У ўзига азоб бераётган кишиларни қарғар, уларни дўзах азоб-уқубатлари билан қўрқитишга уринарди.

1918 йилнинг 16 июлида вақт ярим кечадан оққанда бош қоровул подшоҳ ва унинг оила аъзоларини уйғотди. У шаҳар жуда нотинч, шу боис улар кийиниб, тезроқ пастга, ертўлага тушишлари, хавфсиз жойга олиб борадиган машинани кутишлари кераклигини айтди. Ертўлага тушгач, подшоҳ хотини, малика қўрқувдан қалтираб кетди. Унга оромкурсига ўтиришни тавсия этдилар. Малика ўтирди, у қўлида касал боласини кўтариб олганди.

Шу заҳоти ертўлага аскарлар ёпирилиб тушишди. “Тарафдорларингиз сизларни қутқаришга уриниб кўрдилар, аммо улар бунга эриша олишмайди! — деб қичқаришди улар. - Худога ибодат қилинглар!”

Аскарлардан бири подшоҳнинг елкасини нишонга

оламан, деб унинг юрагига қараб ўқ узди. У қулаган заҳоти аскарлар хотин-қизларни ўққа тута бошлашди. Отишмада нишонга олмай, пала-партиш ўқ узишар, ҳимоясиз хотин-қизлар зор қақшаганларича гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўзларини ташлар, ёстиқ патлари ортида ўқдан сақланмоқчи бўлишарди. Уларни отиб ўлдиргач, ишонч ҳосил қилиш учун найза тикиб кўришди. Бир неча дақиқадан сўнг бу даҳшатли сукунатни бузиб, жон-жаҳди билан вовуллаётган кучукча зўр бериб, ўликлар атрофидан айланганча ўз бекасини ахтарар эди. Аскарлардан бири кучукчага найза тикиб олди.

Шундан кейин аскарлар подшозодаларнинг жасадини бўлакларга бўлишди ва бензин қуйиб, ёқиб юборишди. Куйиндига айланган қолдиқлар ташландиқ шахтага улоқтирилди.



Орадан бир неча кун ўтгач, подшо оила аъзолари ёқилган жойда уларнинг кулини сочиб юбормоқчи бўлишганда, у ерда жуда кўплаб қимматбаҳо тошлар борлигини

пайқаб қолишди. Бу император аёл ҳамда қизларининг кийим астарларига яшириб қўйилган бриллиант, лаъл ва ёқутлар эди.

Мазкур қотиллик ўз-ўзидан янги шаклланган рус ҳукуматининг расмий ҳаракати эмас эди. Аксинча, ҳукумат номидан подшоҳнинг ўлимига сабабчи бўлган бир неча киши қамоққа олинди, шулардан бештаси отиб ташланди. Подшоҳ оиласини ўлдириб юбориш бир неча қонхўр инқилобчилар-

нинг қасоскорликдан иборат хатти-ҳаракати бўлиб, улар бирорта буйруққа таянмай, бу ишни ўз ташаббуслари билан амалга оширган эдилар. *(Шу ўринда Карнеги адашган — архив маълумотларига кўра, подшоҳни оила аъзолари билан қатл этиш “доҳий”-нинг махфий буйруғига кўра адо этилган эди — таржимон).*

Подшоҳ оиласининг куйиб-битган қолдиқлари ҳозир Парижда ором топган. Бу қуйидагича рўй берган.

1920 йил январда Америка элчиси Сибирда бўлган эди. У дўстининг илтимосига мувофиқ, арқон билан маҳкам чирмаб боғланган, қўпол тарзда қоқиб ташланган ёғоч сандиқни олиб, уни Сибирь орқали Харбинга, британ вакиллариغا етказди. Америкалик элчи сандиқда нима борлигини билмаган, бу ҳақда ўйламаган ҳам. Вагон жуда совуқ бўлгани боис исиниш мақсадида оёғини бир неча бор сандиққа урган. Харбинга етиб келгач, сандиқда подшоҳ ва оиласи ёқиб юборилган, бўлақларга бўлинган қолдиқлари солинганидан хабар топгач, ҳайратдан донг қотган.

Сандиқ даставвал Шанхайга, сўнг Парижга жўнатилди. Бу ерда уни очишди, бошқа нарсалар билан бирга маликанинг бармоқ суякларини ҳам кўришди, унда ҳамон никоҳ узуги осилиб турарди.

Подшоҳ Шекспирни ниҳоятда яхши кўрган, эҳтимол, унинг асаридаги жуда катта маънони ўзида жамлаган сўзларга ҳам кўзи тушгандир: “Кимки чўққида турган бўлса, унга ҳаддан зиёд кўп шамоллар тегиб, тебратиб юборади. Борди-ю, йиқилиб тушса борми, чилпарчин бўлиб сочилиб кетади”.

БИР ЧАҚАСИ ҲАМ ЙЎҚ СУНЪИЙ ТИШЛИ МИЛЛИОНЕР

Махатма Карамчанд Ганди (1869-1948) — Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳбари эди. Гандининг асосий хизмати ўз ортидан жуда кўп омманинг эргаштирганидир. Бу унинг халқ ўртасида ҳаддан зиёд ном қозониб, Махатма, яъни, “Улуғ қалб” деб номланишига сабаб бўлди. (“Катта Қомус” маълумотномасидан)

Ўрта ёшдаги қорачадан келган буғдойранг киши белига боғланган белбоғ билан ўзининг сафар қаравотида ётиб, егуликни рад этган ҳамда шу тариқа ўзини ўлимга қадар етказиш билан таҳдид қилган. Ўз даврининг кўзга кўринган жамоат арбобларидан бўлган Махатма Гандининг бундай хатти-ҳаракати жаҳон оммавий ахборот воситалари этиборидан четда қолмади.

Агар ҳисоб-китобни пулга бурадиган бўлсак, Ганди камбағал эди. Ўзининг бисотидаги барча нарсаларни сотиб юборса, у ярим крон маблағга ҳам етмасди. Шунга қарамай, Ганди ўша пайтда дунёдаги ҳар қандай миллионердан ҳам қудратлироқ эди.

Дунё аҳолиси миқёсида олганда, ҳар олти нафардан бир киши Ҳиндистонда яшайди. Асрлар мобайнида бу мамлакат халқи ўзига хос хўжасизликка эга эди. Ва мана шу ушоққина одам юз фунт ҳам чиқмайдиган вазнга эга бўлишига қарамай, ўз ватандошларини катта куч-қудратга эга эканлигига ишонтириб, буни уларнинг онгига етказа олди. Уларни ислохотларни амалга оширишга чақирди, бу эса бутун дунё тақдирига ғоят бебаҳо таъсир кўрсатди.

Ганди тўғрисида турли ҳангомалар ҳам йўқ эмас. Масалан, унинг қоплама тишлари бўлиб, уни дои-

мо белбоғи қатларида олиб юрган. Бу сунъий тишларни фақат овқат ейиш олдидан оғзига жойлаган. Шундан сўнг яна чиқариб, сувда чайиб, белгиланган жойга қўйган.

У инглиз тилида ирландча лаҳжада гапирган, чунки биринчи усто­зи ирландиялик эди. У Лондонда яшар экан, бе­лида белбоғ би­лан юрар, ипак шляпа, қадама қўнжли оёқ кийи­ми ва ингичка ҳассасини сира ташламас эди.

Лондон уни­верситетини ту­гатгач, у адвокат бўлди. Аммо би­ринчи судда очик сўзга чиққанида овози бир оз бўғил­ган, тиззалари титраган ва саросимага тушганидан жойида ўтириб қолган.



*Одамлар шу
даражада рўшнолик
кўрмаган эдиларки,
Ганди халқни тугилишни
чеклашга даъват этди.*

Қонуншунос сифати­да Лондонда Гандидан ҳеч қандай фойда чиқма­ди. У бутунлай омадсиз киши бўлиб қолганди.

Шуни айтиш керак­ки, Ганди Англияга би­ринчи марта келганида,

унинг ирландиялик усто­зи инглиз тилидан машқ ўрнига Инжилдаги хутбаларни ўрганишни тайинла­ган. Ганди шундай битикларни ўқиган эди: “Роҳат­фароғат мўмин-қобилликдир, аммо улар ерни мерос қилиб қолдиради”, “Мўмин-қобиллар тинчлик ўрна-

тувчи шахслардир, улар Яратган эгамнинг фарзандларидир”. Бу сўзлар унга жуда катта таъсир кўрсатди.

Бир куни Гандини Жанубий Африкага солиқларни ундириш учун жўнатишди. Ўша ерда у Инжил хутбаларини ҳаётга татбиқ этишга уринди. Бу ўз таъсирини кўрсатди. Миждозлар тўда-тўда бўлиб, Гандининг ҳузурига келишарди. Чунки у суднинг аралашувисиз, тинчлик, осудалик билан уларнинг ишини бартараф этар, шу билан бирга вақтлари ҳамда пулларини муҳофаза қилар эди. Кўп ўтмай, Гандининг даромади йилига уч минг фунтдан ошди. Мўмин-қобиллик шу тариқа ерни мерос қилиб олди.

Аммо у бундан бахтли бўлдимиди? Йўқ. Чунки Гандининг сон-саноқсиз миллионлардан иборат ватандошлари ночорликка маҳкум эди. Минглаб одамлар унинг кўз олдида очликдан ҳалок бўлаётган эди. Бундай шароитда дунёвий тамаддун Ганди назарида аҳамияти кам бўлиб қолди. Шу боис у барча пулларни тарқатиб, ўзи ҳам камбағал, ночорлар ўрнини эгаллади. Бошқача айтганда, ўз ҳаётини камбағал ва гадойлارга ёрдам беришга бағишлади.

Аксарият ҳиндлар оч ва ярим оч ҳолда ҳаёт кечиришарди. Одамлар шу даражада рўшнолик кўрмаган эдиларки, Ганди халқни туғилишни чеклашга даъват этди. Бундан мақсад токи ҳаётда ҳамма нарсадан маҳрум бўлган ва ғам-алам ҳамда ночорликка маҳкумлар сонини кўпайтирмасликдан иборат эди.

Бунинг учун Ганди ўзига хос тажриба ўтказиб, шахсий овқатланиши, бинобарин, соғлом бўлиб қолиши учун қанча кам нарса сарфланишига барчани ишонтиришга уринди. У, асосан, мева-чева, эчки сути ва зайтун мойи истеъмол қилиш билан ҳаёт кечирар эди.

Гандида америкалик Генри Торонинг таълимоти кучли таассурот қолдирган. Торо юз йил муқаддам

Гарвард университетини тугатгач, бор-йўғи беш ярим фунтга Массачусетс кўли яқинидаги Уолден қирғоғида кулба қуриб олди. Ўша ерда зоҳидларга хос ҳаёт кечирди, табиат билан ёнма-ён яшади, жон бошига солинадиган солиқни тўлашдан бош тортгани учун қамоққа ташланди. У ўшанда фуқаролик дахлсизлиги тўғрисида китоб ёзиб, ҳеч ким солиқ тўлашга мажбур эмаслигини кўрсатиб берди. Одамлар бу китобга мутлақо эътибор беришмаган. Аммо орадан 75 йил ўтгач, мазкур китоб Ҳиндистонда Гандининг қўлига тушиб қолди. Ва у мавжуд шароитдан келиб чиқиб, Торонинг усулларида фойдаланишга аҳд қилди.

Англиянинг Ҳиндистонга мустақиллик бериш тўғрисидаги ваъдаларини бажаришга киришмаслигини ҳис этган Ганди, ушбу мустамлака давлатни жазолашга жазм қилди. Бунинг учун ватандошларини жон бошига солинадиган солиқни тўлашдан кўра қамоқни афзал кўришга чақирди. Шу билан бирга у ўз издошларини инглиз маҳсулотларига нисбатан бойкот қилишга даъват этди.

Англия туз солиғи солганида, Ганди ўз тарафдорларини денгиз томонга олиб борди. Улар мустақил тарзда денгиз сувини буғлатиб, туз олиш билан машғул бўдилар.

Ҳиндистонда олтмиш миллионга яқин киши диний эътиқодига кўра, паст табақадаги кастага мансуб — улар шундай тамғага эга. Бу нима дегани? Тасаввур қилинг, сиз Ҳиндистонда яшайсиз, авлодаждодларингиз бундан икки минг йил муқаддам ҳинд дини ақидаларига мувофиқ, шу тоифа тамғага эга бўлган. Мана, сиз ҳам бизнинг кунларимизда ана шу табақага мансуб киши, дейлик. Сизнинг қалбингиз ўша қадим ҳаётда йўл қўйган гуноҳлар учун азобуқубат тортишга маҳкум этилган. Шунинг учун қишлоқдаги қудуқдан сув ича олмайсиз, бунга рухсат

берилмайди. Сиз йўлнинг бир четидаги қандайдир ифлос кўлмакдан сув истеъмол қилишингиз мумкин. Баққоллик дўконига ҳам кира олмайсиз, бунга ҳаддингиз сифмайди. Энг яхшиси, бир чеккада туриб, бирор киши парча нон ташлармикан, деб кутишга мажбур бўласиз.

Сиз судга мутлақо мурожаат қила олмайсиз. Мактабга боролмайсиз. Жамоат юрадиган йўлдан фақат беш юз фут нарида юриш ҳуқуқига эгасиз, холос. Борди-ю ҳатто, соянгиз бирор егуликка тушса борми, уни ҳаром, деб ҳисоблашади-ю, бир чеккага улоқтириб юборишади.

Бундай одамлар олтмиш миллион нафардан иборат. Уларнинг тақдири аянчли ҳамда фожиалидир. Ганди ўз ҳаётини ана шу паст табақа деб юритиладиган кишилар ҳақ-ҳуқуқи учун курашга тикканига ажабланмаса ҳам бўлади. У мазкур таҳқирланган каста (тоифа)га мансуб бўлган қизни худди ўзининг қизи сифатида қарамоғига олиб, тарбиялаган эди.

Махатма Гандини миллионлаб одамлар авлиё, деб ҳисоблашади. Бошқалар эса ерга тушган ҳинд худоси, илоҳнинг бошқа шаклга кирган қиёфаси деб ишонадилар. Бизнинг худбинлик, хасислик ва бифарқлик тўлиб-тошган давримизда бу одам ўзи учун ҳеч нима ахтаргани йўқ, у бошқалар яшаши учун ўлишга ҳам тайёр эди.

КУНДАЛИККА ЁЗИЛГАН ОРЗУ

“Ричард Бэрд (1888-1957) кутб тадқиқотчиси, америкалик учувчи, адмирал... Тўртта йирик антарктик экспедицияси раҳбари”.

(“Катта қомус”дан)

XX аср бошида Виржиния штатидаги Винчестерда кичкина болакай кундалик юритар эди. Адмирал Пирнинг Шимолий кутбни эгаллаш соҳасидаги қаҳрамонона хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ҳикоялардан ўта таъсирланган ўн икки ёшли бу бола 1900 йилда ўз кундалигига алоҳида эътиборга молик қуйидаги ёзувни битди: “Мен Шимолий кутбни эгаллаган биринчи инсон бўлишга аҳд қилдим”.

Балки Бэрд хато қилгандир. Аммо бошқаларнинг ғалати қарашларига қарамай у ўз қарорида қатъий туриб олди.

У дарҳол ўзини ана шу жуда оғир, сабр-бардошни талаб этадиган синовга тайёрлашга киришди. Совуқни писанд этмай, ўзини чиниқтира бошлаб, иссиқ кийимларни, ҳатто пальто кийишни ҳам рад этди.

Орадан бир неча йил ўтгач, юқоридаги ёзувларни кундаликка битган бола аслида ўз орзуларини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. У дунёда илк марта самолётда Шимолий кутб ялангликлари, шу жумладан, Жанубий кутб устидан учиб ўтган кишига айланди. Бу инсон Ричард Эвелин Бэрд эди.

Бэрд вақти келиб, Шимолий кутбни эгаллаб ётган улкан муз кенгликлари миллионлаб акр ерни бўшатиб беради, булар жуда катта қийматга эга бўлади, деган эди. Менинг ўзим Шимолий Кутбдан 600 мил олисидаги жойда кўмир қазиш ишлари

Муваффақият тамойиллари

билан машғул бўлишимга тўғри келган. Жанубий Қутб ҳақида шуни айтиш керакки, геологларнинг фикрича, унинг яқинида афсонавий даражада кўмир ҳамда эҳтимол, газ захираси мавжуд бўлиши мумкин.

Бэрднинг ҳаёти буюк ўзгаришларни амалга ошириш йўлида битмас-туганмас иродага эга бўлган ҳамда сон-саноқсиз қаршиликларга қарамай, уларни енгиб, мақсадини рўёбга чиқаришга киришган инсоннинг ёрқин намунасидир.

У олис мамлакатларни ҳаммадан бурун кўришни орзу қилган. Ўн тўрт ёшга тўлганида, дунё бўйлаб саёҳатга отланди. Уйига қайтиб келгач, коллежга ўқишга кирди. Бу ерда кўп вақтини спортга, спортнинг бокс, кураш ва футбол каби турларига бағишлади. Машқ пайтида у оёғини



синдириб олди, тўпиқ суяги майдаланиб кетди. Ана шундан кейин рўй берган оқсаш туфайли Бэрдни жисмоний жиҳатдан денгиз хизматига нолойиқ деб бўшатишди. Ўшанда у бор-йўғи йигирма саккиз ёшда эди. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, ёшингиз ҳали ўттизга етмасдан туриб, жисмоний етиш-

мовчилик туфайли хизматдан маҳрум бўлиб қолсангиз, қандай аҳволга тушган бўлардингиз? Айрим кишилар мазкур ҳолатда икки қўлини кўтариб, ўз мағлубиятини тан олган бўларди.

Аммо Ричард Бэрд бундай тоифадан эмасди.

Унинг айтишича, самолётни бошқариш учун тик туришга асло ҳожат йўқ. Бу ишни ўтирган ҳолда ҳам бажариш мумкин. У мазкур ишни оқсаб юрганида ҳам, шунингдек, тўпиғи бир пайтлар синиб қолганида ҳам амалга ошира олади. Аҳдидан қайтмади. Шу тариқа Бэрд авиаторликни ҳам ўргана бошлади. У парвоз пайтида йиқилган, бошқа самолёт билан тўқнашган пайтда ҳам ўз аҳдидан қайтмади. Мақсадга етиш керак.

У ўзининг осмону фалакдаги саргузаштларига ўлгудек қизиқса-да, Шимолнинг муздан иборат кенгликларида юриб, уни эгаллашни орзу қилишдан қайтмади, чунки Бэрдга қадар уни ҳеч ким эгалламаган эди. Аммо ҳар сафар рад жавобини олар ва, ҳатто кескин қаршиликка дуч келар эди.

Масалан, у биринчи навбатда Шимолга улкан дирижабль “Шенандох”да парвоз қилишни мўлжаллаган эди. Аммо синов вақтида дирижабль ишдан чиқиб қолди. Шунда Бэрд ҳукуматга мурожаат қилиб, самолётда бир неча синов парвозларини амалга оширажагини, энг яхшиси, Атлантика осмонини кесиб ўтишга имкон беришларини илтимос қилди. Аммо унинг илтимоси оқсоқлиги туфайли рад этилди.

Шунда Бэрд Арктика музликларини эгаллашга мўлжалланган самолётларда синов парвозлари ўтказиш учун ҳукуматга мурожаат қилди. Аммо бу сафар унинг илтимоси уйлангани туфайли яна инкор этилди.

Аччиқ умидсизликлар оқибатида Брэд иккинчи марта флот соҳасидан бутунлай бадарға этилди. Яна ўша-ўша оқсоқлик сабабли.

Балки Бэрд хато қилгандир. Аммо бошқаларнинг ғалати қарашларига қарамасдан у ўз қарорида қатъий туриб олди. Тиришқоқлик, мардлик-матонат ҳамда тиниқ фикрни ўзида жамлаган калла мустаҳкам оёққа

нисбатан катта аҳамиятга эга деб ҳисоблади. Ана шундан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатди, улар экспедицияни молиялаштиришга розилик бердилар. Ниҳоят, Бэрд бутун дунёни ҳайратга соладиган ишларни рўёбга чиқара бошлади. У Атлантика океанини кесиб ўтиб, парвоз қилди. Америка байроғини шимолий қутб устига, сўнг ортига бурилиб, иккинчи Америка байроғини жанубий қутб устига ташлади.

Ричард Бэрд ватанига қайтиб борганида тўпланиб турган икки миллион одам унинг шаънига шундай қарсак чалдики, Римга қатор ғалабаларни қўлга киритиб қайтган Цезар ҳам бундай олқишни кўрмаган эди.

Ниҳоят, Америка қўшма штатлари ҳукумати ўн тўрт йил муқаддам флот соҳасидан ўзи чиқариб ташлаган бу одамга адмирал унвонини берди.

ПРОФЕССОР ДОДСОН ВА УНИНГ МУЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ

Кунлардан бир куни босиқ, уятчан ёш йигит уч нафар қиз билан Темза дарёси бўйлаб қайиқда сайр қилиш учун жўнади. Соат учда ортга, қирғоққа қайтар экан, у йўлда аллақачон ўтган асрнинг энг машхур кишиларидан бирига айланиш учун ўз қадами-ни қўйиб бўлган эди.

*Кўлёманинг
келажагини тахмин
қилиш ҳаёлига ҳам
келмасди унинг.*

Бу йигитнинг исми Додсон эди. Ҳақиқий номи! Унинг бошқа исмини энди билиб оласиз. Баъзан “Сизнинг камтарин қулингиз

Додсон”, айрим ҳолларда “Профессор Додсон” деб юритилар, чунки у бегим кунларида Оксфорд университетида математикадан дарс берар, якшанба кун-

лари эса черковда ваъзхонлик билан шуғулланар эди.

У кўпинча ёши катта кишиларга мурожаат қилганида, хижолат тортиб, терлаб кетар, ҳатто ҳаяжонланганидан тутилиб қоларди. Шундан кейин болаларга қизиқарли воқеаларни мамнуният, завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берарди. Айнан ўша куни Темза бўйлаб қайиқда сайр қилишар экан, ўзининг жажжи ҳамроҳларига мисли кўрилмаган воқеани гапириб берди.

Ухлаш учун борган қизча қуённинг кулбасига кириб, ғойиб бўлиб қолади. Уйғонганида эса ўзини мўъжизалар мамлакатаида кўради.

Унинг жажжи ҳамроҳлари қайиқни ҳам, дарёни ҳам унутиб, кўзларини катта-катта очганча ушбу қизиқарли воқеани диққат билан эшитардилар. Сўнг профессордан мазкур воқеани ўзлари учун китоб қилиб беришини илтимос қилишди.

Додсон бу ишни бутун тун бўйи қоғоз устига мук тушганча амалга оширди. Қизчалардан энг кичкинасининг исми Алиса эди, ҳикоя қилинган воқеанинг баёнида у айнан шу исмни танлади ва, ниҳоят “Алиса мўъжизалар мамлакатаида” пайдо бўлди.

Профессор қўлёзмани бир чеккага қўйиб, уни унутди. Бирор киши қизиқармикан, деб ўйлади. Қўлёзманинг келажагини тахмин қилиш ҳаёлига ҳам келмасди унинг. Бир неча кундан сўнг дўстларидан бири қўлёзмани кўриб қолди. Устидаги чангларини артар экан, унга мафтун бўлганича, дарҳол нашр қилиш керак, деб оёқ тираб туриб олди. Профессор бундан қаттиқ таъсирланди ҳамда мазкур таклифдан



ўзини ҳақоратланган сезди. Аслида бу нимани билдирар эди? Ахир, у Оксфорд университетининг математика профессори бўлса, бутун дунёга болалар учун бўлмағур эртак ёзиб юрибди, деган гап тарқаб кетмайдими? Йўқ! Эртак китоб чиқариш профессорнинг обрў-эътиборига мутлақо тўғри келмайди. У бу ҳақда гапиришни ҳам истамайди. Шунинг учун “Алиса мўъжизалар мамлакатаида” Льюис Керрол тахаллуси билан нашр этилди ва ҳаддан зиёд, фавқулодда муваффақият қозонди.

Китоб инглиз тилида сўзлашувчи китобхонларни бутунлай асир этди ва зудлик билан ўн тўрт тилга таржима қилинди.

Ҳамма жойда — Теннесидан тортиб Томбуктуга қадар одамлар такрорлар эди:

Морж сўзлар:

“Фурсат етди, ахир,

Гаплашайлик ишдан:

Бошмоқлар ва сўргичдан,

Карамдан ва қиролдан,

Нега энди қозондаги шўрвадек,

Қайнар сувлар денгизда?”

“Алиса мўъжизалар мамлакатаида” йилдан-йилга оммалашиб борди. Босма машиналар эртаю кеч тинмай инглиз тилининг ўзидагина унинг 169 та нашини амалга оширди.

Мана, ўнлаб йиллар давомида “Алиса мўъжизалар мамлакатаида” бутун дунё болаларининг энг севимли китобларидан бири бўлиб қолмоқда.

ҲАММАДАН КЎП ПУЛ ИШЛАБ ТОПАДИГАН КИШИ

Кўшма штатларда ким ҳаммадан кўп пул ишлаб топади, деб ўйлайсиз? Камина бизнес соҳибларини ва ўз ишига кўпроқ сармоя тикадиган кишиларни назарда тутаётгани йўқ, албатта. Мен ўз ақл-заковати ҳисобига энг юқори даромадга эга бўлган одамни назарда тутяпман: ҳеч қандай бизнес-сиз, сармоясиз, унинг учун ишлайдиган одамлар иштирокисиз.

Чарли Чаплинми? Йўқ, Чаплин битта фильмни икки йил давомида тайёрлаган. Аммо у ҳам, ҳар ҳолда, тадбиркор. Зеро, у ўзининг хусусий кинокомпаниясига эга эди.

Грето Гарбоми? Йўқ, у ҳам эмас.

Дарвоқе, фол очишнинг нима кераги бор? Жуда катта пул ишлаб топадиган бу киши ҳеч қандай олий маълумотга эга эмас. Унинг инглиз тилида сўзлашиши, юмшоқ қилиб айтганда, мукамалликдан жуда йироқ. Бу инсон эскича кийинар, ҳамиша белгиланган вақтдан кечикиб келар ва ҳеч қачон оғзидан сақич аримасди.

Унинг исм-шарифи Вилли Рожерс эди.

Рожерс ўзининг учта картинаси учун йилига 55 минг фунт олар, газетада ҳар кунлик рукни учун унга 80 фунтдан, тузган қизиқарли нутқи учун эса 200 фунт тўлашарди. Радиода чиқиш қилса, ҳар дақиқасига 66 фунтдан ҳақ тўланган. Ниҳоят у гап ўрта-



сида шунчаки тўхтагудек бўлса, бунга ҳам икки ёки уч фунт тўланган. Яъни, Рожерс гапирмагани учун ҳам пул олган.

Вилли Рожерс умумхалқ сайловлари куни дунёга келган дейиш мумкин, зеро, у конгресс иши муносабати билан сўзлайдиган аччиқ ҳазиллари учун 100 минг фунт олган. Лекин умри мобайнида бирор марта овоз бермаган. Нима учун?

Шунинг учунки, у ҳамиша 24 соат давомида фильмларни суратга олиш жараёнида қатнашар экан, сайловчи сифатида ҳеч қачон битта жойда рўйхатга олинган ҳолатда узоқ яшаб қолмаган. Бунинг устига Рожерс умуман овоз беришни ёқтирмайди. Ўз фикр-мулоҳазаларини бирорта партиянинг манфаатларини кўзламасдан эркин, холис тарзда баён этишни афзал кўради.

У мамлакатнинг ҳиндулар яшайдиган ҳудудида жойлашган Оологан мавзесидан тўрт миль наридаги ранчога туғилган. Уларнинг оиласи истиқомат қилган унча катта бўлмаган тахта уйча ҳозиргача сақланиб қолган. Бир неча йил муқаддам савдо палатаси бу ерга махсус ёзувли тахта ўрнатган эди: “Вилли Рожерснинг туғилган уйи томон йўл”. Ана шундан кейин сайёҳлар у ерга тўда-тўда бўлиб ёпирилиб борадиган бўлишди. Улар бу ердан эсдалик совға сифатида шунчалик кўп нарсани кесиб, синдириб, ташиб кетишдики, ниҳоят ўша белгини олиб қўйишга, ранчога элтувчи дарвозани эса занжирлаб беркитиб ташлашга тўғри келди.

Унинг ота-онаси ҳиндуларга бориб тақалар эди. Онаси чоракам бир ҳинду, отасининг эса саккиздан бир қисми ҳиндулардан иборат эди. Виллининг сўзларига қараганда, арифметикадан билими кўнгилдагидек эмасди, шунинг учун вужудида неча қисм ҳинду қони оқаётганини ҳисоб-китоб қила олмайди. Отасига келганда эса айтиш жоизки, у бир неча йил

ирокезлар қабиласи кенгашида оқсоқоллик мартабасини эгаллаган. Дарвоқе, Вилиямнинг ўзи ҳам ирокез тилини ўзлаштирган эди.

Рожерс илк бор Нью-Йоркка юк поездининг қорамол ортилган вагонидида келган. У қорамолларни соғар, уларга емиш берар, сўнг побонлар учун ажратилган алоҳида вагонда ухлар эди.

Ўзининг арзимаган танга-чақаларини тежаш мақсадида, ўша пайтда энг арзон баҳодаги чиптани сотиб олди.

Вилли атрофдагиларнинг кулгисини кўзғаш учун Бродвейга қишлоқи либосда, ковбойлар этигини кийиб, қадам ташлаб юарди.

У кўчада пайдо бўлганида, одамлар ҳайратга тушиб, атрофини ўраб олар, тўхтаб, ундан дастхат олишарди.

Рожерс ёшлик йилларида ёрқин дунёни кўриш истагида астойдил ёнар эди. Шу боис у даставвал Жанубий Америкага йўл олди. Ўзининг арзимаган танга-чақаларини тежаш мақсадида ўша пайтда энг арзон баҳодаги чиптани сотиб олди. У ерда қорамол боқишга ёлланди, бунинг учун ҳафтасига ўн икки шиллингдан оладиган бўлди.

Бурлар уруши бошида Рожерс қорамоллар ортилган кемада Жанубий Америкага отланди. У ерда британ отлиқ кавалериясини тўлдириш учун белгиланган ёввойи отларни минишга ўргатиш билан машғул эди.

Уруш тугагач, Рожерснинг ҳаёт кечириши маълум даражада оғирлашди. У казармага ўтиб, аскарлар билан бир жойда яшашга мажбур бўлди. Ўшалар билан бирга овқатланар, ошпаз унга раҳм-шафқат қилиб, егулик берар эди.

У Америкага қайтиш учун кичикроқ сайёр циркка қўшилди, унда отлар билан бажариладиган трюклар ижрочиси сифатида ишлади. Бу ерда уни “Ирокез

боласи” номи остида танишарди. Айнан цирк туфайли Вилли Рожерс кинога кириб келди.

У Арканзас штатидан бўлганида Бетти Блейк исмли қизга уйланди. Уни биринчи бор Оклахома штатидаги Клэрмон шаҳрида уйи бўсағасида лимонад ичиб ўтирганида кўрган эди. Ўша пайтда Рожерс эндигина велосипед сотиб олган ва қизга ўзининг юришини намоиш қилмоқчи эди. Аммо трюкини намоиш этаётганида, велосипеддан қулаб тушди. Мисс Блейк Рожерсга жойидан туришга кўмаклашиб, қўлидаги жароҳатини ювишга ёрдамлашди. Улар шу тариқа танишиб қолишди. Кейинроқ уларнинг уч нафар фарзандлари дунёга келди.

Рожерс, асосан, ўзининг чорбоғида, 240 акр ерда, Холливуддан сал нарида яшайди. У ерда поло, яъни от миниб мусобақалашадиган тўп ўйинига мўлжалланган махсус майдонча бўлиб, ўзи ва меҳмонлари кўнгилхушлик қилишади. Аммо Рожерснинг сўзларига қараганда, у ҳеч қандай ўйинни билмаган. Фақат баъзида от ёки арқон ёрдамида ўйналадиган ўйинни билган, холос.

Вилли Рожерснинг номи билан боғлиқ анча-мунча кулгили гаплар бор. У қироллар ва маликалар ҳамда дунёнинг энг кучли кишилари билан учрашган. Аммо шахсан ўзига тегишли фрак асло бўлмаган. Боз устига, Рожерс ҳеч қачон костюм киймаган, фақат театр ёки кинога борганида, зарурат юзасидангина шунга мажбур бўлган.

Егулик сифатида Рожерс жўхори ёрмасини афзал кўрган. Унинг ҳаёти 200 минг фунтга суғурта қилинган эди. Шундай бўлса-да, баъзан чўнтагидаги пул бир центга етар-етмасди. Унинг ҳеч қачон шахсий ҳайдовчиси бўлмаган. Одатда у сахнага қора танли актёр (комедиант) ролида чиққан, зиёфатларда ўзини ҳабаш сифатида намоён этишни жуда яхши

кўрган. Радиода чиқаркан, у бошқа машҳур кишиларга муқаллидлик қилар эди. Рожерс чекмас, аммо саҳнага чиққанида камдан-кам ҳолларда сақич чайнади.

У уринган, эски-туски кийимда юрар, Ҳолливуд ёки Лос-Анжелесда этик ёки анча кийилиб, эскирган кўк пахтали коржома кияр, у бронза михпарчин билан безатилган бўларди.

Рожерс ўзининг келиб чиқиши ҳиндуларга мансублиги билан фахрланган. Қачонлардир у шундай деган эди: “Менинг авлодим Америкага биринчи бор “Мейф-лауэр” кемасида ташриф буюрган келгиндилар орасида эмас, балки уларни биринчи кутиб олганлар орасида бўлган”.

Вилли Рожерс авиация ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмганида, кўпгина одамлар мотам тутишган, фавқулодда ўзига хос хусусиятга эга бўлган бу инсон хотирасини ёдга олганлар.

ЕР ОСТИДА ЎН ЙИЛ

Мен ўзимнинг Нью-Йоркдаги уйимдан Бруклинга кўпинча доктор С.Пакез Кадман ҳузурида бир неча соатни ўтказиш учун борар эдим. У Американинг энг машҳур кишиларидан бири бўлиб, ўзининг узоқ йиллик фаолиятини радио орқали динни тарғиб этишга бағишлаган эди. Аслида Кадман миллий радио ташкилотчиларидан бири бўлган. Агар сиз ўзингизни иш билан жудаям банд эканингизни айтадиган бўлсангиз, унда доктор Кадманнинг бир кун давомида бажарадиган иш ҳажми қанчалик эканлигига қулоқ тутиб кўринг.

У эрталаб соат еттида туришга одатланган. Йигирма ёки ўттизта хатга жавобни айтиб туриб ёздиар, газетадаги доимий ўзига тегишли руқнга бир ярим

минг сўздан иборатли мақола ёзиб, маъруза тайёрлар ёки навбатдаги китоби устида ишлар; икки ёки учта митингда иштирок этиб, муҳим муаммоларни муҳокама этар, уйга қайтгач эса янги чиққан китобларни синчиклаб, икир-чикирига қадар ўқиб, хабардор бўлар ва кунни якунлаб, тахминан соат иккида ухлар эди.

Шахсан менга бошни айлантирар даражадаги бу иш учун икки кун ҳам етмаган бўларди. Аммо доктор Кадман унга ойма-ой, йилма-йил қатъий риоя қилган. Буни тасаввур этиб кўринг-а!

Бир куни мен Кадмандан буларнинг ҳаммасига қандай улгуришини сўрадим. У, бари жуда осон, деб жавоб берди. Кадман ўзининг ишларини режалаштирар эди.

Айтишича, у котибага айтиб туриб ёздириш ўрнига диктофондан фойдаланади, ана шу туфайли бир соатни тежашга муяссар бўлади. Бу масалада у сиёсий арбоб Гладсондан ибрат олади.

Гладсон Англия билан ҳукумат алоқаларини мувофиқлаштириш ишлари билан машғул бўлганида, унинг хонасида тўртта стол бўлган. Улардан бири адабий ишлар учун мўлжалланган, иккинчиси кундалик хат-хабарлар, учинчиси сиёсий масалаларни ҳал этиш учун ва тўртинчиси бошқа барча масалалар учун қўйилган. Гладсон, машгулотларни ўзгартириш билан анча яхши натижаларга эришиш мумкин, деган хулосага келган. Шу тарзда Гладсон бир столда ишлаб, сўнг бошқасига ўтган.

Доктор Кадман ҳам айнан шу тарзда ишлайди. У доимий равишда ўз ишининг табиатини ўзгартириб туради. Бу Кадманнинг ҳамиша, ҳамма вақт яхши ҳолатда бўлишига имкон беради.

Шу билан бирга у ўзининг ўқиш тарзини ҳам алмаштириб туради. Агар сиз, доктор Кадман илоҳий китобларни ўрганишга чуқур берилиб кетган, деб

ўйласангиз, адашасиз. Унинг фикрича, ўқишда ҳам худди таом егандек турфа хиллик керак. Шунинг учун Кадман ҳар ҳафтада икки ёки учта детектив асарни варақлаб чиқади. Унга Шерлок Холмснинг саргузаштлари ёқади. “Баскервиллар ити” қиссасини дунё адабиётидаги энг яхши детектив асарлардан бири деб ҳисоблайди.

Бир куни унинг ҳузурига келганимда, столи устида турли мазмундаги тўртта китобга кўзим тушди. Улардан бири доктор Хай томонидан тавсия этилган, парҳез баёнига бағишланган китобдир. Бошқаси эса “Лабрадор романтикаси” деб номланар, доктор Гренфел қаламига мансуб эди. Улар билан бир қаторда суд ҳисоботи ҳамда яқинда чиққан детектив бор.

Ўзининг айтишига қараганда, Кадманнинг куни нонуштасиз ўтса ўтар, аммо китобсиз мутлақо ўтмасди.

Кадманнинг таржимаи ҳолидаги энг ҳайратга соладиган жиҳати шуки, бу ажойиб инсон ўз меҳнат фаолиятини кўмир шахтасида ўн бир ёшидан бошлаган эди. Ва узоқ ўн йиллар мобайнида ҳар куни саккиз соатдан ер остида ишлаб, ўзининг укалари ҳамда сингилларини боққан.

Ўша пайтда Кадманнинг илм даргоҳида ўқиш, маълумот олишга имкони бўлмаган. Шунга қарамай, у Америкада энг оммабоп муаллифлардан бирига айланди. Бир куни Кадман инглиз адабиётининг бутун тараққиёт босқичларини пухта ўрганиб чиққанлигини эътироф этган эди.

У шахтада қазувчи бўлиб ишлар, ўзига тегишли аравагани бўшатгунларича ҳамиша бир-икки дақиқа вақт қоларди. Кадман ана шу фурсатни бекор кетказмай, китобчага тикиларди. Шахта шу қадар қоронғу эдики, Кадман ҳатто ўзининг қўлини ҳам кўра олмасди. Шунга қарамай, у хира эски чироқ шуъласида ўқиш билан банд бўлган. Ҳар сафар ўқиши учун

120 сониядан кўп вақт кетмасди. Ва китоб доимо унинг қўл остида эди. Ўзининг айтишига қараганда, Кадманнинг куни нонуштасиз ўтса ўтар, аммо китобсиз мутлақо ўтмасди.

У шахтадан халос бўлишига фақат маълумот олишигина ёрдам беришини яхши ҳис этарди. Шунинг учун ўн йиллар давомида кўшни қишлоқдан сўраб ёки қарзга олиб, барча китобларни ўқиб чиқди. Уларнинг умумий жилди 1000 дан ошиб кетарди.

Шу боис боланинг ақлий қобилияти ўсиб кетишига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу йўлда уни ҳеч нима, ҳатто милтиқнинг ўқи ҳам тўхтата олмасди. Шахтада ўн йилни ўтказгач, у барча имтиҳонларни муваффақият билан топширди ва Ричмонд университетининг стипендия оладиган талабасига айланди.

Доктор Кадман ҳар якшанба куни жами беш миллион кишидан иборат аудиторияга амру маъруф қилиб, ваъзхонлик қилади. Бир куни адмирал Бэрд телеграмма юбориб, Жанубий қутб яқинида жойлашган станцияда истиқомат қилувчилар унинг нутқини қанчалик қизиқиш билан тинглашларини таъкидлаган эди. Ҳолбуки, у Америкага келганида, ўзининг ваъзхонлик фаолиятини бошлаганида, ҳузурига келганлар сони бор-йўғи 150 кишидан ошмаган. Ўша пайтда Кадманнинг меҳнати учун йилига 150 фунтдан кўп пул тўлашмаган. Дарвоқе, у бу пулларни одатда кўрмасди. Иш ҳақи ҳисобига кўпинча чўчқа ёғи, тустовуқ, картошка, олма олишга тўғри келарди. Ҳатто, битта фермер унга сомон ғарамини таклиф этган.

Доктор Кадман Англиядаги Шропшир графлигида жойлашган Олд Парк номли шаҳарчада шахтёрлар оиласида дунёга келган. Собиқ кўшниларидан бири у ўсиб-улғайса, албатта ўғри бўлади, дея каромат қилган эди. Бундай дейишига асос шуки, онаси уни бармоқларидаги тирноқларини ҳадеб тишлаб ғажийвергани учун тирноқларини олиб ташлаган.

Доктор Кадманнинг менга айтишича, унинг ҳаёт йўли шаклланишида Линкольннинг ҳаёт тарзи катта таъсир кўрсатган. Унинг сеvimли ёзувчиси Теккерей, сеvimли асарлари, “Ахлоқсизлик ҳақида қасида” (Вордсворт) ва Мильтоннинг “Табиат қасидаси” эди.

Мен Кадмандан сеvimли таомлари ҳақида сўраганимда, унинг юзида пайдо бўлган очиқ кайфият ифодасини кўрдим. “Эҳ, ўғлим, — деди у аламли оҳангда. — Мен парҳездаман, ахир. Мен ўзим яхши кўрган бирорта таомни ея олармидим”. Кейин қўшиб қўйди: “Афсуски, ҳаётда шунча мазали таомлар туриб, биз, руҳонийларга уларни тановул қилиш ман этилган”.

Доктор Кадман ўйма нақш, суратлар, қадимги меbelларни коллекция сифатида тўплайди, шу билан бирга унинг нодир китоблардан иборат аъло даражадаги кутубхонаси бор эди. Кадманда Инжилнинг “нотўғри кўчирилган” бир нусхаси ҳам бор. Бундай дейилишига сабаб, у ердаги ўнга яқин матнда чоп этилиши жараёнида “не” (йўқ) деган инкор юкламаси тушиб қолган.

Кадман 1936 йил 12 июлда вафот этган.

“МЕНИНГ БЕШ ЮЗ НАФАР БОЛАМ БОР”

Сизнинг назарингизда, қайси саргузашт асар дунёда энг кўп тарқалган? “Робинзон Крузо”ми? “Дон Кихот”ми? Ёки “Хазиналар ороли”ми? Ўз-ўзидан маълумки, фикрлар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Менга қолганида эса, “Уч мушкетёр”ни ҳаммасидан афзал кўрган бўлардим.

“Уч мушкетёр” деярли бир аср мобайнида энг оммабоп, ўқишли китоб бўлиб келган. Айтиш мумкинки, сизнинг бувингиз ҳали қизалоқлигида бу

асар қаҳрамонларининг жасоратидан ҳаяжонга тушган. Дунёдаги минглаб одамлар уни севиб ўқишди ва айна дақиқаларда турли тилларда ундан баҳраманд бўлишмоқда.

“Уч мушкетёр” муаллифи Александр Дюма ғозпатли ўз даврининг энг забардаст адибларидан бири эди. У, менинг беш юз нафар болам бор, деб мақтанишни яхши кўрарди. Албатта, бу маънодаги ҳисобкитоби ҳаддан зиёд даражада оптимистик бўлиб кўриниши мумкин, аммо факт фактлигича қолаверади: у ташқи кўриниши билан аёллар қалбига йўл топа оларди. Гарчанд Дюма кўпол гавдали, оғир карвон бўлишига қарамй, хонимларга муомала қилишни яхши биларди. У бир неча марта ҳеч қачон уйланмаслигини айтган, шу гапни такрорлагани-такрорлаган эди.

Дюманинг керилиб мақтанганлари ҳақида эшитган маъшуқаларидан бири унга қарши иш тутган. У ўз ҳомийсига Александр Дюманинг қарз қоғозларини арзон-гаровга сотиб олишни сўраган. Шунини айтиш керакки, ўша пайтларда бундай қарзлар учун қамоққа тушиш мумкин эди. Аёлларни шайдо қилувчи Дюмага мулойимлик билан тушунтириб, бирини танлашни айтишган: ёки уйланиши керак, ёки қамоқ.

Бунга Дюма одатдан ташқари ҳолатда қаради. Унинг томирларида оқаётган қоннинг тўртдан уч қисми оқ

Бу бақалоқ, палапартиш кийинган улкан одам ҳамиша онаси олдидан таъзим бажо этиб юрган.

ирққа мансуб бўлиб, тўртдан бир қисми қорага оид эди. Дюманинг бувиси, озодликка чиққан ҳабаш аёл Вест-Индиядаги қанд плантацияларида ишлаган. Уни Мария Дюма деб аташарди. Камбағал, саводсиз аёл қандай туғилган бўлса, худди шу

тарзда ҳеч кимга маълум бўлмай, дунёдан ўтиб кетди. Мария Дюма ўзининг набирасига шахзодалар, шо-

ирлар ҳамда аслзодалар қизиқиб қараб, номи бутун дунёга ёйилиб кетишини ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Александр Дюма ўзининг ҳабаш бувисига жуда ўхшарди. Тўғри унинг териси оппоқ, худди қорга ўхшар, аммо кўзларида гўё Вест-Индиянинг осмони ранги мовийлигича акс этгандек эди. Аммо унинг лаблари жуда қалин, бақбақалари ялпоқ ва кенг, сочлари худди бувисиникига ўхшаб қаттиқ ва жингалак эди.



Айшу ишратни севган тансиқ таомлар шинавандаси қайла тайёрлаш ҳамда ўрдақ қовуришни жуда боплагани каби, айти шу қобилияти роман ёзишда ҳам қўл келарди. У тушликка ўтирар экан, ҳаддан зиёд кўп икра, балиқ, бир нечта қовурилган қирғовулни паққос туширар, ярим дюжина (*бир дюжина — 12 дона*) турли-туман сабзавотлар билан бирга энг охирида катта бўлакли пишлоқни ҳам кўрдим демасди. Дюма истеъмол қилган таоми билан, ҳатто Бисмаркни ҳам ортда қолдирарди. Шу билан бирга карнайга айланган ана шундай иштаҳаси бўлса-да, ҳеч қачон ичмаган, алкоголь у ёқда турсин, ҳатто қаҳва ҳам сипқормаган, чекмаган.

Дюма ишга боши билан шўнғиб кетганида, очиқиб кетганини ўйламас, таомни мутлақо унутиб юборар эди. Агар борди-ю, шу пайтда бирор-бир дўсти келиб қолса, у билан кўришиш учун чап қўлини узатар, ўнг қўли билан эса қоғозга ёзишда давом этаверарди. Дюма қоғоз билан ёзув қуролига ҳар жиҳатдан ўта нозик даражада муносабатда бўларди.

Масалан, у романларни фақат яшил рангли сиёҳ-

да ёзган. Бунинг учун махсус ёзув қуролларидан фойдаланган. Сариқ қоғозга бошқа ёзув қуроли билан шеърлар битган. Агар у журнал учун мақола тайёрлайдиган бўлса, фақат қизил қоғоздан фойдаланган. У ҳар қандай шароитда бўлмасин, иш пайтида ҳеч қачон яшил сиёҳ ишлатмаган, чунки бу унинг асабларини таранг аҳволга олиб келган.

Пьесаларни Дюма столда мук тушганча ёза олмасди. Бунинг учун у диванда ётмоғи, икки тирсаги тагида юмшоқ ёстиқ бўлиши лозим эди. Кулгили-я? Аммо Дюманинг устидан кулишдан аввал у нималарни қўлга киритгани тўғрисида сўзлаган маъқул. У юздан зиёд қиссалар яратди. Сон-саноқсиз романлар муаллифи. Шунингдек, бир неча воқеаларни қаламга олдики, агар улар бир жойга жамланса, 1200-жылдан иборат асарлар тўплами юзага келади. Буни кўз олдингизга келтиряпсизми? Бир минг икки юз жилд! Яъни, Голсуорси, Шоу, Стивенсон, Уэллс, Киплинг, Рейнгардт ва Гретларнинг барчасини бир жойга йиққанда ҳам уларнинг ижод маҳсулидан зиёд.

Александр Дюма умумий ҳисобда миллион фунтдан ортиқ иш ҳақи олган. Бу эса ўзига замондош бўлган муаллифлардан бир неча марта кўп эди. Адабиёт тарихида жуда кам инсон бундай бойликка муяссар бўлган. Ваҳоланки, Дьуманинг илк пьесаси қўйилганида, унинг театрга бориш учун оппоқ бўйинбоғи ҳам бўлмаган. Шу боис шунга лойиқ келадиган оқ картондан ёқа кесиб олиш ва ҳаётидаги энг муҳим дамда оммага шу аҳволда кўринишига тўғри келган.

Бу бақалоқ, пала-партиш кийинган улкан одам ҳамиша онаси олдида таъзим бажо этиб юрган. Унинг биринчи пьесаси қўйилишига уч кун қолганида, онаси фалаж бўлиб қолади. Парижда илк зафар кучиш кечасида Александр ҳар бир парда тугагач, театрни ташлаб, узундан-узун оёқлари билан одим отганча

хатти-ҳаракатсиз ётган онасининг ёнига ўқдай учиб борар ва бирор нарсага зориқиб қолмадими, деб сўради. Номи Париждаги катта-кичикнинг тилида такрорланган ўша тунда Дюма онасининг каравоти ёнида полга кўрпача тўшаб ётиб қолган ва тонг отирган.

Дюма ўз китобларининг қаҳрамонларини худди ҳаётдагидек тирик деб ҳисоблаган. Уларнинг тақдирини тўғрисида фикр-мулоҳаза юритган. Қаҳрамонларни шу қадар жонли ҳамда ёрқин гавдалантирганки, орадан юз йилдан ошиқ вақт ўтишига қарамай, улар ҳозиргача бизни мафтун этади. У ёзаётган воқеаларига шунчалик киришиб кетар эдики, қаҳрамонлар билан бирга кулиб, улар

билан ҳазил-ҳузил қилар, уларни гўё ёзув столининг нариги томонида ўтирган, деб ҳис этарди.

Аксарият ёзувчилар ўз ишини оғир синовдан иборат, деб ҳисоблашади. Аммо Дюма буни, узундан-узоқ қизиқарли воқеалар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни бир шодага тизиш вақт ўтказишнинг ажойиб гашти, деб билган. У актёрларнинг сайёр труппасида театр экипажида (аравасида) ва отда бутун Европани кезиб чиққан эди. Айнан ана шу пайтда, яъни бир вақтнинг ўзида Дюманинг бешта асари газета саҳифаларида чоп этилди. У ўзининг асарларини ўқиб чиқиш учун вақт топа олмасди. Аммо кўлида тўппонча ёки қилич тутган ҳолда йигирмата дуэлда иштирок этиш учун фурсат топган.

Йиллар ўтган сайин у шароб, аёллар ҳамда қўшиқлар ортидан кетди, деб ўйларсиз? Ҳеч ҳам-да, асло! Дюма ичмади ҳам, куйламади ҳам. Аммо аёллар масаласига келганда, у юқори доирани кўзлаган эди.

*У асраб қўйган
қимматбаҳо
бойликлари ва, ҳатто
пальтосини ҳам
истиқомат жойи учун
тўлашга мажбур
бўлди.*

Муваффақият тамойиллари

Париж барчага шафқат юзасидан марҳамат кўрса-тади. Аммо Дюманинг ишқий ҳаёти бу шаҳарда шов-шув бўлиб кетди. Сўнг жанжалга айланди. Иш шунгача бориб етдики, ҳатто Дюманинг ўғли ҳам қаҳр-ғазабга тўлиб, отасидан юз ўгирди.

Дўстларидан бири қоқ туш пайтида машҳур романнависнинг ҳузурига кирганида, унинг қизлар билан ўтирганини кўриб, оғзи очилиб қоли.

Олтин излаб кирганлар Дюманинг бор-будини ағдар-тўнтар қилишган, аммо ҳеч вақо топа олмай, нафрат ва заҳархандалик билан уни тарк этишган.

Дюма умрининг адоғини камбағаллик, яккалик ҳамда ўз ҳолига ташлаб қўйиш даражасида ўтказди. У асраб қўйган қимматбаҳо бойликлари ва, ҳатто пальтосини ҳам истиқомат жойи учун тўлашга мажбур бўлди. Агар ўғли отасининг қарзларини баққолга тўламаганида, Дюманинг очликдан ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Отасининг ўлиmidан сал аввалроқ ўғли унинг қўлида “Уч мушкетёр” китобини кўриб қолади. “У сизга ёқадими?” — деб сўрайди отасидан. “Мен “Уч мушкетёр”ни яхши кўраман, — деб жавоб беради мўйсафид. - У жуда қизиқарли”.

Мен тўла-тўкис Дюманинг фикрига қўшиламан. Агар сиз яна хурсанд бўлишни истаб, завқ-шавқ туймоқчи бўлсангиз, қўлингизга “Уч мушкетёр”ни олинг-у, қайтадан ўқиб чиқинг. Бу асар яратилгандан сўнг яна миллионлаб бошқа роман ва қиссалар ёзилди. Аммо улар аллақачон унутилишга маҳкум этилган. “Уч мушкетёр” эса ўлмаслигича қолаверади. Яна юзлаб йиллар ўтар, аммо сизнинг набира-ю, абира, эвараю ундан ҳам жажжи бегоналарингиз тунлари ўтириб, бу китобдан кўз узишмайди, ундан чалғиб кетишга куч топа олишмайди.

БОЛТА КЎТАРГАН АЁЛ

1901 йил 21 январда Канзас штатининг Вичита шаҳри кўчаси бўйлаб Америка тарихида мутлақо ноодатий бўлган бир аёл кезиб юрарди. У “Исо Масиҳ аскарлари, олға!” кўшигини куйлаб, қўлида тутган болтасини ҳар томонга сермар эди. Аёл Дуглас кўчасида жойлашган Жим Бэрн баригача бориб, ёпиқ эшик тирқишидан ичкарига киришга уринар экан, болтасини боши узра ўйнатиб, йигилганларга қарата мурожаат қилди:

— “Бу — Яратгanning қўли! Эркаклар, мен сизларни бадмаст дўзахдан халос этиш учун шу ерга келдим!

Майхонада кунда ўтирадиган эркаклар ўзларини орқа эшикка урдилар.

Пештахта ортида бошини чиқариб турган майхона сотувчиси ҳимоясиз қолиб, Кэрри Нейшн пиво шишаларини қай тарзда чилпарчин қилаётганини, қўлидаги болта билан виски идишларини майдалаётганини кузатиб турарди. Бир неча дақиқадан сўнг мазкур бино худди Канзас довулига учрагандек бўлди-қолди.

Ҳа, бу ҳақиқатдан ҳам довул. Фақат юбка кийган довул эди. Шундай қилиб, спиртли ичимликларни ман этиш ташаббускорларидан бири Кэрри Нейшн уруш сўқмоқларига чиқди. Телеграф бу янгиликларни бир онда бутун дунёга тарқатиб юборди.

У ўзининг гайрат-шижоати ва хатти-ҳаракатларининг кучи билан мамлакатда 17 йил муқаддам қабул қилинган “Ичимликларни ман қилиш тўғрисидаги қонун”ни қўллаш учун жамоатчилик қаҳр-ғазаби тўлқинини қўзғатишга ёрдам берди.

Кэрри Нейшн томонидан қовоқхоналарни ёқтирмаслик сабаблари талайгина эди. Виски уларнинг оиласини барбод этди. Эри ароқхўрлик туфайли ўлди.

Оилада бир чақа ҳам пул йўқ. Гўдак эса она қўлида қолаверди.

У биринчи марта Канзасдаги пиво барларини муножот ва ваъз ўқиш ёрдамида беркитишга уринган. Бу ишни амалга ошириш мақсадида тўғридан-тўғри у ёки бу бар қаршисидаги кўприк устида орган ўрнатиб, унинг товуши остида тоат-ибодат ўқиди, жамоатчилик ҳис-туйғуларини жунбишга келтириб, мурожаат қилди. Гарчи жуда ғалати кўринса-да, худди шундай йўл билан бир неча пиво барларини беркитишга муваффақ бўлади. Аммо бундай усул ҳаддан зиёд кўп вақтни талаб қилар эди. Ваҳоланки, ҳаракат қилиб қолиш керак эди. Натижада у

пиво барларига болта ва гишт парчалари билан ҳужум бошлашга уринди. Албатта, Кэрри қонунни бузаётганини яхши англаган. Шу билан Канзасда ҳам йигирма йил номигагина амал қилган алкоголь ичимликларни сотишни ман қилиш тўғрисидаги қонунни бузаётганини ҳам биларди.

У жавобгарликдан қўрққан эдими? Ҳеч

қачон! Кэррини оёқлари остига олиб, этиклар билан тепишди. Узун сопли қамчилар ва дарралар билан калтаклашди. Суякларини синдириб, ўлар ҳолатга олиб келишди. Аммо уни ҳеч нима тўхтата олмади. Кэрри Яратганнинг амри билан ҳаракат қилаётганига ишонар эди. Ўзининг сўзларига қараганда, Худо унинг ҳузурига шарпа сифатида келиб, айнан шундай ҳаракат қилишини айтган. Баъзан муқаддас “Ин-



жил” китобини очганида, фаришталарнинг қаноти шитирлаганини эшитган. Баъзида эса “Инжил”нинг ҳар бир сўзи худди люминесцент лампа ёруғлигидай ёғду берган (люминесценция — газ, суюқлик ёки қаттиқ жисмнинг совуқ ҳолда нур сочиши, нурланиши). Уни турмага тиқишдан ҳеч қандай маъно йўқ эди. Чунки Кэрри дарҳол куйлаш ҳамда Худога ҳамду сано ўқишга киришиб кетарди.

“Менга нима қилиш кераклигини уқтирманг, мен онангиз билан тенг ёшдаман”.

Уни судга олиб келишганида, адвокат хизматидан фойдаланишдан воз кечди, ўзининг ҳимояси учун ўзи отланди. Судья Кэррига Канзас қонунлари бўйича иш кўрмоқчи эканлигини айтганида, у: “Биз бу ишни Канзас қонунлари асосида эмас, балки Яратганнинг қонунлари асосида кўриб чиқамиз”, — деб қичқирди. Шу сўзларни айтиб ўрнидан турди ва “Инжил”ни ўқий бошлади.

Судья Кэррига ўз жойини эгаллашни буюрганида, у судьянинг сўзларини кесиб ташлаган: “Менга нима қилиш кераклигини уқтирманг, мен онангиз билан тенг ёшдаман”.

Биринчи эрининг вафотидан сўнг Кэрри ўқитувчилик қилган. Ўзи, боласи ва қайнонасини боқишга киришди. Орадан тўрт йил ўтгач, у иш жойидан маҳрум бўлди. Шунда тиз чўкиб муножот қилиб, ибодатга берилди: “Эй, раҳмдил Яратганим! Мен бундан кейин қайнонам ва Чарлини боқа олмайман. Ўзинг менга мадад бергин. Балки менинг турмушга чиқишимни маъқул деб биларсан, агар шундай бўлса, розиман. Тўғри, бу ҳолатда менинг кўз остимга олиб қўйганим йўқ. Кимни яхши деб ҳисобласанг, мен учун ўшани танла...”

Бир неча ҳафтадан сўнг Кэрри газета муҳаррири,

фермер ва воиз Давид Нэйшнга турмушга чиқди. Буни у ўзининг Худога қилган мурожаати учун муносиб жавоб деб ҳисоблади.

Кейинчалик Давид Нэйшн Канзасдаги черковга руҳоний бўлди. Шу билан бирга Кэрри ваъз ўқиш санъатида эрига нисбатан ўзининг кўпроқ тушунишини таъкидлаган эди. Шунинг учун у эрига ўзи матн танлаб берар, айрим пайтларда эса унга ўргатиш билан ҳам машғул бўлган. Давид ваъз ўқиган пайтида ибодатга келганларни руҳлантиришга киришар экан, Кэрри ўша ерда ҳозир бўлиб, биринчи қаторда ўтириб, баланд овозда қай пайтда товушни кўтариш ва қаерда янада баландлатиш кераклигини айтиб турар эди. Бундан ташқари қайси пайтда тезроқ ўқиш, қаерида лозим бўлган имо-ишораларни қўллаш керак бўлса, ҳаммасини тушунтирар эди. Хизмат охирига етиб, ваъзни тўхтатиш фурсати етганини англагач, у ён томонга ўтиб, баланд овозда: “Бугунчалик шуни-си етар, Давид!” — деб айтар, борди-ю, эри шундан кейин ҳам ваъз ўқишни бас қилмаса, тўғри унинг олдида бориб, бурни остида турган “Инжил”ни беркитар, шляпасини қўлига бериб, уни уйига қараб олиб кетар эди.

Бир неча ойдан сўнг черков кенгаши Давидга руҳонийлик ўрнини бўшатишни тавсия этди. У бу топшириқни зўр мамнуният билан адо этди.

Орадан бир неча йил ўтгач, улар ажрашдилар. Ўшанда Кэрри шундай деган: “Турмушимизда ҳаммаси бинойи эди-ю, аммо Давид ҳаддан зиёд ланж эди”.

Бу хотинга эр эмас, балки канзаслик хачир керак. Тан олишим жоизки, Кэрри Нэйшн тўғрисида гапириш бошқаларга нисбатан менга анча осон. Гарчи Кэрри Нэйшн мендан эллик ёш катта бўлса-да, у яшаган шаҳарда истиқомат қилдим, у ўқиган коллежда таҳсил олганман. Вафотидан сўнг у Миссури

штатидаги қадрдон гўшам Бельтон шаҳрида дафн этилган. Балки вақти келиб, мени ҳам ўша ерга кўмишар, шунда эҳтимол, мен сон-саноқсиз асрлар давомида Кэрри Нэйшндан бор-йўғи бир неча ярд* нарида ётарман.

Бир куни уни Жанубий Дакотадаги Пьерра шаҳрида кўрган эдим. Ваъз ўқиш жараёнида воиз нимадир деган эди, унинг бу гапи Кэррига ёқмади. Шунда у воизга эътироз билдира бошлади. Воизнинг гапини кесиб, кўтарилган масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта кетди.

Бошқа сафар эса Кэрри тўпланиб турган одамлар орасидаги эркакнинг олдига бориб, оғзидан сизгарасини олиб ташлагани, сўнг уялиш кераклиги, тамаки туфайли итдай сасиганини айтганига гувоҳ бўлганман.

Кэрри Нэйшн от спортдан бошқаларни асло тан олмаган. У Кентуккида туғилгани боис югуришни яхши машғулот деб ҳисоблаган. Кэрри кўча-кўйда ёш жувонларни тўхтатиб, уларга ёш йигитлар билан сайр қилишдан эҳтиёт бўлиши кераклигини таъкидлаганини ҳам кўрганман.

Нью-Йоркда отлар кўргазмаси ўтаётганида хурматли жаноб А.Вандербилдни ҳамманинг олдида шарманда қилиб, бу вақтда мувофиқ бўлмаган костюмни кийиб келгани учун қоралаб ташлаган. Шу тариқа зўр муваффақият қозонган.

Хўш, Кэрри Нэйшн ўзининг хатти-ҳаракатлари учун ҳисоб берармиди, деб сўрашингиз мумкин. Шуниси борки, унинг қизи руҳий беморлар шифохонасига юборилган эди. Шу орқали онаси ҳам тўла-

*Шуниси борки,
унинг қизи руҳий
беморлар шифохонасига
юборилган эди. Шу
тариқа онаси ҳам
тўла-тўқис ақли ноқис
бўлиши ҳам мумкин.*

* Ярда — 91,44 см.га тенг узунлик ўлчови.

тўқис ақли ноқис бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо айтинг-чи, орамизда кимнинг ақли расо бўлиши мумкин?

Кэррининг қалби эзгулик билан тўлиб-тошган эди. Масалан, унинг отаси бир олам қарзини уза олмасдан дунёдан ўтди. Гарчи ҳеч ким Кэррининг зиммасига бу мажбуриятни юкламаган бўлса-да, у отасининг барча қарзларини узди. Бунинг учун ўн беш йил керак бўлди.

Кейинги йилларда у бир неча йиллик умрини омма олдида маърузалар ўқиш билан ўтказди. Тушган пулларни эса етим-есир ҳамда оч-наҳор кишиларга тарқатиб берарди. Канзас шаҳрида ўз маблағи ҳисобидан бева аёллар ҳамда ароқхўрларнинг болалари учун бошпана қуриб берди.

Кэрри Нэйшн Канзас текисликларида ўзининг ароқхўрликка қарши жўшқин фаолиятини бошлаганида, бу ҳаракат билинар-билинемас оқадиган ирмоққа ўхшарди. Кэрри Нэйшн уни бўронли оқимга айлантириб, кейинчалик бу ҳол мамлакат конституциясига ўзгартириш киритишни тақозо этди.

Канзас штати ўзининг энг катта қатновли кўчаларидан бирини Кэрри Нэйшн шарафига унинг номи билан атади. Мазкур кўчани Кэрри болтасининг сурати билан безаб туради.

МИНГЛАБ МИЛЛИОНЕРЛАРНИ ЕТИШТИРИБ, ЎЗИ ЭСА ТЕШИК БОШМОҚДА ДУНЁДАН КЎЗ ЮМГАН ОЛИФТА

“Жон Ло (1671-1729). Молиячи Ло тизими-ни яратган. Бу тизим таъминланмаган қоғоз пуллар муомаласига асосланган эди. Қоғоз пуллар ўз-ўзидан муайян қимматга эга эканини ҳисобга олган Ло уларни ишлаб чиқаришни кучайтириш ишчанликни ошириб, миллий бойликни кўпайтиришга олиб келади, деб таъкидлаган. Лонинг таклифи Франция ҳукуматининг турли доирадаги кишилари томонидан қўллаб-қувватланди, чунки мамлакат молиявий ҳалокат арафасида турган эди”.

(“Катта қомус”дан)

Икки юз йил муқаддам Парижда “Гўзал Жон” исмли шотландиялик йигит пайдо бўлди. Ҳеч ким билмайдиган, бу ерда на дўсти, на таниш-билиши бўлган бу йигит Франциянинг молиявий диктаторига айланишга муяссар бўлди. Бундан ташқари у Европанинг энг қудратли одамига айланди. Орандан ўн икки йил ўтгач, шарманда бўлиб, ғазабга тўлган, қонини ичиш ҳамда уни бўлакларга бўлиб ташлашга тайёр оломоннинг тазйиқи остида бу ердан қочиб кетди.

Шотландиялик бу пўрим йигитнинг тақдири охиروқибатда энг қизиқарли, ҳар қандай саргузаштбоп воқеаларни ҳам йўлда қолдириб кетадиган даражада бўлиб, бутун дунёни лол қолдирган.

Жоннинг телбаларча тузган лойиҳалари француз миллатининг деярли ярмини ночорлик гирдобига ташлаган бўлса, у ташкил этган “Миссисипи” компанияси совун кўпиги мисоли ёрилиб кетган, йирик

молиявий қаллобликни ўзида жамлаган эди.

Жон Ло ўн икки ёшга тўлганида, ёшидан анча ўзиб кетган, математикадан ўзини намоён этган, “Эдинбург” университети профессорларини ҳайратда қолдирган эди. Ўн етти ёшга кирганида, у учига чиққан олифта бўлиб, ясама гажак соч таққанча, алвон рангдаги шойи либосга бурканиб, уялмай- нетмай мамнуният ила гулларни узиш билан машғул бўлган. Йигирма ёшга тўлганида, у мисли кўрилмаган қиморбозга айланиб, қарта сузиш ва чийлаш ҳамда соққа ташлаш бўйича мукамалликка эришди.

Йигирма олтига кирганида эса, Жон бир кекса жентльменнинг маъшуқасини яхши кўриб қолди. Бу ҳақда эшитган, қасос олиш ўтида ёнган, изтиробга тушган жентльмен ёш шотландияликни дуэлга чақирди. Ўша пайтда Лондон узра қалин туман қопланган эди. Олишув пайтида Жон Ло найза билан бу рақибини ярадор қилди. Қотилликда айбланиб, дорга осиш жазосига ҳукм қилинди. Аммо дорга чиқишдан икки кун олдин у кўриқчиларни ҳаддан зиёд

*Нархлар осмонга
чиқиб кетди. Омма эса
бу текин даромад
илинжида ақлдан озиб
қолаёзди.*

кўп ичириб, занжирдан бир амаллаб суғурилиб чиқди. Турма деворларидан бир амаллаб ошиб ўтгач, Францияга қочиб кетди.

Бу пайтда Франция даҳшатли воқеаларни бошдан кечираётган эди. Париж кўча-

ларини оч-наҳор одамлар тўдаси босган, улар нафрат ва қаҳр-ғазабга тўлиб, қирол Людовик XIV нинг ҳайкалини пойдеворигача қўпариб ташлагандилар. Янги ҳукуматдан мамлакатни очлик ва вайронликдан қутқариш учун зудлик билан шошилиш чоралар кўриш талаб қилинарди.

Ана шу аснода Парижда ўзининг бийрон тили ҳамда дадил ва радикал ғоялари билан Жон Ло пайдо

бўлди. У мавжуд аҳволни тузатиш учун ҳукуматдан бирмунча миқдорда қоғоз пулларни чиқаришни сўраб, ишонтирди. Нарх-наволар ошиб кетди. Бизнес кучайди. Яна бахтли кунлар келди. Ҳамма пўрим ва олифта Жонга худди сеҳргарга қарагандек боқарди. У ўз фаолиятини авж олдириб, улкан “Миссисипи” компаниясини таъсис этди. Мазкур компания ўзига хос индустриал саккизоёқ бўлиб, унга Хитой, Ҳиндистон, жанубий денгизлар ороллари, Канада ва Америкадаги барча француз мустамлакалари билан қатъий савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи берилган эди.



Жон Ло ўзининг лойиҳаси борасида энг тантанали оҳангда лоф-қоф уриб, анчагина шовқин-сурон кўтарди. Луизиана бой олтин ва зумрад захиралари билан унга замонавий Эльдорадо бўлиб қолди. У қиролларга хос бағрикенглик ва хайру саховат билан ўз лойиҳаси туфайли 120 фоиз дивиденд тўлашни кафолатлади. Нархлар осмонга чиқиб кетди. Омма эса бу текин даромад илинжида ақлдан озиб қолаёзди. Герцог ва графлар, идиш-товоқ ювувчилар ва кўча каллакесарлари бир-бири билан тап тортмай жангга киришиб, тезроқ Ло банкига бориб, ундан мумкин қадар кўпроқ акция сотиб олиш пайига тушдилар. Оломоннинг жазавага тушиши ва ана шу ур-йиқити ортида анча-мунча одамлар ҳалок бўлди. Ҳукумат эса ҳамма жойда чоп қилинадиган дастгоҳларни чиқариб, қоғоз пулларни боса бошлади. Айни вақтда эса

Жон Ло тўхтовсиз равишда ўзининг акциялари сонини кўпайтириб борди. Бутун Францияда худди бўрон каби молиявий бўҳрон авж олди. Ҳар ким қандай истаса, шундай бойий бошлади. Хизматкорлар ва отбоқарлар қимматбаҳо қоғозлар билан савдолашиб, эрталаб уйғонганимизда, миллионер бўлиб қоламиз, деб ишонардилар.

Операга келган герцогинья ёнидаги ложада унинг собиқ аёл ошпази олмосларга бурканганча ўтирганини кўриб, ҳайратга тушарди. Париж кўчалари бамисоли карнавал томошалари ўтадиган масканга ўхшаб қолган эди. Унинг икки чеккасида зудлик билан қурилган тамаддихона ва қандолат дўконларида интермедия ва сахна кўринишлари ҳам намойиш қилинарди. Қиморлар гилдираги айланар, киссавурлар бутун Европадан ёпирилиб, эсанкираб қолган оломон ҳисобидан бўкканча овқатланиб, семирар эди.

Парижнинг аҳолиси қисқа вақт ичида уч юз минг кишига кўпайиб кетди. Меҳмонхоналар ҳамда кечаси тунайдиган уйлар худди казарма каби тўлиб-тошди. Эпчил уй бекалари айвонлар, ошхоналар ва, ҳатто отхоналарда қўшимча ўринлар тайёрлаб, бойлик тўплашга киришгандилар.

Кўчалар от, араваларга тўлиб-тошган, ҳаракатланишнинг энг яхши воситаси кишининг ўз оёқлари бўлиб қолганди. Нархлар янада ошди. Унинг ортидан эса даромадлар ҳам осмонга сапчиди. Фабрикалар эртаю кеч тўхтовсиз гувиллар, ҳамма жойда виллалар қад кўтарган эди. Бутун Франция вақт аравасига тушиб, олға кетаётганга ўхшарди.

Шундан сўнг дастлаб, зўрға эшитиладиган кулфатнинг яқинлашаётган овози белги берди. Қудратли шахзода Конти хуружга келиб, ғазаб ичида учта фургон аравани ассигнация (қоғоз пул)лар билан тўлдиранар экан, уларни дарҳол олтинга алмаштириб

беришни талаб қилиб, банк томон юрди. Бошқа киши, анчайин таниқли жаноб ўз тасарруфидаги жуда қимматбаҳо буюмларини аравага юклаб, уни сомон билан беркитди ҳамда деҳқонча кийиниб, оёғида ёғоч ковуш кийганча чегарага, Бельгияга қараб йўл олди.

Жон Ло лойиҳаси барбод бўлди. Унга нисбатан қизиқиш қандай пайдо бўлган бўлса, шу тариқа фожиали тарзда йўқолди. Банк тўловларни тўхтатди. Олифта Жон шармандаларча ўз мансабидан бўшатилди. Бутун Францияни ваҳима қамраб олди. Яқиндагина муштини дўлайтириб, акция олиш учун ўзига йўл очган оломон худди шу тариқа куч билан Жонни қўлга олиш ва пулларини қайтариш учун жонсарақ ҳолда интиларди.

Қаҳру ғазаби ошиб кетган тўда Жоннинг уйи деразаларига тош отиб, жонингни суғуриб оламиз, деб таҳдид қилмоқда эди.

Ваҳимадан, даҳшатдан қалтираган Жон барча хазинасини қолдирганча Франциядан қочиб кетди. Унинг ғоят ажойиб мол-мулки, иморатлари миллион фунт баҳосида мусодара қилинди. Китоблари, мебель ва кумушдан иборат ошхона ашёлари ким ошди савдоси орқали сотиб юборилди. Жоннинг хотини ва болалари тиланчи ҳолига тушиб қолишди.

Орадан тўққиз йил ўтгач, олифта Жон Ло, яқинда бой-бадавлат ҳамда ҳар қандай қиролдан қудратлироқ бўлган киши Венада дўстларисиз ва пулсиз ҳолда дунёдан кўз юмди. Бу пайтда унинг уринган ҳамда яроқсиз ҳолга келиб қолган пойафзалининг таги тешилиб кетган эди. Жон Ло шу даражада ночор аҳволга тушгандики, ўлишга тўғри келган хонани иситиш учун озгина ўтин олишга ҳам бир чақаси йўқ эди.

ДАНФИЛЛАМА КОШОНАДАГИ ДОНИШМАНД

Бир неча йил муқаддам телеграфчиларнинг ғарбий иттифоқи радио орқали эълон тарқатиб, Лоуэлл Томас номига юбориладиган барча телеграммалар бир оқшом давомида бепул қабул қилинишини маълум қилди. Шу ондаёқ бутун Америка бўйлаб симдан хабарлар гувиллаб тарқалди. Унинг номига келган мактублар тўлқини ҳамма жойни босиб кетди. Умумий ҳисобда, телеграммалар чорак миллиондан кўпроқ эди.

Лоуэлл Томас — мен билган одамлар орасида энг ўзгача шахс. У шунчалик кўп китоб ёзганки, уларнинг ҳар бирини номма-ном эслаш қийин. Томас инглиз тилида гаплашадиган мамлакатлардаги салкам тўрт минг нафар одам билан юзма-юз туриб, тўрт мингдан зиёд марта учрашувлар ўтказган.

Мен Лондонга келган пайтимда, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой Лоуэл Томаснинг Аленбаумнинг Фаластиндаги ноодатий компанияси, Лоуренснинг Арабистондаги тадқиқотлари хусусидаги маърузаларини

*Томас Афғонистоннинг
ёввойи ялангликларида
бўлиш тўғрисидаги
рухсатномани олишга
муяссар бўлган
америкаликлардан
биринчиси эди.*

эшитиш учун бир неча мавзе нарида навбат кутганча, соатлаб сабр қилиб турган кишиларни ўз кўзим билан кўрганман.

Томаснинг олтин қидирувчи, чўпон, репортёр ва муҳаррир ҳамда коллеж профессори бўлишига тўғри келган. У Ев-

ропа, Осиё, Африка, Аляска, Австралия ҳамда етита денгиз оролларида етти йилни сарсонликда ўтказди. Уэллс шаҳзодаси билан биргаликда Ҳин-

дистонни айланиб чиқди. Томас Афғонистоннинг ёввойи ялангликларида бўлиш тўғрисидаги рухсатномани олишга муяссар бўлган америкаликлардан биринчиси эди. У ўзини кузатаётган гуруҳ билан бирга британ, француз, белгиялик, итальян, серб, америка ва араб аскарларининг жанговар ҳаракатларини суратга туширди. Ҳиндистон ҳукумати унинг ихтиёрига махсус поезд ва дарё пароходи ажратди ҳамда бу ноёб кўринишлар ва мазкур мамлакат одамларининг ўзига хос қирраларини тасмага муҳрлаш учун филлардан иборат карвон берган эди.



Ўз даврининг энг яхши сухандони ва радиошарҳловчиси сифатида у маълум вақт Принстон университетида нотиқлик санъатидан дарс берган. Томас ҳар куни фақат миллионлаб америкаликлар учун янгликларни айтиб қўя қолмайди, балки унинг овози бутун дунёга тарқалади. Томаснинг овозини австралиялик чўпонлар билан “Синг-синг” номи билан танилган қамоқхона маҳбуслари ҳам эшитадилар. Унинг почтасига жанубий Африкадаги олмос конларининг шахтёрлари ва Сингапурдан денгиз капитанлари ёзган мактублар ҳам келиб тушади.

Жаноб Томас маъруза қилгудай бўлса, халқ ҳар томондан тўда-тўда бўлиб йиғилади. Масалан, мен Пенсильвания штатидаги Аллентаунда етти минг нафар киши унинг товушини яхшироқ эшитиш учун йўлга тушганига гувоҳ бўлганман. Худди шундай воқеалар кейинги ўн беш йил давомида Бостондан тор-

тиб Эдинбургга қадар, Сан-Францискодан тортиб Мельбурнга қадар давом этди.

Ўшанда Томас неча ёшда эди, деб ўйлайсиз? Айримлар санаб ўтилган бундай муваффақиятларга эришиш учун ҳеч бўлмаганда, Бернард Шоу каби соч-соқоли оқарган ёшда бўлмоғи керак, деб фикр юритишади. Йўқ, ўша вақтда Лоуэлл Томас олтишга ҳам тўлмаган, сочига бирорта ҳам оқ мўй ораламаган эди.

Мен биринчи марта у билан Принстон университети талабаси эканлигида учрашган эдим. Томас ўша вақтдаёқ конституциявий ҳуқуққа бағишланган диссертацияси устида иш бошлаган. Томасда ҳали пул

Бир вақтнинг ўзида ўт ёқувчи, ошпаз, официант бўлиб ишлади. Шуниси борки, у маълум вақт профессорнинг сигирини боққан, савдо билан шуғулланган, ўқитувчилик ҳам қилган.

ҳам, шон-шуҳрат ҳам йўқ эди. Унда бу қадар муваффақиятга қандай мушарраф бўлди, деган савол туғилиши мумкин. У илгари қанчалик хушвақт, хушмуомала, камтар, очиқ ва камсуқум бўлса, ҳозир ҳам айнан шундай эди.

Томаснинг Нью-Йорк ҳудудида эътиборга молик данғиллама кошоналари бор. Шу билан бирга у ўзининг 300 акр ерда жойлашган фермасида вақтини хушҳол ўтказди. Ушбу маскан Нью-Йоркдан 70 миль шимолда жойлашган. У ўша томонга қараб интилади.

Томас ўзининг радиодаги эшиттиришларини роп-па-роса соат еттида тугатади, охирги поезд эса унинг йўналиши бўйлаб беш дақиқадан кейин жўнайди. Демак, вокзалга томон қанчалик ошиқмасин, унинг транспорт ёрдамида тиқилинч кўчада поездга етиши амримаҳол. Шунинг учун Нью-Йорк темир йўл марказий маъмурияти фармойиш чиқариб, соат ет-

тида жўнайдиган электричка Лоуэлл Томасни олмасдан жўнаб кетишини тақиқлаган. Умуман, тунни ҳамда куннинг ярмини ўз фермасида ўтказиш учун ҳар доим Томасга 140 миль доирада юришига тўғри келади.

Томас ўз фаолиятини ўн ёшида Колорадо штатининг ўйин заллари ва салонларида газета сотишдан бошлаган. Деворлари тўппончадан отилган ўқлар туфайли илма-тешик бўлиб кетган олтин қазиб чиқарувчи корхона ҳам шу ҳисобга киради. Шуниси ҳам борки, Томмининг ўзи чекмайди, ичмайди. Томас учун оила асосий ўрин тутади. У Колорадо штатидаги қизга уйланган. Оилада битта ўғил бор.

Сухандон ва шарҳловчи сифатида Томас бир кунда 100 фунт олади. Шахсий учрашувларда у жуда кам гапиради, бошқаларни эшитишни афзал кўради.

Мен Томасни қишки оқшомларда кўрганман: у полда кучуклари билан бирга ётганча, каминдаги оловга термилиб, жимгина сукут сақлайди.

Томмининг ўқиш учун ҳеч қандай имконияти йўқ эди. Шунинг учун у тўртта университетда таҳсил оладиган вақтни ўтказиб юборди. Бир вақтнинг ўзида ўт ёқувчи, ошпаз, официант бўлиб ишлади. Шуниси борки, у маълум вақт профессорнинг сигирини боққан, савдо билан шуғулланган, ўқитувчилик ҳам қилган.

Томмининг фермасида сигирлар подаси ҳам бор. Уларни Томми соғадими-йўқми, бу ҳақда аниқ айта олмайман. Агар сиз уни кўрмоқчи бўлсангиз, сигирлар боқиладиган оғилдан ахтармай қўя қолинг. Томмини кўпроқ сузиш ҳавзасидан ёки ўзининг қундузлари, сассиққўзанлари, тулкичалари билан қизиқиб ўтирган ҳолда кўриш мумкин. Унинг ёнида баъзан айиқ ҳам бўлади. Томасни от миниб турган ҳолда учратишингиз ҳам мумкин.

Бир куни Нью-Йорк шаҳар полиция департа-

менти ихтиёрига иккита мустанг, яъни ёввойи от тушиб қолди. Жониворлар шунчалик ёввойи ва асов эдики, улардан шаҳар шароитида фойдаланиш жуда хавфли эди. Мустанглардан бири назорат остидан чиқиб кетиб, Бешинчи авеню чеккасига қадар қочиб борди (авеню — икки чеккасига дарахтлар ўтқазилган катта кўча). У полициячилар сафини бузиб, ҳатто улардан биттасини кўприкдан йиқитиб юборди. Полициянинг Томмига мурожаат қилишдан бошқа иложи қолмади ва у ишга киришди. Мустангларни Беркшир тепаликларига қадар қувиб боришга тўғри келди. Бу жараён мустанглардан бир томчи тер қолгунича давом этди. Худди шу тарзда ёввойи отларни бўйсундиришга тўғри келди.

Томас мен учратган кишилар орасида энг кўп банд бўлган одамлар сирасига киради. Шу билан бирга у ҳеч қачон шошмайди. У ҳамиша хотиржам, диққат-этиборини бир жойга жамлаган. Шундай вақтда қиш фаслидаги бир кун ёдимга тушади.

Биз Томмининг фермасида бўлганимизда, Нью-Йорк поездига улгуришимиз керак эди. Агар нонушта қилиб оладиган бўлсак, йўлга энг камида етти дақиқа қолишини ҳисоблаб кўрдик. Шунинг учун ҳаммамиз шошилдик. Аммо Томми бундай қилмади. У бемалол ошхонага ўтди. Ҳаммадан олдин каминни ёқди. Чунки одати бўйича Томми овқат тановул қилаётганида, оловга қараб ўтирарди.

Лоуэлл Томас, назаримда, автомобилдан кўра аввал самолётни бошқаришни ўрганган ягона одам бўлса керак.

ЗАНЖИРБАНД САЁҲАТЧИ

Ҳар йили 12 октябрда Америка қитъаси аҳли ўз тарихидаги энг машҳур воқеалардан бири — қитъанинг Христофор Колумб томонидан кашф этилишини нишонлайди.

Аслида буни 12 да эмас, 23 октябрда байрам қилиш керак. Гап шундаки, биз, ҳаммамиз григориан тақвими бўйича яшаяпмиз, Колумб эса ўз даврида бундай тақвим мавжудлиги тўғрисида тасаввурга ҳам эга бўлмаган, чунки мазкур тақвим унинг вафотидан юз йил ўтгач, ишга тушган. Америка колонияларига келганда эса, шуни айтиш жоизки, улар фақат 1752 йилга келиб бу янги тақвимга ўтишди. Яъни, вақт ҳисобини 11 сутка олдинга қараб сурдилар. Нима учун? Чунки аввалги тақвим айнан шу даврда қуёш кўрсаткичларидан анча орқада қолиб кетди. Ана шу жиҳатдан жорий тақвимга мувофиқ, Колумб Американи 12 октябрда эмас, 23 октябрда кашф этган бўлиб чиқади.

Колумб ёшлигида биринчи марта қароқчилар кемасида денгизга чиққан. Бу ўша пайтда энг намунали оила фарзандларининг ҳам орзуси эди. Қароқчилар байроғи остида денгизда сузиш ўсмирда ўз кучига ишонч, дунёни кўриш, қандайдир шахсий мавқега эга бўлиш имкониятини берарди. Бу ҳолат алоҳида мартаба ҳисобланар, денгиз билан алоқадор фаолиятда жамоатчилик ҳеч қандай иснод, шармандаликни кўрмас эди.

Колумб ўқувчилик йилларида Пифагор дарслигидан, ер шар шаклида, деган фикрни ўзлаштирган эди. Бу ғояга мувофиқ у шундай хулосага келдики, ҳаммага маълум ақидалан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқа, яъни Ҳиндистонга анча қисқа йўлни топиш мумкин эди.

Лекин университет профессорлари ҳамда файла-

суфлари бундай фикр-мулоҳазалар устидан мазах қилиб кулдилар: “Наҳотки бу нодонларча мулоҳаза юритган аҳмоқ Шарқда жойлашган Ҳиндистонни Фарбга бориб, яъни қарама-қарши томонга йўл олиб, қўлга киритишни ўйлаётган бўлса? У ҳеч ким эмас, шунчаки ойпараст”. Уларнинг зўр бериб таъкидлашича, “Ер юмалоқ эмас, балки ясси, шу боис Колумбнинг гапига риоя қилиб, изидан бориш, бу - онгли равишда ўз-ўзини ўлдиришдир. Ёки кемалар ернинг энг чеккасигача бориб, чексиз-чегарасиз бўшлиққа кириб кетаверсин”.

Узундан-узоқ ўн етти йил давомида Колумб кунт билан ўзининг саёҳатини молиялаштирадиган бирор-бир кишини топишга ҳаракат қилди. Аммо барча саъй-ҳаракатлари самарасиз тугади. Охири у ҳаммасига қўл силтаб, қолган кунларини ибодатхонада



биқиниб ўтказишга қарор қилди. Ўша пайтда у эллик ёшга ҳам тўлмаган. Аммо шафқат билмас умидсизликлар ҳамда ташвиш-тахликалар оқибатида сочлари бамисоли қор каби оқариб кетди.

Ниҳоят, Рим папаси испан қироли-

часи Изабелладан Колумбга ёрдам беришни сўраб, илтимос қилди. Қиролича юборган 13 фунтга Колумб устидаги жулдур кийимларини ташлаб, янги костюм ва эшак харид қилди. Шу аснода йўлдаги хайр-садақа ҳисобига кун кўриб, саройга етиб олди.

Қиролича Колумб зориққан кемаларни ажратиб берди. Аммо жамоани танлаш имконияти йўқлиги туфайли иш тўхтаб қолди. Нотаниш йўлга отланиш-

дан ҳамма қўрқарди. Шунда Колумб шаҳарнинг бандаргоҳга яқин қисмидан бир неча денгизчини куч билан мажбурлаб олди. Ҳатто, у мушти ёрдамида сотиб олиш ҳамда таҳдид қилиш йўли билан иш юритди. Колумб, ҳатто қамоқхоналарни кўздан кечириб, маҳбусларга озодлик бериш ҳисобига уларни кема экипажи таркибига киритишга ваъда берди.

Ниҳоят, саёҳатга доир ҳамма иш пишди. 1492 йил 3 август, пайшанба куни учта кема ва саксон саккиз кишидан ташкил топган флотилия қуёш чиқишига ярим соат қолганида йўлга тушди. Бу инсоният тарихидаги энг машҳур саёҳат эди.

Аммо Колумбнинг Янги дунёга асос солган колонияси унга азоб-уқубат ва тушкунликдан бошқа ҳеч нимани бахш этмади. Улар илк бор забт этган барча кишилар ҳиндулар томонидан қириб ташланди. Иккинчи колония губернатори Колумбга шу қадар ғараз ва нафрат билан муносабатда бўлдики, уни турли-туман жинойтларда айблаб, қамоққа олди ҳамда занжирлаб, орқага, Испанияга қайтариб юборди. Колумб мамлакатга келган заҳоти озод қилинди, албатта. Аммо бундай кўнгилсизликлар билан боғлиқ асаббузарлик унинг юрагини бутунлай ишдан чиқарган эди.

Колумб 55 ёшида вафот этди. У ўлганида ҳеч ким эътибор бермади, йиғламади, шоирлар тилга ҳам олишмади. Колумб ғарибона ташландиқ хонада дунёдан кўз юмди. Деворда у қамоқхонада таққан занжири осиглиқ турарди. Колумб уни биз яшаётган дунёнинг бемаънилиги ҳамда оқибатсизлиги ҳақидаги рамзи сифатида сақлаб қўйган эди.

Ўша пайтда у эллик ёшига ҳам тўлмаган эди. Аммо шафқат билмас умидсизликлар ҳамда ташвиш-таҳликалар оқибатида сочлари бамисоли қор каби оқариб кетди.

Колумб дунё миқёсида энг ҳайратомуз ва матонатли қаҳрамонликни амалга оширди. У бундан қандай хулоса чиқарди экан? Колумб бойликни кўзлаган эди, аммо ночорликда вафот этди. Унга “Адмирал ва Ҳиндистоннинг вице-президенти” унвони ваъда қилинган эди, бироқ мукофотлаш маросими ўтказилмади. Ушбу ваъда қуруқ гаплигича қолиб кетди. Бунинг устига Колумб кашф этган қитъа ҳам унинг номига қўйилмади. Уни харита тузган Америго Веспуччи номи билан аташди.

Колумб учун Янги дунёнинг кашф этилиши фақат ғам-алам, қайғу ҳамда умидсизлик олиб келди. Шу билан бирга у янги қитъани қўлга киритганидан етарли даражада қаноат ҳам топа олмади. Колумб, мен Ҳиндистонга борадиган янги йўл топдим, деб ўйлаган эди, холос. Шунинг учун у ерда яшовчи қизил танли кишиларни ҳиндулар, деб атади.

Тўғри, Колумб Америка қитъасини биринчи бўлиб кашф этган киши сифатида эъзозга муносиб, аммо ҳақиқат аслида бундай эмас.

Гап шундаки, унинг дунёга келишидан минг йиллар муқаддам Хитойдаги будда руҳонийси Ху Шин биринчи марта бу қитъага қадам босганди. Орадан беш юз йил ўтгач, скандинавиялик Лиф Эриксон ҳам айнан шу ишни амалга оширган. Бунинг исботи сифатида тарихчилар Массачусетсдаги Чарли дарёси бўйида Лиф Эриксон қурган иморат қолдиқларини кўрсатишади. Гарвард университетидан пиёда борсангиз, мазкур ёдгорликларга яқин масофада етиб олишингиз мумкин. (Энг муҳими, бу қитъани ватандошимиз Беруний хариталар орқали кашф этгани кўпчиликка аён - *таржимон*).

Колумб енгилмас мардлик ва букилмас иродага эга бўлган киши сифатида тарихга кирган. Атрофидаги барча кишилар мақсаддан юз ўгириб чекинганда, у ўз сўзида туриб олган эди. Даҳшат қамраб

олган денгизчилар исён кўтариб, агар ортга қайтмаса, ўлдирмоқчи эканини айтишганида, Колумб фақат битта гапни такрорлаган: “Олға! Олға ва фақат олға!”

БИР ОЛАМ ҚАРЗДАН СЎНГ

Ўша оқшом доктор Франк Бонд ўзининг беморларидан бирини бориб кўрмоқчи эди. У Шимолий Мичиганнинг қуюқ қарағайзор ўрмонларидан бирида жойлашган уйдан йўлга тушаркан, хотини билан хайрлашиш олдидан шундай деди: “Азизам, сен билан хайрлашиш кундан-кунга қийин бўлиб борапти. Ахир дунёда меҳр-муҳаббатдан ортиқ ҳеч қандай туйғу йўқлиги аён, шундай бўлиши ҳам керак. Биз буни яхши биламиз, чунки бир-биримизга бўлган биринчи ҳиссиётимиз ҳануз барҳаётдир”.

Бу докторнинг сўнги сўзлари бўлиб қолди. Орадан беш дақиқа ўтиб, у азоб-уқубат ила яқинлашаётган ўлим чангалига ташланди. Шериклари билан қорда сирпанаётган бир бола Бонднинг орқа томонидан оёқларига келиб урилиб, туртиниб кетган эди. Кутилмаган илкис ҳаракат туфайли доктор мувозанатини йўқотиб, муз устида сирпаниб кетди-ю, бутун оғирлиги билан гурсиллаб йиқилиб тушди. Унинг умуртқа поғонаси синиб, даҳшатли тарзда бу дунёдан кўз юмди.

Доктор хотинини — Кэрри Якоб Бондни ғам-алам, мусибат ичига ташлаб, тул қолдирди. Бундан ташқари, у 800 фунтлик суғурта, бир олам қарз ҳамда кичкина ўғилчасини ҳам қолдириб, оламини тарк этди.

Бу аёлда ҳеч қандай тадбиркорлик қобилияти йўқ эди. У уйни саранжом-саришта қилишдан бошқа ишни билмасди. Дарвоқе, Кэрри уйдаги юмушларни ҳам қийинчилик билан бажарар, чунки азоб берувчи бод касаллиги (ревматизм)

доимий равишда унинг танасидан жонини суғуриб олгудай бўларди.

Шунга қарамай, Кэрри ўзига раҳмдиллик ҳамда ачиниш билан қарашларини асло истамасди. У қариндош-уруғлари ва дўстлари билан хайрлашиб, Чикагога қараб жўнади. Мақсади олдинда турган ғам-ғуссали йилларни кутиб олиш ва унга чидаш эди.

Бу шўрлик бева нималардан умидвор эди, деб сўрашингиз мумкин? У кичикроқ меҳмонхонага эга бўлишни истарди. Аммо харажатларнинг ошиб кетиши туфайли буни уддалай олмади. Шундан сўнг аёл чинни буюмлар сотиш билан шуғулланиб кўрди, аммо ҳеч ким унинг шакардони ва ликопчаларини харид қилишни хоҳламади. Ниҳоят, Кэрри қўшиқ ёзишга уринди, аммо ноширлар ундан бутунлай юз ўгиришди. Эътиборлиси шундаки, ўн беш йилдан сўнг Кэрри Бонд “Ажойиб кун олдидан” деб ном-

ланган қўшиқ ёзди. Ўн беш миллион нусхада тарқалган ҳамда муаллифига эллик минг фунт олиб келган ижод намунаси айнан шу эди.

Аммо дастлабки пайтларда аҳвол бутунлай бошқача эди. Кэрри ёзган

Оғир муҳтожлик ва руҳий азоб-уқубатда қолганига қарамай, Кэрри Якоб Бонд бирор кун ҳам қўшиқ ёзишни канда қилмади.

қўшиғига, ҳатто бир цент ҳам олмаган. Унинг пешонасига иложсизлик ва ночорлик битилгандай эди. Кэррида, ҳатто уй ҳақини тўлаш учун ҳеч вақо йўқ эди. Шу боис, кўчага ҳайдаб чиқаришмасин, дея ўлгудай кўрқарди. Совуқ кунларда Кэрри вақтини асосан тўшакда ўтказишига тўғри келарди. Шу билан иссиқликни сақламоқчи бўларди - Кэрри исиниш учун иккита ўтинни сарфлаш имкониятига ҳам эга эмас эди.

Кўп ўтмай, у кундалик ейдиган таомини ҳам чеклаб, бир кунда бир марта тановул қиладиган бўлди. Қолган мебель ва кумуш тақинчоқларини олибсатарларга сотишига тўғри келди. Шу йўл билан улардан озгина пул олиб, жон сақлади. Аммо ана шундай оғир муҳтожлик ва руҳий азоб-уқубатда қолганига қарамай, Кэрри Якоб Бонд бирор кун ҳам қўшиқ ёзишни канда қилмади. Ажойиб кунларнинг бирида қўшиқлари бутун дунёга таралади, деб умид қилар эди у.

Кэрри қўшиқларни оддий, ўраш учун ишлатиладиган қоғозга ёзарди, чунки ёзув қоғози олиш учун пули йўқ эди. Тежамкорлик мақсадида қўшиқларни шам ёруғида ёзарди.

У ўзининг тароналари учун реклама бермоқчи эди. Аммо мусиқа журналида чоп этиш учун ҳам пул керак. Кэрри муҳаррир аёлнинг бир нечта кўйлагини тикиб берди ва келишилган ҳақни олди.

Дастлабки пайтларда у ўзининг қўшиқлари билан пулли мусиқий кечаларда иштирок этиш учун ортиқча фунт топишга роса қийналди. Кейинчалик номи машҳур бўлгач, Англиянинг таниқли жамоат арбобларидан бири жаноб Франк Макки Кэрри Бондга 20 фунт тўлади ҳамда унинг Англияга бориши учун зарур бўлган барча харажатларини қоплади. Кэрри у ерда ўз қўшиқлари билан 12 дақиқа чиқиш қиларди, холос.

Бонд хоним биринчи марта ўзининг қўшиғини куйлашга уринганида, водевиллардан бирида билиб-билмасдан ҳуштак чалишган. Шунда у шляпасиз, пальтосиз ва юраги аламдан зирқираб, юзларидан кўз ёшларини оқизганича театрдан отилиб чиқди-ю, орқа эшикдан уйи томон борадиган йўлга равона бўлди. Бир неча йиллардан сўнг электр чироқлар унинг номини реклама афишаларида ярқиратиб намойиш этишганида, Кэррининг водевиль томоша-

ларида иштирок этиши учун ҳафтасига 200 фунтдан тўлайдиган бўлдилар.

Бир куни унинг концертига Иллинойс штати губернатори иштирок этадиган бўлди. Афсуски, Кэррининг концертга чиқиши учун бундайроқ қўйлаги йўқ. Шунда у сандигини кавлаштириб, аллақандай мато лахтагини топиб олди ва икки тўр пардага икки ярд сатинни қўшиб, қўйлак тикди.

Бонд хоним ўзининг дўстлари билан икки томони гулзор хиёбон ва тирик яшил деворлар билан ўралган Жанубий Калифорния автомобиль йўли бўйлаб борарди. Бу кун қандайдир мубҳам бахт ато этиладигандек эди. Кечқурун у тоғ тепасида туриб, ҳаяжонланган қўйи қуёш ботишини кузатар, офтоб ўз нуруни уфқдан сахийлик билан ерга таратар эди. Улкан олтин шар аста-секин Тинч океанининг сирлисинаотли тубига чўкди. Ана шунда Кэрри ўзига-ўзи: “Бугун ажойиб кун бўлди”, — деди.

Сўз ва ифода унинг учун бир бутунликни ташкил этди. Ишқ-муҳаббат қўшиғи ва шукроналик туйғуси кўнглида жўш урди. Ўша жойда, илҳом қайнаган шиддатли дамда у икки банд қўшиқ ёзди. Шундан сўнг оҳиста таронани куйлай бошлади.

Қўшиқ шу тарзда дунёга келди.

У ҳеч қандай зўриқишсиз яратилган мўъжаз муסיқий дурдона эди. Кэррига катта ҳаёт, мислсиз машҳурлик насиб этди. Гилберт ва Силливан яратган машҳур “Кичкинтой” қўшиғидан буён унга тенг асар дунёга келмаган эди. Бўлажак президент Теодор Рузвельт Бонд хонимни ўзининг қўшиқларини ижро қилиши учун Оқ уйга таклиф қилди.

Гардинг президент бўлгач, у ҳам айнан шу тарзда иш тутди. “Ажойиб кун олдидан” Гардингнинг энг севимли қўшиғи бўлиб қолди. Шу боис бу қўшиқни якунловчи концертларида доимий равишда ижро этиш учун денгизчилар оркестрига тавсия этган эди.

ЎТТИЗ ИККИ КУНЛИК ЖУМБОҚ

Газеталар дунёдаги қайси аёл учун ўзининг биринчи саҳифасидан кўпроқ жой ажратган, деб ўйлайсиз? Ҳар қандай аёлдан кўра Эйми Семпл Ферсон учун! Унинг номи тилга олинган оддийгина арзимас хат-хабарлар ҳам сон-саноқсиз одамларни тўплар, газета дўкончаларининг олди ур-йиқит бўларди. Масалан, бир неча йил аввал Лос-Анжелес газеталаридан бири ўз репортажида “Эйми Ферсон сочини бўяди”, деб хабар қилган эди. Дарҳол, ўша куннинг ўзидаёқ газетанинг адади уч баробарга ошиб кетди. Унинг ҳаёти гўё “Минг бир кеча” маталларини эслатарди.

Бу аёлнинг ҳақиқий исм-шарифи Эйми Семпл Ферсон бўлса-да, аммо садоқатли издошлари меҳр ила ҳамшира Эйми деб аташарди.

Эйми Канаданинг Онтариодаги Ингерсол қишлоғи яқинида унча катта бўлмаган фермада дунёга келган. Ёшлик йилларида у оқ бия — Флоссини миниб, беш миль нарида жойлашган мактабга қатнарди. Кечқурун онасига идиш-товоқ ювишга ёрдамлашар, сигирларни соғар, оппоқ, илиқ, кўпикли сутга бармоғини тиқиб, бузоқларга тутқазарди.

Ёз кунларининг бирида округга камбағал, у жойбу жойда дарбадар кезиб юрадиган Роберт Семпл деган руҳоний келиб қолди. У ўз вақтида буғ қозонларини тузатувчи уста бўлиб ишлаган эди. Ўша хунари билан маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондирмоқчи бўлди.

Ўша пайтда Эйми ўн етти ёшда эди. Буғ қозонларини ўрнатадиган руҳоний таъсири остида бу қиз черковга аралашадиган бўлди. Унга турмушга чиқиб, биргаликда Хитойга отланишди. У ерда ҳақиқий наслонийлик эътиқодига мурожаат этмоқчи бўлдилар.

Икки йилдан сўнг Эймининг эри ҳаётдан кўз юмди. Ўшанда у, ҳатто йигирма ёшга ҳам тўлмаганди. Эймининг яшаш учун ҳеч вақоси йўқ, қўлида бир гўдаги билан қолди.

У қандайдир хайр-саховат эвазига бир амаллаб Нью-Йоркка қайтиб келди. Бу ерда ёш баққол Роберт Ферсонга турмушга чиқди. У билан Кутқарув армияси аъзоларининг йиғинида танишган эди.

Орадан олти йил ўтгач, у эри билан ажрашиб, икки ўғлини эски, тўзиб кетган машинага ўтқазди-ю, Фарбга қараб йўл олди. Йўлда у деярли ҳар бир шаҳарда тўхтаб, гуноҳқорларни тавба қилишга даъват этарди. Баъзан қандайдир ифлос чуқурликка ботиб қолгудай бўлса, машинанинг ичида тунаб қолишга мажбур бўлишарди. Йўлда болалари билан бир неча бор оч қолишига тўғри келган. Бир куни эса Колорадо штатида сал бўлмаса музлаб қолишган.

Бу ажабтовур аёл ўзининг фавқулодда фаолиятини бошлаш учун фаришталар шаҳри — Лос-Анжелесга бир гўзал оқшомда, қош қорайганида кириб келди. Ўша пайтда унинг на дўсти, на обрў-эътибори бўлиб, фақатгина икки нафар оч боласи, шалоқ автомобили ҳамда 20 фунт пули бор эди, холос. Шундай бўлса-да, бир ярим йилдан сўнг Эйми Калифорниянинг энг машхур аёлига айланди, унинг бойлиги 200 минг фунтга тенг.

Эйми ўзининг қувонч ва шодликка асосланган таълимотини тарғиб этиб, Парвардигори олам ҳукмронлиги яқинлашаётганини ташвиқ эта бошлади. Одамлар унинг сўзларини эшитиш учун тўда-тўда бўлиб йиғилишарди. Улар Жанубий Калифорниянинг энг катта залларини тўлдириб ўтиришар, спорт саҳналарида жамулжам бўлишар, ниҳоят сизмай қолишса, кўча ва боғ-роғларга чиқиб кетишарди. Бу ерда оломоннинг ҳиссиётга берилиб кетиш ҳолатларини назорат қилиш учун полициячилар лашкари юборилди.

Лос-Анжелес ақлдан озиб қолаёзган эди. Фаришталар шаҳри шу пайтгача бу қадар шов-шувни бошдан кечирмаган эди.

Орадан бир йил ўтгач, содиқ издошлари Эйми учун Муқаддас Биби Марьям ибодатхонасини бино қилишга киришдилар. Мазкур қурилишга 300 минг фунт сарфланди. Ибодатхона Эймига гўё хусусий мулк қилиб берилди, яъни, у нимаики истаса, бажара оларди.

Ибодатхонада мис труба-ли оркестр мавжуд эди. У мамлакатдаги бошқа ҳар қандай оркестрга нисбатан катта ва салмоқли эди. Шу билан бирга орган ҳам бўлиб, уни Париждаги Биби Марьям ибодатхонаси органи билан таққослаш мумкин эди. Унда “Метрополитен опера” хориға нисбатан каттароқ ва гўзал аёллар хори мавжуд эди.

*Унинг на дўсти, на
обрў-эътибори бўлиб,
фақатгина икки нафар
оч боласи, шалоқ
автомобили ҳамда 20
фунт пули бор эди,
халос.*

Бу улкан ибодатхона-сарой хизмат бошланишига бир соат қолгандаёқ диндорлар билан тўлиб кетарди. Шундан кейин эшиклар ёпилар, ташқарида эса, юзлаб кишилар ичкарига кира олмай, қолиб кетишарди. Ҳамшира Эймининг мистик шахсияти остида гуноҳкорлар ўзларининг камчилик, нуқсонларидан халос бўлишар, чўлоқ ва фалажлар эса тузалиб қолганларини айтиб, қўлтиқтаёқларини бир чеккага улоқтиришарди.

Мен бир вақтлар Эймининг ибодатхонасида бўлганимда, қўлтиқтаёқлар, буклама каравотлар ҳамда ҳаракатланувчи оромкурсилар билан тўлган “мўъжизали хона”ни ўз кўзларим билан кўрганман. Улар Эймининг сеҳрли мафтункор тилсимидан далолат бериб турарди.

1926 йилнинг 18 май кунини у денгиз бўйидаги парк-

ка йўл олди. У ерда чўмилиш кийимини кийиб, Тинч океани сувларига кирди-ю, қайтиб чиқмади. Бу ҳақдаги хабар бутун Калифорнияни ларзага келтирди. Одамлар қирғоққа келиб тўпланишди, каттакон гулханлар ёқиб, тўхтамасдан ўттиз кечаю кундуз йиғлаб, фигон чекиб, ибодат қилиб туришди. Балиқчилар океан сувига тўр ташлашди, ғаввослар шўнғиб, сув тубини ахтаришди, учувчилар эса тепадан туриб, ахтаришга уриндилар. Ҳатто, бир ғаввос ўз кучини ҳисобга олмай сувга ғарқ ҳам бўлди. Битта қиз эса ўз жонига қасд қилди. Бошқа кўплаб кишиларни ўз жонига қасд қилмасликлари учун куч билан ушлаб туришга тўғри келди. Тинч океани қирғоқлари бундай диний телбаликни илгари мутлақо кўрмаган. Бутун дунё газеталари мазкур воқеани бутун тафсилотлари билан ёритиб борди. Ибодатхона, кимки Эймини тирик ёки ўлик ҳолда топгудай бўлса, унга беш минг фунт мукофот берилишини эълон қилди.

Эйми ғойиб бўлганидан ўттиз икки кун ўтиб, унча катта бўлмаган Мексика қишлоқларининг бир чеккасида топилди.

Шунча вақт мобайнида бу аёл қаерда бўлди, деган савол туғилиши мумкин. Ўзининг сўзларига кўра, ўша эсда қоладиган 18 май куни унинг ёнига бир аёл келиб, ўлаётган боласи учун ибодат қилишни зорланиб сўраган. Аммо йўлда Эймини мажбуран машинага ўтқазиб, хлороформ искатиб, қумтепаликларнинг нариги томонига олиб кетишган. Ана шундан кейин ўттиз бир кун давомида саҳродаги бир кичик кулбада сақлаганлар. Бир куни тунда Эйми ташқарига ўрмалаб чиққан, томат банкасининг қопқоғи билан қўллари боғлаб қўйилган арқонларни қирққан ва бутун тун бўйлаб ва эртаси куни саҳро қумтепаликларини босиб ўтган.

Кўпчилик бу шов-шувли эртакка ишонмади. Уларнинг эътирозига кўра, қайнаб турган саҳродан ўн сак-

киз миль йўл босишга тўғри келса, у куйиб кетмоғи керак эди. Шу билан бирга Эймининг пойафзали, кийим-кечаклари аъло даражада эканлигига эътибор қилдилар. Ҳатто, сочлари ҳам ҳафсала билан тўр остига олинган эди. Шунча вақт саҳро бўйлаб юрса-да, у ҳатто чанқамаган, сув ичишни хаёлига ҳам келтирмаган.

Эймини суд қилишди. Калифорниянинг энг яхши ҳуқуқшунослари сўроқ ва тергов ўтказишди. Шундан сўнг унга айблов эълон қилинди. Аммо Эймини ҳеч нима айтган кўрсатмаларидан қайтара олмади.

Айримлар унинг устидан кулишар, бошқалари эса аяшар эди. Шу билан бирга Эймининг дўстлари ҳам, душманлари ҳам одамлар учун анча-мунча эзгу ишлар қилгани, бизнинг асримиздаги яхши инсонлардан бири эканлигини таъкидлашди.

“ЧАНГАЛЗОР” – ОЛТИ МИНГ ФУНТ ДАРОМАД

Эптон Синклер қирқ саккизта китоб ва беш юздан ортиқ мақола ёзган. Унинг икки миллиондан зиёд асарлари нусхаси Германияда, уч миллиони эса Россияда сотилган. Синклернинг радикал чиқишлари ўзига хос равишда рус инқилоби муваффақиятини таъминлаган эди. Гарчи у америкалик бўлса-да, китоблари ўз ватанига нисбатан Европада кўпроқ тарқалган.

Бир куни француз Ривьерасидаги китоб дўконига кирганимда, инглиз ва америкалик муаллифларнинг асарларини бир жойга тўплаганда ҳам улардан Эптон Синклернинг китоблари кўп эканлигини пайқаган эдим.

Унинг асарлари қирқ тўрт тилга таржима қилинган. Синклер бир куни менга иқрор бўлиб айтганидек, китоблари ўгирилган айрим тиллар нима деб

аталиши ҳамда уларда дунёнинг қайси давлатида гаплашишларини, ҳатто ўзи ҳам билмайди. У бутун дунё миқёсида ҳозирги замонавий муаллифлар орасидаги энг машҳурларидан биридир.

Синклер ҳаёти давомида идеални излаш билан ўтказди. У камбағалликни бартараф этишни истади. Чунки ўзининг тажрибасидан камбағаллик қанчалик аччиқ эканлигини яхши билган. Синклернинг сўзларига кўра, у беш йил давомида очлик азобидан сал-пал озод бўлган экан, холос.

Синклернинг отаси виски билан савдо қилар, у ўлгудай ароқхўр эди. Балтиморда яшаган ёшгина

У ҳар тунда саккиз минг сўздан иборат ҳикоя тузар, бу эса бир ойда ўртача иккита қисса ҳажмини ташкил этарди. Бунинг устига Эптон ҳар куни Колумбия университети машғулотларига қатнаш эди. Миллиондан бирор киши ана шу маромдаги шарт-шароитга бардош бера олармикан?

болакай Эптон кейинчалик Нью-Йоркда истиқомат қилиб, бир майхонадан иккинчи майхонага ўтиб, отасини ахтарар эди. Уни топиб олгач, уйга кўтариб келарди. Ана шунда онаси маст-аласт эрининг чўнтагидан қолган-қутган пулларини олиб, кейинги кун учун егулик сотиб олиш мақсадида яшириб қўярди.

Улар шу даражада кам-

бағал эдиларки, арзон, юқумли ҳашаротлар ғужғон ўйнаб ётган, мебеллари ночор хоналарда кўчиб яшардилар.

Эптон Синклер — алкоголь ичимликларни ман этишнинг ашаддий тарафдори эди. Кимки бу дардга дучор бўлса, оиласи ҳам, фарзандларининг болалиги ҳам барбод бўлади. Синклернинг айтишича, виски унинг энг яқин икки кишисини, жумладан, Жек Лондоннинг умрини қисқартирган. Синклернинг ўзи

эса, ҳатто чой ёки қаҳва ичмаган, чекмаган ҳам.

У ўн ёшга киргунга қадар, мактабга бориш имкониятига эга бўлмаган. Шу боис мустақил ўқишга мажбур эди. Вақтдан унумли фойдаланиб, ҳаммаси бўлиб, Диккенс ва Теккерей асарларини, шунингдек, қомуснинг маълум қисмларини ўзлаштириб олганди. Мактабга қатнай бошлаганидан икки йил ўтгач, у олий ўқув юртига киришга тайёр бўлганди. Ўша пайтда Эптоннинг бир чақаси ҳам йўқ. Боз устига у онасини боқиши керак. Шу боис арзон журналларга ҳикоялар юбориб, ўқишига тўлаб турди. У ҳар тунда саккиз минг сўздан иборат ҳикоя тузар, бу эса бир ойда ўртача иккита қисса ҳаж-



мини ташкил этарди. Бунинг устига Эптон ҳар куни Колумбия университети машғулотларига қатнаган. Миллиондан бирор киши ана шу маромдаги шарт-шароитга бардош бера олармикан?

Университетни тугатгач, Эптон ҳафтасига 14 фунт пул топар эди. У болалар журналлари учун кўнгилга ёқадиган ўзига хос ҳикоялар ёзиб берарди. 14 фунт ҳали йигирмага ҳам тўлмаган муаллиф учун катта даромад манбаи эди. Аммо Эптон Синклер фақат пул учун ёзишга қизиқадиган одам эмасди. У камбағаллик ва адолатсизликни бутунлай тугатиш тарафдори бўлган.

Синклер бемор хотини бўлишига қарамасдан, ҳар қандай иш ҳақини рад этиб, Нью-Йоркдаги палаткада жойлашади ва тарғибот билан боғлиқ асарлар ёзишга киришади. Шу билан дунёни ўзгартиришга кўмаклашмоқчи бўлади. Беш йил давомида у бешта шундай роман ёзди, улар нашр этилгач, икки юз фунт пул олиб келди. Бошқача айтганда, Синклер йилига қирқ фунт

ёки кунига салкам икки шиллинг олти пенс ишлаган эди. Ана шу вақт мобайнида у деярли оч юрган.

Бир куни унинг хотини янги буюм харид қилиш учун дўконга кирди ва бир шиллинг олти пенсга қизил пахмоқ дастурхон сотиб олди. Эптон дастурхонни дарҳол қайтариб бериш, тўланган пулни олиб келишга хотинини мажбур қилди. Чунки бу маблағ уларнинг бир кунлик озуқасини таъминлар эди.

Эптон Синклернинг олтинчи қиссаси “Чангалзор” деб номланади. У катта шов-шувга айланиб, олти минг фунт даромад келтирди. Синклер бу пулларнинг ҳаммасини, бир мири ҳам қолдирмай, Нью-Жерсидаги Гудзон қирғоғида қурилаётган утопик коммунал уйлар қурилиши учун жўнатди. У ерда ёзувчилар, артистлар ҳамда муסיқачилар баҳарнав шароитларда иқтисод қилиб, яшашлари мумкин эди. Бир оз вақт ўтгач, у ерга Синклер Льюиснинг ўзи ҳам бориб, ўт ёқувчи вазифасини бажарди. Мазкур вазифага астойдил ёндашмади, шекилли, бир кечаси уй ёниб кетди. Ана шу ҳол бу ниятнинг интиҳоси эди.

Эптон Синклер ҳамиша қизғин ислоҳотчи бўлган. У Нью-Йоркдаги аёлларга сайланиш ҳуқуқини бериш учун уюштирилган намойиш ташкилотчиларидан бири эди. У туғилиш бўйича назоратнинг эркинлиги учун курашди ва ўттиз йил давомида америкалик пешқадамлардан бири бўлиб қолди.

Синклер бирор ишнинг ортидан қувса, ҳеч нарсадан қайтмаган. Бир куни у скрипкада чалишни ўрганмоқчи бўлди, шу мақсадда деярли ҳар куни саккиз соатдан скрипка билан машғул бўлди. Уч йил шу зайлда кечди. Ахийри бу машғулот қўшниларнинг жонига тегди ва улар шикоят қила бошладилар. Синклер скрипкаси билан ўрмонга бориб, қушлар ҳамда қуёнларга чалиб берадиган бўлди.

У менга бир неча марта қамалиб чиққанини гапириб берган. Бир куни Синклерни якшанба куни

теннис ўйнагани учун ўн саккиз соат қамоқда сақлаган эканлар. Бошқа сафар эса Нью-Йоркдаги Рокфеллер идораси олдида индамай нари-бери келиб-кешиб турганлиги учун уч суткага қамалган. Яна бир сафар Бостонда полициячига Инжилнинг нусхасини сотишга урингани учун ҳибсга олишган.

МАМЛАКАТ ТАРИХИДАГИ МАШҲУР ФИРИБГАР

Америка тарихидаги энг машҳур фирибгар ким? Бундай шараф гулчамбари мўйсафид П.Т.Барнумга тегишли. У Коннектикут янкиси, дунёда номи чиққан масхарабоз бўлиб, оммабоп масхарабозликдан иборат томошалар ташкилотчисидир.

Барнум ўзини “алдоқчилар қироли” деб атайди, бундан фахрланади. У, ҳатто “Жаҳон фирибгарлик тарихи” деган китоб ҳам ёзган. Барнум ўз шаънига “товламачи”, “лўттибоз”, “алдоқчи” ёки “қаллоб” деган сифатларни эшитишдан асло чарчамайди. У одамларни у ёки бу ҳолатда алдашни канда қилмайди.

Бир куни Барнум отни реклама қилди. Унинг калласи думи ўрнида, думи эса калласи ўрнида эмиш! Одамлар бу табиат мўъжизасини кўриш учун ҳамма томондан ёпирилиб келишди. Бир шиллинг ва ўттиз пенс тўлаб томошага кирганлар думидан охурга боғлаб қўйилган оддий отга кўзлари тушди. Бошқа сафар эса Барнум қора олча рангидаги мушукни намойиш этишга уринди. Мушук қора рангда эди. Одамлар ҳақ тўлаб киришгач, Барнум пинагини ҳам бузмасдан: “Гап йўқ, мушук қора, аммо кўпчилик олчалар ҳам ана шу рангда, ахир”, — дер эди.

Гарчи ҳозирги кунда Барнумнинг номи цирк томошалари учун ўзига хос синоним бўлиб хизмат қилса-да, унинг ўзи бу сўзнинг асл маъносига риоя

қилган, яъни олтмиш ёшга кирганида, уни ташкил этишга киришди. “Барнум-Бэлли” цирк тарихига келганда эса шуни айтиш керакки, бу ўн йил муқаддам рўй берган.

Барнумнинг айтишича, дунёда ҳар дақиқада битта анқов дунёга келар экан. У ҳақ эди. Гарчи Барнум турли “Табиат мўъжизаси” ҳамда ёввойи ҳайвонлар намоиши учун 800 минг фунт ишлаб олган бўлса-да, бир неча бор ўзи ҳам алдов қурбонига айланган.

Масалан, у ёш йигит эканлигида бутун бойлиги ҳисобланган беш минг фунтни айиқ ёғи ишлаб чиқарадиган корхонани очиш учун жамғармага қўяди. Бу ажабтовур восита тепакалларнинг сочини ўстириш имконини берар эди. Барнумнинг шериги барча пулларни созуриб битирди-ю, унга фақат айиқ ёғини ишлаб чиқарадиган рецептни қолдириб, Европага яшириниб олди.

Шундан сўнг Барнум расмлар билан жиҳозланган “Инжил”ни ёппасига сотишга киришди. Аммо унинг ёллаган ёрдамчилари бу ишга мўлжалланган барча пулларни ўмариб кетишди-да, хўжайинга ҳеч вақо қолдиришмади.

Барнум нима ҳам бўлди-ю, ўт ўчириш асбоблари учун патентни қўлга киритди. Аммо уларда «кичкина» бир камчилик мавжуд эди: улар ўтни ўчирмасди. Ниҳоят, у сира ўчмас некбинлик билан соат ишлаб чиқаришга ўзини урди. Аммо бу ният йўлида юз минг фунт сарфлагач, шундай касод бўлдики, бу ўзига хос миллий шов-шувга айланди.

Охирги чақасигача маҳрум бўлган Барнум маҳсус мавзуга маъруза тайёрлашга киришди: “Қандай қилиб пул ишлаш мумкин?” Айни шу маърузаси билан у ҳамма жойда, жумладан, Оксфорд ва Кембриж университетиди бўлди. Шу туфайли мукофот тариқасида ҳар бир чиқиши учун 200 минг фунт олишга муяссар бўлди. Бир куни Барнум ҳақиқий ҳиссиёт-

лар бўронини кўзгатиб юбориб, Шекспир туғилган уйни бўлакларга бўлиб, уни Америкага, Бродвейга ҳаммага намоиш қилиш учун олиб келишини эълон қилди.

Ўзининг мақтанчоқлиги билан барчанинг жиғига тегаверадиган қари туллак маълум вақт давомида ўткир тушкунлик хуружларини ҳам ўтказган.

Барнум чин юракдан диндор ва виждонли одам эди. Бир куни у ароқхўрлик туфайли келиб чиқадиган ёвузлик хусусида маъруза эшитиб қолди. Гарчи у бунгача йигирма йил давомида спиртли ичимлик истеъмол қилиб келган бўлса-да, ана шу ҳиссиётлар таъсирида уйга югуриб борди, шампан виноси тўлдирилган барча шишаларни синдириб таш-



*Барнумнинг
айтишича, дунёда ҳар
дақиқада битта анқов
дунёга келар экан.*

лади. Шундан сўнг, энди винога қўл теккизмайман, деб шартномага имзо чекди. Кейин дўстларининг уйига йўл олиб, бир кун мобайнида улардан йигирматасини хушёр бўлиш

ҳақидаги қасамёдга имзо қўйишга кўндирди.

Барнум Коннектикум штатидаги Рижпортда яшаганида, шахсий исми-шарифи ёзилган оқ шойи байроқни жорий этган. У бу байроқни том устига кўтариб қўяр, бу билан дўстларига ўзининг уйда эканлигини билдирмоқчи бўларди. Барнум ўзи томонидан ташкил қилинган музей кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланишини истаб, темир йўлларда юрган филдан ферма ерини ҳайдаш учун фойдаланмоқчи

бўлди. Филни ҳайдаб юрган киши сариқ-қизил шойи панталон (шимсимон тор либос) кийган қандайдир шарқлик ҳоким эди. Бу одамга темир йўл жадвали керак эди. Шунга мувофиқ, навбатдаги поезд яқинлашгач, филни жадаллик билан ҳайдаши лозим эди.

Барча йўловчилар ўлгудай қизиқиб, ўзларини вагон деразаларига уришди. Америка газеталари бу воқеани оқизмай-томизмай, миллий аҳамиятга эга бўлмагунча роса ёзиб чиқди. Минглаб фермерлар Барнумга филларни сотишни сўраб, ёлворар эдилар.

Бутун ёз давомида у фил ёрдамида далани эллик марта ҳайдади. Ўз усулини реклама қилиш ҳисобига 20 минг фунт олишга муяссар бўлди.

1855 йилда Барнум ўз ҳаёти тарихини ёзди. Кейинги 35 йил мобайнида эса китобни тўхтовсиз равишда тўлдириб ва қайта нашр этиб турди. Умумий ҳисобда олганда, Барнум ўзининг таржимаи ҳолини миллион нусхада нашр эттириб, уларнинг ҳар бири учун тўрт пенс тўлади ва тўрт шиллингга қайта сотди.

Бир куни у Рижпортдаги ўзининг идораси (циркнинг қишки квартираси жойлашган жой) деворига катта қутини михлаб қўйди ва улкан қора ҳарфлар билан: “П.Т.Барнум ўлимига қадар очилмасин”, — деб ёздирди.

Қутининг пайдо бўлиши кўпгина тахмин ва мулоҳазаларни юзага келтирди. Барнумнинг ходимлари у шу йўл билан мерос қолдирмоқчи, деган хулосага келдилар. Аммо қутини очишганида, унда “Барнумнинг ўзи ёзган ҳаёт йўли” номли китобнинг нусхалари қалашиб ётар эди. Барнум ўз китобининг бир нусхасидан ҳар бир катта ходимига беришни буюрди.

Барнумнинг номини барҳаёт сақлаб, давом эттирадиган ўғиллари йўқ эди. Шу боис у ўзининг набираси С.Х.Силлейга беш минг фунт бериб, Барнум-Силлей деган қўш фамилия олишни таклиф этди.

Барнум ўлим тўшагида экан, Нью-Йоркда чиқа-

диган “Ивнинг сан” газетаси унинг матбуот бўйича агентига мурожаат қилиб, буюк фирибгар нариги дунёга кетиш олдидан таъзиянома чоп қилишга имкон бермайдими, дея мурожаат қилди.

Матбуот бўйича агент ишонч билан: “Албатта, ижозат беради. Қария бундан ҳаддан зиёд хурсанд бўлади”, — деб жавоб берган.

Шундай қилиб, Барнум газетада ўзининг ўлими тўғрисидаги тўрт устундан иборат хабарни ўқиди. Ва бундан ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди.

Барнум вафот этганида, Америка газеталари ҳар қандай одам ҳам муяссар бўлмайдиган унинг одатдан ташқари мартабасига бағишлаб катта ўрин ажратди. Бундан фақат Қўшма штатлар президенти мустасно эди. Агар ҳурматга сазовор масхарабоз буни билганида борми, қанчалик хурсанд бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин. Вафот этаётган П.Т.Барнумнинг сўнгги сўзлари “Барнум-Бэлли” циркининг ўша кунги тушумини менга маълум қилинг”, деган илтимос эди.

ТУШЛИККА ЭТИК ЕЙИШНИ ХОҲЛАМАЙСИЗМИ?

Мен бир вақтлар Қутб доирасида ўн бир йилни ўтказган киши билан уч соат суҳбатлашган эдим. Ана шу ўн бир йилнинг олти йилини у фақат гўшт ва сув истеъмол қилиб ўтказган. Бу ажойиб инсон исландиялик оқ юзли Стефансон эди. У Арктика музликларига саёҳат қилиб, ўз ҳаётини хатарга қўйган дунёдаги энг биринчи тадқиқотчи ҳисобланади. Стефансон ҳеч қандай егуликсиз, ёқилғисиз бўлиб, фақат ўша ердаги мавжуд бўлган паррандаларга тўла-тўқис умид боғлаган эди.

Стефансон илк бор шундай ният билдирганида, мутахассислар уни ақлдан озган, деб ҳисоблашди. Ўз

навбатида, эскимослар Стефансонни очликдан тиришиб ўлиб қолади, дейишган. Аслида шундай бўлиши мумкинми? Стефансон бунга ишонмасди. У бўлажак олим сифатида далилларга муҳтож эди. Шу боис икки шериги ҳамроҳлигида милтиқлар ҳамда керакли анжомлар билан қуролланиб, бир неча ой яшаш учун Шимолга, Арктиканинг кўчиб юрувчи музликлари томон жўнаб кетди. У ердаги айрим музлар ҳажми жиҳатидан футбол майдонига тенг келса, бошқаси бутун бошли оролни эслатарди. Баъзи муз қатламларининг қалинлиги бир неча дюйм келар, бошқаси эса бир неча юз дюймни ташкил этарди. Ушбу музликлар тўхтовсиз равишда уммонда ҳаракатланар, чуқурлиги бир милдан уч милгача борар эди.

Шимолга етиб олган Стефансон ва унинг ҳамроҳлари дастлабки қирқ кун давомида ўзлари билан олган барча егуликларини еб тугатдилар. Сўнг, шу вақтдан бошлаб, тюлень ҳамда оқ айиқларни отиб, уларнинг гўштини истеъмол қилдилар.



Бу саёҳатчилар ичишга яроқли сувни қаёқдан олишди, деган савол

туғилади. Улар гулхан ёқиб, тюлень ёғини ёқилги сифатида ишлатдилар, сўнг денгиз музини эритиб, ана шу тариқа ўзларини сув билан таъминладилар. Умумий фикрга кўра, энг қизиғи шундаки, ҳаракатланувчи музликлар ҳаммаси бўлиб етти юз мингдан иборат бўлса-да, Стефансон ҳамда унинг шериклари мутахассислар олдиндан айтганидек,

очликдан ўлиш у ёқда турсин, балки бир неча фунт семирдилар. Бунинг устига 97 кун муз устида яшаганларига қарамай, бирор марта ҳам тушликни қолдиришмаган.

Стефансоннинг айтишича, улар фақат ёғсиз гўшт истеъмол қилганларида, очликдан ўлиб кетишарди, албатта. Аммо гап шундаки, саёҳатчилар ҳайвон ёғини ҳам тановул қилишган. Экспедиция даврида чекувчи ҳамроҳ-

Стефансоннинг фикрича, яхши пиширилган юмшоқ қайиш бошқаларга ғалати туюлса-да, унчалик ёмон егулик эмас.

лардан бири тамаки захираси тугагач, никотинга бўлган хуморини қондириш учун тамаки сақланган халтани чайнашга киришиб кетган. Шундан сўнг у чекадиган трубкасини синдириб, унинг ҳар бир бўлагини шима бошлаган. Кўпгина қутб тадқиқотчилари ўзлари билан ит қўшилган чанада озиқ-овқат захираларини ортиб олишади ва доимо уни иқтисод қилиб туришади. Улар аксарият ҳолларда очликдан азият чеккан итлардан маҳрум бўлиб қолишади. Аммо Стефансон ўзининг ҳамроҳлари билан фақат ов ҳисобига яшади, Арктикани 11 йил тадқиқ этиш мобайнида у бирор марта ҳам итининг очликдан ўлишига йўл қўймади. Айтиш мумкинки, Стефансоннинг кучуклари очлик ҳиссини туйгани ҳам йўқ.

Ким кулранг бўридан кўрқмайди? Ҳар ҳолда Стефансон ундан кўрқмаган. Боз устига у бир дюжинадан* кўпроқ кулранг бўрини еб қўйган. Шу билан бирга қовурилган бўри гўштини шунча миқдордаги бузоқ гўшtidан афзал билган. Стефансон ва ҳамроҳлари егулик сифатида ёввойи ўрдак, ёввойи ғозлар, каклик, ҳатто бойўғлини ҳам тановул қилган эди, дейишади. Улар ўша ерда ҳам қандайдир овоз беришни таклиф этишди. Шунга мувофиқ, овоз натижала-

Муваффақият тамойиллари

* 1 дюжина — 12 дона.

рига кўра, кўпчилик айнан бойўғли, ўрдак ва какликни афзал билгани маълум бўлди. Унинг ўзига энг оғир дамларда чанғисининг камарларини ейишига тўғри келган. Стефансоннинг фикрича, яхши пиширилган юмшоқ қайиш бошқаларга ғалати туюлса-да, унчалик ёмон егулик эмас. Мазаси чўчка ёғини эслатади. Шундан келиб чиқиб, Стефансон шимолда жунли кийимдан кўра чарм кийимни афзал, деб ҳисоблайди. Чунки озуқа етишмаганида уни ҳамиша ейиш мумкин. Шундай экан, уйингизда эски юмшоқ этиклар бўлса, ташлаб юборишга шошилманг, келажакда нималар рўй бериши номаълум, ахир.

Стефансон ортга қайтганидан сўнг ҳамроҳлари билан йиллар давомида фақат гўшт еганини гапириб берганида, овқатланиш бўйича экспертлар ишонишмади. Бундай бўлиши мумкин эмас, дейишди. Шунда илм-фан манфаати учун Стефансон ва сафдошларидан бири ўзлари билан махсус тажриба ўтказишга рози бўлдилар. Бунга мувофиқ улар бир йил давомида фақат гўшт ва сув истеъмол қилиб яшаш мажбуриятини олишди. Тажриба илм-фан қоидаларига мувофиқ, Корнел университети тиббиёт мактаби ва Дассел тадқиқот институти назорати остида ўтказилди. Тиббиёт олимлари тавсия этган ҳар томонлама тузилган қатъий назорат остидаги тестлар ишга солинди. Хусусан, доимий равишда қон таҳлил қилиниб, қон босими ўлчаб турилди. Хўш, натижаси қандай бўлди? Ҳар ҳолда, қандайдир манфий ҳолат юз бермади.

Фақат гўшtdан иборат овқатланиш асосида синовдан ўтаётганлар ўша жазирама ёзда одатдагидан кўра кўпроқ бардош беришди.

Тажриба бошида Стефансоннинг йўлдоши Андерсонда юқори қон босими бор эди. Бошидаги соч тўкилаётган, шу билан бирга тез-тез шамоллаб турар эди. Аммо 90 кун давом этган гўшт ейишдан иборат парҳезга ўтгач, унинг қон босими меъёрига тушди ва

ЭНГ мақбул даражага етди, соч тўкилиши тўхтаб, шамоллаш ҳам аҳён-аҳёнда рўй берадиган бўлди.

Шу муддат давомида унда ҳам, Стефансонда ҳам тишларнинг ишдан чиқиши рўй бергани йўқ. Стефансоннинг менга айтишича, мазкур жараёнга алоқадор бўлмаган ягона одамлар жамоаси фақат эскимослар (АҚШ Аляскасида, шимолий Канадада ва Гренландия оролида яшайдиган халқ) экан, чунки улар тановул қиладиган овқатлар миқдорида гўшт 95 фоизни ташкил этади. Эскимослар биз тановул қилаётган озуқаларни истеъмол қилишга ўтганлари ҳамон уларнинг тиши худди бизники каби ишдан чиқа бошлайди.

ЭНГ ОММАБОП, БОЗОРГИР КИТОБ

Зейн Грей тушкунлик ва ночорликдан иборат ҳаёт йўли устида ўйлаб кўриб, дунёдаги энг машҳур кишилардан бири бўлиб етишди. Бу машаққатли йўлни эса у кичкина қишлоқда яшаган даврда бошидан кечирган эди.

Ноширлар Зейн Грейга кўпинча 15 минг фунтгача тўлар эдилар. Бу унинг биргина журналларда чоп этиш ҳуқуқини берувчи асарлари учун. Шуниси борки, Грей мазкур маблағни асар ёзилгунга қадар олар, ваҳоланки, ўзининг дастлабки китобларини уч шиллингга ҳам сота олмаган эди. Ноширларнинг сўзларига қараганда, улар уч йил давомида ҳар йили Грейнинг миллионтадан китобларини сотишган. Ҳолбуки ёзувчиликнинг дастлабки йилларида у ҳам очлик, ҳам совуқ гирдобиди фақат устма-уст муваффақиятсизликлардан боши чиқмаган.

Зейн Грей ёшлигида отасининг қистови билан тиш шифокори бўлиш учун ўқишга йўл олди, аслида бу касбга асло хоҳиши йўқ эди. Лекин нима ҳам қила олардинг: ота амри — вожиб! Шу тариқа пешанасига Аме-

риканинг ёввойи ғарбида дунёдаги саргузашт асарларнинг энг яхши муаллифларидан бири бўлиш битилган йигитча тиш шифокори бўлиб қолди. У шахсий амалиётини ишга солиб, беморларнинг тишини тешиб, уларга пломба қўйиб, умрини ўтказа бошлади.

Аммо Зейннинг фикр-ўйлари машғул бўлаётган бу ишидан анча узоқ. Бу айниқса, унинг хонаси деразаси орқали тош тўшалган кўприк устидан отларнинг туёқ товуши эшитилган дақиқаларда кўпроқ билинар эди. Ўша лаҳзаларда Грейнинг кўз олдида ёввойи саваннада қирмиз тонг пайтини қарши олган отлиқлар бор бўй-басти билан гавдаланар, яқинлашаётган почта поездининг шарпаси ва унга ҳужум қилишга шайланаётган қуролли босқинчилар тўдаси кўриниб кетгандай бўларди.

Грей шу даражада гангиган ва эсанкираб қолгандики, айти дамда кимдир бор кучи билан унинг жағига туширгани минг карра яхши эди.

Вақт ўтган сари Зейн Грей ўзининг кундалик фожиаси билан юзма-юз бўла борди. У ишлаётган касбини кўрарга кўзи йўқ эди. Худди кўп эшакли кемага боғлаб қўйилган қул каби ҳар куни эрталабдан ўзини азоблаб ва қамчилаб ургандай бўлиб, беморларни қабул қилиш учун йўлга тушар эди. Грей ҳаётдаги ягона лаззатни ўзининг ҳақиқатда рўй берадиган орзуларида туярди.

У ёзувчи бўлишга узил-кесил қарор қилди: ўзининг амалиётидан воз кечиб, кичкина қишлоққа кўчиб ўтди. Зейннинг ҳисобича, бу ерда тежаб-тергаб яшаш: ов қилиш ва балиқ тутиш, шу билан бирга ёзишни ўрганиш мумкин.

Зейн Грей ўз ҳикоялари устида кунт ва тиришқоқлик билан ишлади. У ёзар ва бир неча бор қайтадан воқеаларни ўзгартириб, қаҳрамонлар феълини чуқурлаштириб, яна ёзиш билан овора бўлар эди.

Грей навбатдаги ҳикояни тугатар экан, уни бошидан-охиригача ғайрат-шижоат билан қайта ўқиб чиқди. Ёзгани ажойиб кўринди. У умум томонидан эътироф этилишига ишонди. Аммо бошқа киши бунга асло ишонмас эди. Бу мамлакатда Зейн Грей асарларига қизиқадиган бирорта ҳам ношир йўқ эди.

Ҳикоялар устида тиришқоқлик билан ишлар экан, у узоқ давом этган беш йил давомида бирор цент ҳам даромад олмади. Грейга фақат ёз пайтида қандайдир пул тегди, у ҳам бўлса профессионал баскетбол жамоасида ўйнагани учун. Бир куни ҳикоясини ноширга кўрсатишга уринар экан, полковник Жон Буффалло билан танишиб қолди. Буффалло



ғарб томон сафарга бориш учун ёзиш қўлидан келадиган бирор кишини ахтариб юрганди. Зеро, бунинг эвазига ёзувчи Буффалло саёҳати ҳақида яхшигина асар ёзиши лозим. Бу Зейн Грей учун руҳлантириб юборадиган таклиф. У дуч келган имкониятни қўлдан чиқармасликка уринди, юраги ҳапқириб, олдинда кутаётган саргузаштларни ўйлади.

Грей ғарбдаги ковбойлар ҳамда ёввойи отлар орасида олти ойни ўтказиб, уйга қайтди ва “Текисликдаги одамлар” номли қисса ёзди. Энди у муваффақият қозонишига бутунлай ишонган эди.

Шундан сўнг у қўлёзмани “Харпер” нашриётига жўнатиб, икки ҳафта жавобини кутди. Кейин эса кутишга бардоши етмай, ўша ерга ўзи шоша-пиша борди. Нашриётда унинг қўлига хат тутқазишди. “Биз афсусдамиз, аммо ёзганларингизда бадиий асар

яратишга қодир эканингизни исботловчи ҳеч нимани кўрмадик”, — деб ёзилган эди унга.

Грей адои тамом бўлди. У бамисоли жонсиз одамдек серрайиб қотиб қолган эди. Ахир асарларининг бешинчи марта ноширлар томонидан қайтарилиши эди бу. Грей шу даражада гангиган ва эсанкираб қолгандики, айна дамда кимдир бор кучи билан унинг жағига туширгани минг карра яхши эди.

У гандираклаб ва қоқиниб, зинапоядан зўрға пастга тушди, йиқилиб кетмаслик учун чироқ устунига суяниб қолди. Устунга бошини тирар экан, қўлтиғига қистирган қўлёмзани олишга ҳам ҳоли келмай, аччиқ аламдан йиғлаб юборди.

Ниҳоят, бутунлай эзилиб, ўлмоқдан баттар бўлиб уйга қайтди. Грей беш йил давомида асосан хотинининг топгани ҳисобига яшаган. Энди эса у ҳам тутаб қолган. Боз устига қўлида боласи бор.

Уларнинг оиласи бутунлай умидсизлик гирдобидан фарқ бўлган эди. Қарангки, Грейнинг хотини уна бир асар ёзишга ундаб, ғалабага ишонтиришга муваффақ бўлди.

Қаҳратон қиш пайти. Кичкина печка хонани деярли иситмас, ёзаётган пайтда қўллар совуқдан увишиб қоларди. Грей ҳар беш дақиқада печканинг эшикчасини очиб, қўлини ичига тикиб иситишга мажбур.

У бутун қиш ва ёзнинг ярмига қадар қунт ва сабртоқат билан янги қисса устида ишлади. Ёзиб тугатганидан кейин “Харпер” нашриёти бу асарни ҳам рад этди. Умидсизликдан бутун руҳи тушиб кетган Зейн Грей сал бўлмаса муҳаррирнинг оёғига тиз чўккудай бўлиб, қўлёмзани уйига элтиб ўқишини ёлвориб сўради.

Орадан икки кун ўтгач, Зейн Грей юраги музлагандай бўлиб, қисса жавобини эшитиш учун нашриётга келди. “Хотиним бутун тун бўйи ухламай

китобингизни ўқиб чиқди. Унинг фикрича, асар жуда ажойиб экан, — деди муҳаррир шодон кулиб. — Биз уни, албатта, нашр этамиз”.

Мазкур китоб “Сахро мероси” деб номланарди. У дарҳол энг оммабоп ва бозоргир китобга айланди.

Ниҳоят, узоқ йиллик ночорлик ҳамда умидсизликдан сўнг Зейн Грей муносиб тақдирланди. У йиллар ўтган сайин энг машҳур ва муваффақият қозонган ёзувчилардан бирига айланиб, олтмишдан зиёд китоб чиқарди. Бу китобларнинг умумий адади олтиш миллион нусхадан ҳам кўп эди.

ОХИРГИ ЧОРА ФАҚАТ... ЎЛИМ

Кўп йиллар муқаддам Авраам ва Мэри Тодд Иллинойс штатидаги Спрингфилд шаҳрида никоҳдан ўтдилар. Афсуски, мазкур никоҳ муваффақиятсиз бўлиб, шу пайтгача бундай ғавғоли умр риштаси ҳақида ҳали ҳеч ким эшитмаган эди.

Линкольн уйлангани хусусида ўзининг ишга доир хатларидан бирида озгина илова қилган, холос. Ушбу мактуб никоҳдан бир ҳафта ўтгач, жўнатилган. Самуил Маршаллга юборилган мазкур хат ҳозир Чикагодаги тарих жамиятида сақланади. Унда Линкольн шундай сўзларни битган: “Бу ерда менинг уйланганимдан бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ, уйланганим эса ниҳоятда катта англашилмовчилик бўлган, деган фикрдаман”.

Уильям Херндон узоқ йиллар Линкольннинг ишдаги шериги бўлиб, бошқаларга нисбатан уни яхши билар эди. Херндон шундай деган: “Агар бизнинг йигирма йиллик ҳамкорлигимиз давомида Линкольн, ҳатто бир кун бахтли бўлганида ҳам, мен бу ҳақда билган бўлардим”. Херндоннинг фикрига кўра, Линкольннинг уйланиши унинг

дилгирликка хос бўлган маъюслигини янада ошириб юборишга сабаб бўлди.

Мен бир пайтлар Линкольннинг таржимаи ҳоли устида уч йил сарфладим, шахсий ҳаётига доир у ёки бу манбаларнинг ҳаммасини йиғдим. Линкольннинг уйланиши ўзи учун улкан фожиа эканлиги тўғрисидаги далилни узил-кесил мустаҳкамловчи кичик тафсилотлар қўлимга тушган. Мен уларнинг барини кунт билан ўрганиб, таҳлил қилиб чиққанман.

Линкольн Мэри Тодд билан унаштирилгандан кўп ўтмай, улар бир-бирларига қарама-қарши эканлиги, ҳеч қачон бахтли бўла олмасликларини тушуна бошлади.

Уларнинг мижози бир-бирига тўғри келмас, дид, маълумот, ҳаётий интилишлари тубдан фарқ қиларди.



Аслида Мэри Тодд Кентуккидаги аслзода қизлар учун очилган ҳурматга сазовор пансионда тарбияланган, Париж лаҳжасида француз тилида гапирар, Иллинойсдаги энг маълумотли аёл-

лардан бири. Линкольнга келганда эса шуни айтиш керакки, у ҳаёти давомида ҳаммаси бўлиб мактабда фақат бир йил бўлган.

Хоним ўзининг келиб чиқиши, аслзодалиги билан фахрланар эди. Унинг боболари ва бобокалонлари ҳамда никоҳсиз эр-хотиндан туғилган ажлодидан генераллар, губернаторлар бўлган, ҳатто биттаси денгиз вазирлигини бошқарган. Линкольннинг шажара дарахтида эса фахрланишга арзийдиган исм-

фамилия йўқ эди. У, қариндошларимдан бири мени Спрингфилдга йўқлаб борган ҳамда ўғирликда айбланиб, қўлга тушган, дер эди.

Мэри Тодд зеб-зийнатга, кўз-кўз қилинадиган ҳашамдорликка муккасидан кетган, одамларда яхши таассурот қолдиришга ўлгудай қизиқарди. Бунга қарама-қарши равишда Линкольн ўзининг ташқи кўринишига мутлақо эътибор бермасди. Шундай воқеалар бўлганки, Линкольн кўчага битта иштон билан чиқиб

“Бу ерда менинг уйланганимдан бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ, уйланганим эса ниҳоятда катта англашилмовчилик бўлган, деган фикрдаман”.

кетаверар, унинг бир почаси этик ичига тиқилган, иккинчиси эса этик устига тушиб турган бўларди.

Мэрига стол атрофида ўзини яхши тутиб ўтиришни салкам муқаддас одат деб ўргатишган. Линкольн эса кўпинча ифлос, ивирсиган кулбада қолиб кетар, стол устидаги ёғга ўзининг пичоғини тўғридан-тўғри санчиб олар, шунга ўхшаш кўпгина камчиликларга йўл қўярди. Буларнинг бари Мэрининг қонини қайнатар, уни деярли телба ҳолга соларди.

Хоним ҳаддан зиёд мағрур ва димоғдор, кеккайган эди, Линкольн эса оддий ва халқона демократ бўлган. Мэри Тодд ҳаддан ортиқ рашкчи бўлган, агар эри бирор аёлга кўз ташласа борми, у шаллақилик билан жанжал кўтариши турган гап эди. Мэрининг рашки шу даражада шафқатсиз, телбаларча ва хаёлий эдики, шунча йил ўтганига қарамай, уни баён этсак, эшитган кишининг оғзи ҳайратдан очилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Унаштирилгандан кейин кўп ўтмай, Линкольн Тоддга мактуб ёзиб, унга уйланиш учун ҳис-туйғуси етарли даражада эмаслигини маълум қилган. Линкольн бу мактубни яқин дўсти Жон Спидга бериб.

уни Мэри Тоддга топширишини илтимос қилди. Аммо Спид дўстининг кўз ўнгида хатни йиртиб ташлаб,ғижимлади-ю, оловга улоқтирди. Линкольнга эса, ўзинг бориб, ҳаммасини тушунтириб бер, деди. Бошқа илож йўқ. Ниҳоят, Линкольн Мэрига уйлана олмаслигини айтганида у бор овозда бақриб йиғлай бошлади. Бундай нолага бардош бера олмайдиган Линкольн Мэрини кучоқлаб ўпди ва кечирим сўради.

Уларнинг тўйи 1841 йил 1 январь кунига белгиланган. Тўй тортини тайёрлашди, меҳмонлар тўпланишди, руҳоний келди, Линкольндан эса ҳамон дарак йўқ. Нима учун деб сўрашингиз мумкин. Мэри Тодднинг синглиси, кейинчалик айтишича, Линкольн шунчаки ақлдан озиб қолган эди. Тодднинг куёви ҳам бу тахминни тасдиқлади. Аслида эса Линкольн хасталаниб қолган, уни руҳан ва жисмонан касаллик қоплаб, хуруж ичида ғам чекиб, азоблар, ақл-хушини зўрға бошқарар эди.

Кейинги куни унинг дўстлари алмойи-жалмойи гапираётгани, алжиб қолаётганини пайқаб қолдилар. Линкольн яшашни хоҳламаслигини айтди. Ўзини ўлдириш ҳақида шеър ёзди, уни Спрингфиллдаги газеталардан бирида чоп эттирди. Линкольндан пичоқни яширишар, ўзини бир бало қилиб қўймаса эди, деб хавфсирар эдилар.

Айнан ўша кунларда Линкольн ўзининг энг ғамгин мактубларидан бирини Конгрессдаги ишга алоқадор шеригига йўллади. Мана ўша хат, унда шундай ёзилган эди:

“Ҳозир мен дунёдаги энг бахтсиз одамман. Агар бошимдан кечираётган туйғулар бутун инсониятга тенг тақсимланадиган бўлса, ер юзида бирорта ҳам ёруғ юзли одам қолмасди. Мен вақти келиб, енгил тортаманми-йўқми, бу ҳақда айта олмайман. Йўқ, бундай бўлмаса керак, деб қўрқаман. Аммо энди ҳозирги аҳволда қолиш мумкин эмас. Агар аҳвол ўнганмаса, менинг

ўлимдан бошқа чорам қолмайди”.

Кейинги икки йил давомида Линкольн Мэри Тодд билан ҳеч қандай муносабатда бўлмасликни афзал кўрди. Иш шу даражага бориб етдики, бир муттаҳам қўшмачи уларни ёпиқ эшик ортига бошлади, ўша ерда Мэри Линкольнни ўзига уйланиши шарт эканлигига ишонтирди.

Мен Линкольн ҳаёти ҳақида асар ёзар эканман, Спрингфилд яқинида бир фермерникида бўлган эдим. Унинг амакиси, юқорида тилга олинган Херндон Линкольннинг иш юзасидан шериги бўлиб ишлаган, холаларидан бири эса меҳмонхона соҳибаси бўлиб, эр-хотин Линкольнлар тўйдан кейин бир оз вақт ўша даргоҳда яшашган экан.

Шундай қилиб, тилга олинган фермер, яъни Жимми Майлз ўзининг холасидан бир неча бор эшитган воқеани менга гапириб берди. Бир куни эрталаб Линкольн ва унинг хотини ўша ердаги кишилар билан бирга нонушта қилишаётганида, Линкольн нимадир дейди ва бу гап хотини Тоддга ёқмайди. Шунда у ҳамманинг кўз олдида чашкани қўлига олади-ю, қайноқ қаҳвани эрининг юзига сепиб юборади. Линкольн ҳеч нима демайди, ҳатто койиб ҳам қўймайди. Уй бекаси сочиқ олиб келиб, унинг юзини ва кийимларини артиб қўяди. Бу каби воқеалар Линкольнлар хонадонида бир неча бор такрорлангани эҳтимолдан холи эмас.

Линкольн хонимни ҳаддан зиёд қоралашга берилиб кетмайлик, аммо хоним бутунлай ақл-идрокдан маҳрум бўлган эди. Унинг фаҳм-фаросати анча олдинроқ руҳий турғунликка дуч келган ҳам бўлиши мумкин эди.

Бу ўринда диққатга молик ҳақиқат борки, мен Авраам Линкольн таржимаи ҳолини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келган эдим: у йигирма уч йил давомида бу бахтсиз оилавий ҳаётга қандай

бардош бера олди экан? Бирор шикоятсиз, зорла-нишсиз, аччиқ дашномларсиз, хотинининг қилми-ши ҳақида ҳеч кимга бир оғиз лом-мим демаслик. У бу азоб-уқубатларнинг барчасига муроса, сабр-тоқат билан бардош бердики, буни фақат олижаноблик, деб баҳолаш мумкин.

ЭНГ МАШҲУР ҚИШЛОҚИ

О.О.Ментир кўп йиллардан буён “Нью-Йорк: кун ортидан кун” рукнининг муаллифи сифатида машҳур эди. Унинг мақолалари ҳар куни мамлакатнинг 498 та газетасида босилар, ўқувчилар сафи эса энг камида йигирма миллион кишини ташкил этарди. У Нью-Йоркнинг кўп йиллик тарихида шаҳарнинг кундалик ҳаётини шарҳловчи энг машҳур киши эди. Миссури штатида дунёга келган бўлиб, ўттиз ёшига қадар бу шаҳарда ҳеч қачон бўлмаган эди.

Кўпгина дўстлари учун Оскар Одд Ментир ёки улар айтганидек, Одд узоқ вақт мобайнида Нью-Йоркнинг энг таниқли кишисига айланиб қолган эди. Бир неча йил бурун Техасга борганимда, Амарилло шаҳри аҳолиси Нью-Йоркдаги фақат икки кишини — О.О.Ментир ва репортёр Артур Брисбан ҳақида гапирар эди.

Ментирнинг шуҳрати шу даражада эдики, хатжилдга унинг кичкинагина расмини ёпиштириб, ҳеч қандай манзили ва фамилиясини кўрсатмасдан почта қутисига ташланса, бу хат тўппа-тўғри унинг Парк-авеньюдаги уйига етиб борарди. Ментир ҳар ҳафтада биттадан шундай мактуб оларди.

Одд Ментир билан боғлиқ кўпгина ғалати воқеаларни ҳикоя қилишади. У йилига 20 минг фунтдан зиёд маблағ ишлаб топарди. Аммо котибаси йўқ эди. Ўзининг барча мақолаларини Ментир ихчам

ва мўъжаз ёзув машинкасида ўзи чиқиллатиб ёзиб ўтирарди. Унинг ойлиги Қўшма штатлар президентининг маошидан ҳам кўп эди. Аммо у хизмат хонасига эга эмасди. Ментир хизмат хонасининг ички жиҳозлари нималардан иборат эканлигини ҳам билмас, чунки ҳамма ишини уйда бажарар эди.

Одд Ментир радиода чиқишни кўпам ёқтирмас, ҳолбуки кўпгина радиоканаллардан тинимсиз таклифлар олиб турарди. Масалан, шундай таклифлардан бирида унинг радиога чиқиши учун ҳар дақиқасига 100 фунтдан тўлашни ваъда қилишди. Аммо Ментир рад этди: бундай синовдан ўтиш ҳақидаги фикрнинг ўзиданоқ асабийлашиб, гудда-гудда эт пайдо қилиш мумкин эди.

Ҳолливуд бир неча йил мобайнида унинг босган қадамини таъқиб этди. Аммо Ментир жон-жаҳди билан экранда пайдо бўлишдан қочаверди. Бир неча бор фильмларга таклиф этишди. Шу мақсадда уни тенги йўқ шартларга қизиқтириб ҳам кўришди. Аммо Ментир оёқ тираб, нуқул таъкидлар эди: “йўқ ва яна йўқ!”

Ниҳоят, Ментирга топ-тоза варақ жўнатишди, унга ўзини қониқтирадиган ҳар қандай шартларни ёзиши мумкин эди. Аммо оппоқ варақ тез орада худди аввалгидек топ-тозалигича орқага қайтарилди.

Мен ундан ҳавасни келтирадиган, тўғрироғи, эртақлардагидай таклифларни рад этишининг сабабларини сўрадим. “Гап шундаки, мен гапиришни удалай олмайман”, — дея жавоб берди Ментир. Унинг сўзларига қараганда, бир кун тушликка меҳмонга таклиф этилганида, сўзлашга ҳаракат қилган, аммо ўрнидан турганида, нафаси тикилиб қолган, сўнг тутилиб, шу қадар дудуқланганки, бирорта ҳам сўзини тушуниб бўлмаган. Шу сабабли, агар у радиода сўзга чиқса ёки фильмда суратга тушадиган бўлса, бу уриниш бутунлай фалокат билан тугайди, деб ҳисобларди. “Қолаверса, бундан нима

наф? - дерди қўшимча қилиб Ментир. - Барибир ҳукумат ишлаб топилган долларларнинг саксон фоизини даромад солиғи сифатида олиб қўяди”.

Одд Ментир Миссури штатидаги Платтсбургда дунёга келган. Унинг отаси меҳмонхона соҳиби. Одд уч ёшда бўлганида онаси вафот этади. Уни Огайо штатидаги Галлиполис шаҳрида истиқомат қилувчи бувиси тарбиялаб вояга етказди.

Мен баъзан бу қишлоқи йигит қандай йўл билан Бродвейга келиб қолган экан, дея ўз-ўзимдан сўраб қоламан. Маълум бўлишича, бу қуйидагича рўй берган экан:

- Гўдаклигимда Нью-Йорк штатидан шахримизга кўз шифокори келиб турарди, - ҳикоя қилади Одд Ментир. - У, одатда, бувим учун кўзойнак танлар эди. Бу йигит ипак шляпа ва енгил хушбичим плашч кийиб юрарди. Ё Худо, деб ўйлардим, бу одам худди бошқа дунёдан келгандай-а! Мен унга кўзларимни лўқ қилиб қарардим. Сал бўлмаса, кўзларим қинидан чиқиб кетгудай бўларди. Эсимда, у мен кўрган нимчаси ёқасига оқ ёқача тақиб олган биринчи киши эди.

Кейинчалик Одд Ментир Галлиполисдаги меҳмонхонада тунги маъмур вазифасида ишлади. Ўша ерда Нью-Йоркдан келган меҳмонларнинг иссиқ пойафзал кийганини ҳамда Бродвей ҳақида билимдонлик билан сўз юритганини яқиндан кўриб турди. Қишлоқдан келган бола мазкур учрашувлардан жуда чуқур таассурот олди. Биринчи имконият туғилгани заҳоти унинг Нью-Йоркка отланганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Ўшанда Одда пул ҳам, ҳимоя қилувчи бирорта ҳомий ҳам йўқ эди. Аммо у ёш ҳамда иззатталаб киши эди. У Нью-Йорк ҳақида ҳикоя қилувчи барча китобларни ўқиб чиқди. Бир неча йил Огайодаги газетада ишлаб, “Хамптон” журнали нашриётидан ўзига жой топди. Аммо уч ойдан сўнг бу журнал касодга учради. Шунда Одд “Ивнинг мейл” газетаси нашриётида мусахҳиҳ ва

газета чиқарувчи вазифасида ишлади. Аммо тажрибаси етишмаслиги ва шу орада соғлиги ёмонлашгани туфайли уни ишдан бўшатишди.

Ана шу пайтдан бошлаб, Одд Ментир нимага интилган бўлса, адо этишга тутинди. Гарчи ҳеч ким чоп этишни истамаса-да, Нью-Йорк тўғрисидаги ҳар кунги янгиликлар ҳақида ёза бошлади. Шу сабабли, ёзганларини дастлаб газета-ларга бепул берди. Одд уларда муайян талаб пайдо бўлишини кўзлаган эди.

*Ана шу пайтдан
бошлаб, Одд Ментир
нимага интилган
бўлса, адо этишга
тутинди.*

У асабийлик туфайли шунчалик озиб-тўзиб кетдики, шу боис ўқтин-ўқтин ёзишга мажбур бўлди. У бир оз ишлар, кейин дам олиш учун каравотга чўзилар, сўнг яна туриб ишга киришар эди. Дарвоқе, Одд кейинчалик бутунлай тузалиб кетди ва йиллар давомида ўзини жуда яхши ҳис этадиган бўлди.

Одд Ментир яна бир ғалати хусусияти билан ажралиб турарди. У гарчи дунёдаги энг катта шаҳарлардан бирида яшаса-да, ҳамиша оломондан номаълум кўрқув ҳиссини туярди.

Ментир бир йил давомида ўзи яшайдиган меҳмонхонадан ташқарига чиқишдан мутлақо бош тортган. Шляпа кийган ва қўлларида занжир ушлаган дўстлар уни чиқиш эшигига қадар олиб келишди, аммо Одд йўлакка оёқ қўйишга мутлақо рози бўлмади - қандайдир кўринмас қўллар уни орқасига тортарди.

Психологлар бундай ҳолатни, яъни оломондан кўрқиш билан боғлиқ вазиятни алоҳида атама билан аташади. Одднинг айтишича, у йиллар давомида театрда бўлмаган экан. Кирганида ҳам, чиқиш олдидаги жойдан ўрин олган Бу театрдан тезроқ чиқиш учун эмас, балки одамлар тўпланган жойдан азбаройи кўрққанидан эди.

Одд Ментир ичмас, чекмас эди. Унинг менга манзират қилгани фақат чайнайдиган резинка сақич эди, холос. Ментирнинг “Роллс-ройс” машинаси ва ҳайдовчиси бўлса-да, аммо у пиёда юришни афзал кўрарди. Шунинг учун бир кунда энг камида уч миль пиёда йўл босарди.

Ментир кийим-кечак учун паришлик тикувчи Ланвинга буюртма берди. Унинг кийим-кечак жавони ҳашамдорлиги жиҳатидан шахзоданинг кийим жавони билан рақобатга киришадиган даражада бўлса-да, аммо одатда халат ёки узун пижама кийиб ишлайди.

Одд Ментирнинг яхши кўргани бор эди. Унга 24 ёшга кирганида уйланди. Одд севгилисини “Ёғли масхарабозим” деб атар, аёл эса “жазманим” дея мурожаат қиларди.

Унинг севимли киноактёри Вилли Рожерс, ёқтирган китоби “Инсоний эҳтирослар жафоси” (Сомерсет Моэм қаламига мансуб), севган мусиқаси “Ҳиндистон ҳақида қўшиқ” эди.

Оскар Одд Ментир 1938 йилнинг 14 феввалида 50 ёшга тўлишига бир неча кун қолганида оламдан ўтган.

КИЧИК МАЛИКА

Мен бир пайтлар буюк рус княгиняси Мариянинг меҳмони бўлиш бахтига мушарраф бўлганман. Унинг амакиси Россия императори Александр III бўлиб, мамлакатнинг сўнгги императори Николай II нинг тутинган иниси эди. Ёшликдаги дугоналари эса подшо қизлари бўлишган. Бизнинг учрашувимиз пайтида у подшо оиласининг ғарб дунёсидаги энг таниқли вакиласи ҳисобланарди.

Учрашувдан олдин у қандай инсон экан, деб ўйланиб қолдим. Дўстона ва демократмикан ёки совуқ, бефарқми? Шунини айтишим керакки, у ўзи-

нинг мафтункорлиги, ўзига хос жозибадорлиги билан менда катта таассурот қолдирди.

Мария менга ўзи билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Унинг сўзларига қараганда, ҳаётининг биринчи ярмида (учрашган пайтимизда қирқ ёшларда эди) тортинчоқ, қўрқоқ қизча бўлиб, ўзида ижобий хислатларни мужассам эта олмаганидан анча азият чеккан экан.

Мария Россия тахтини уч юз йилдан ортиқ бошқарган Романовларнинг бой-бадавлат ҳамда таниқли авлодига мансуб эди. Шундай экан, у ҳам болалигиданоқ олтин каретада — уч жуфт от қўшилган қизил-алвон либосдаги отлиқ гусарлар кузатувида аравада юри-

шига ажабланмаса ҳам бўлади. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, одамлар йўл чеккасида унга император

ҳазратлари олиялари сифатида кўз ташлаш учун соатлаб кутиб туришган.

Мария ақли норасолигидан жуда қийналар, буни мутлақо давосиз, деб биларди. Мазкур ҳолат ёшлигиданоқ унинг тарбиясидаги ўта

муҳим қусур бўлиб, ундан жуда кўп нарсани талаб этарди. У онасининг эркалаши ва ғамхўрлигини кўрмаган, буни ҳатто ҳис эта олмасди. Зеро, бир ярим

*Холаси унинг,
ҳатто кулишига ҳам
рухсат бермас,
сенинг кулишинг
жуда беўхшов ва
хунук, дер эди.*



Муваффақият тамойиллари

яшарлигида волидаси ўлиб кетган эди. Отаси қайта уйланди, аммо бу хотини машҳур кишилар сулоласига мансуб эмас эди. Бу вазият уни Россияни тарк этишга ундади. Ҳамма бойлигини ўша ерда қолдирди. Шу тариқа кичкина маликани асосан бегона кишилар - энагалар, тарбиячи хотинлар ҳамда муаллимлар тарбиялашди.

Олти ёшга кирганида, кичик малика битта-яримта русча сўзни гапира оларди. Гаи шундаки, ўша пайтда фақат инглиз тилини ўргатишган, холос. Шундаям дуруст ўргатишмаган. У сўзларнинг биринчи товушини асло талаффуз қилмас эди.

Мария туғилиши билан уни ўзи мансуб бўлган фаровонлик ҳамда имтиёзлардан бутунлай йироқ қилиб тарбиялашга уриндилар. Ўша пайтда подшо болаларида манмансираш, ўзини катта олиш хусусиятлари пайдо бўлиб, бу халқ ичида кучли норозиликка сабаб бўлаётган эди. Шу боис кичкина малика қалбига камситиш уруғларини сепиш муаллимларга буюрилган эди. Ва улар бу соҳада анча-мунча натижага улгурдилар ҳам.

Мариянинг менга айтишича, уни ўта шафқатсиз даражада оддийлик руҳида тарбиялашган. “Шафқатсиз оддийлик” сўзлари унинг иборасидир. Агар, айтайлик, Мария ўзининг тирноғига тенг келадиган нон ушоғини тушириб юборса борми, шу заҳотиёқ жазолашган. Нон бўлаги тушиб кетса, полдан олиб, стол устига қўйиш лозим. У жуда оддий таом билан овқатланган: масалан, нонуштада нон ва сут билан кифояланган, холос.

Кичик маликанинг кийимлари ҳам жуда оддий бўлган. Кўплаб миллионлар соҳиби бўлган оилада яшаб, атрофини турли суратлар ҳамда бошқа машҳур санъат асарлари қуршаб турган бўлса-да, у оддий пахталик кўйлақлар, худди шунингдек, қўлқоп ва

пайпоқлардан фойдаланган. Мариянинг сўзларига қараганда, турмушга чиқишга интилишига асосий сабаб, ипак пайпоқ кийишга мушарраф бўлишига имкон берилиши эди.

Кейинчалик у ўзининг амакиси ва холаси билан бирга яшади. Холаси унга рашк кўзи билан қарар ҳамда жиянининг уйда бўлишига зўрға чидарди. Агар у тушликка бир дақиқа кечикадиган бўлса ҳам, оғир жазога маҳкум қилишган. Меҳмонлар билан қизгин суҳбатга киришганида ҳам шундай жазога тортилган. Холаси унинг, ҳатто кулишига ҳам рухсат бермас, сенинг кулишинг жуда беўхшов ва хунук, дер эди.

Малика ҳеч қачон оила ўчоғининг ҳароратини ҳис этмаган. Унинг болалиги ёлғиз ва ғам-ғусса билан кечган. Бувиси, грек қироличаси Ольга унга она меҳр-муҳаббати ва эркалаши тўғрисидаги ҳақиқий тасаввурни уйғотган инсон бўлган. Мария бундан азият чекар, қани энди ўзимни бувимнинг қўлларига ташласам, деб интиларди. Аммо у эркаланишга ўрганмаган, эркаланишни нимадан бошлашни билмасди ҳам.

Ўн олти ёшга тўлганида, малика мандолина чалишни ўрганмоқчи бўлди. Аммо уни сотиб олиш учун пул йўқ. Амакисидан сўрашга журъат эта олмади. Шунда у ўзининг устозларидан бирига мурожаат қилиб, амакиси билан мандолина хусусида гаплашиб кўришни илтимос қилди.

Амакиси: “Албатта, олиб бераман”, — деди. Бу амакисининг охирги сўзлари бўлди. Бир неча сониядан сўнг, террорчи томонидан ташланган бомба парчаси уни бўлақларга бўлиб юборди.

ШУНЧАКИ ҚИЗИҚАРЛИ САРГУЗАШТ

Дейл КАРНЕГИ

Лабрадорлик доктор Гренфел дунёдаги энг бахтли инсонлардан эди. Унинг сочлари оқариб кетган, кўзлари ҳорғин, қўллари эса совуқ Арктика шамоллари туфайли қинғир-қийшиқ бўлиб қолган эди. У тўрт марта сузиб юрувчи музтоғ (айсберг)лар орасидаги кемалар қуршовида, бир куни эса тун бўйи қалқиб юрадиган муз устида қолиб кетган эди.

Бу инсон Лабрадорнинг поёнсиз ёввойи кенгликларида бедарак йўқолган деб ҳисобланди, у ўлгандан баттар бўлиб, яъни музлаб қолганди. Шунчалик оч қолган эдики, тюлен терисидан тикилган этигининг қайишини ейишга мажбур бўлган.

Гренфел етмиш ёшида вафот этди. У ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмай, дунёдан кўз юмди.

Лабрадорлик Гренфелга раҳмдиллик қилишга ҳечам шошилманг. Масалан, менинг раҳмим келмади, аксинча унга ҳавас қилдим. Чунки Гренфел бу ёруғ дунёда ўзига яраша ягона фаровонликка эга бўлди: у бахт ва иқболга сазовор, ўзидан мамнун инсон эди.

Доктор Гренфел Оксфорд университетини тамомлаб, Лондоннинг ҳашаматли тумани Мейферда амалиёт ўтказувчи шифокор бўлди. Унинг амалиёти кенгайиб, гуллаб-яшнади, бу келажаги порлоқ бўлишидан дарак берарди. Аммо Гренфел дам олиши лозимлиги учун ёзги таътилни Лабрадор балиқчилари орасида ўтказмоқчи бўлди.



Лабрадор совуқ, тунд мамлакат бўлиб, Канада-нинг шарқий қирғоқларидан Ньюфаундленднинг жанубга, Гудзон қўлтиғигача шимолга бир ярим минг мил чўзилиб кетган. У йилнинг ўн ойида қор билан қопланиб ётади. Ер фақат июль ойининг охирида қордан халос бўлади. Бу ғамгин мамлакатнинг бепоён кенгликлари ҳосилсиз. Шу боис маҳаллий балиқчилар ўзларининг оз миқдордаги сигирларига емиш сифатида тузланган треска (шимол денгизи балиғи) ҳамда кит думини беришади. Бу яйдоқ ва муздан иборат жойда истиқомат қилувчи ўттиз минг балиқчи учун битта ҳам жарроҳ йўқлигини билган доктор Гренфел ҳайрон қолган.

Ўша ёзда у балиқчилар учун қўлидан келган барча ишни қилди. Кузда эса Лондонга қайтди. Лабрадордан ортга қайтган Мейферга ўзининг бойбадавлат беморларига ҳапдори ёзиб бериш бемаъни ва номуносиб машғулот бўлиб кўрина бошлади. Уни Шимол чорлар эди. У бу чақириққа “лаббай” дея жавоб берди ва 42 йил давомида Лабрадор қирғоқлари яқинида сузди. Энг машҳур ва эътироф этилган шифокор сифатида бутун дунёга танилди. Одамларга беғараз ва қаҳрамонларча хизмат кўрсатганлиги боис инглиз қироли Жорж томонидан рицарлик унвонига сазовор бўлди.

Доктор Гренфел ўзининг қизиқарли саргузаштлари тўғрисида менга соатлаб гапириб берарди. Бир куни уни кекса кампир ҳузурига чақиришади. Момонинг оёқларини муз қисиб, синдириб юборганди. Қорасон (гангрена) бошланган, кампирни қутқаришнинг ягона йўли оёқни кесиб ташлаш эди. Аммо тақводор кампир муқаддас китоб - “Инжил” йўл-йўриқлари руҳида тарбиялангани учун хлороформдан бош тортди. У йўл қўйган гуноҳларим учун Худо мени жазолади, дардга чидашни буюради, деди. Ҳеч ким ва ҳеч нима бу момонинг фикрини ўзгартиришга қодир эмас эди.

Кампирнинг ёши катта бешта ўғли онасини босиб, куч билан тутиб туришига тўғри келди. Доктор Гренфел эса наркозсиз унинг оёғини кесиб ташлади. Операция пайтида кампир лом-мим демади, овоз чиқармади, докторнинг айтишича, бундай синов унинг шахсан ўзини сал бўлмаса оғир ташвишга қўйган эди.

Доктор Гренфелнинг манзилига дунёнинг барча томонидан китоблар, кийим-кечаклар келар, доктор уларни маҳаллий аҳолига ёрдам сифатида тарқатиб юборарди. Бир куни у тўпикдан болдиргача беркитиб турадиган иссиқ оёқ кийимлари - гетрларнинг бутун бошли партиясини қабул қилиб олди. Табиат қўйнида чиниққан қўпол балиқчилар гетр кийишармиди? Бошқа жўнатмада эса қизил овчилар халати ва ипак шляпа бор. Кимдир бундан юз йил аввал чоп этиган юриш-туриш қоидалари тўғрисидаги китобни юборибди. Китобни титиб, кулба деворларига елимлаб ташлашди. Чунки қари денгиз бўрилиари кулбага бош суқиб, ҳозирги узундан-узоқ қиш кечаларида китоб саҳифаларини ўқиб, шунча йил муқаддам маданий жамиятда одамлар ўзларини қандай тутганликларини билиб олишарди.

Лабрадорнинг диндор, ирим-сиримларга ишонадиган балиқчилари кўпинча очликдан азият чекардилар. Бир куни доктор Гренфел аҳолиси очлик туфайли ўлим ёқасига келиб қолган чекка қишлоққа бориб қолди. Маълум бўлишича, бир неча ҳафта давомида уларда тузли сув ва ундан тайёрланган пастадан ташқари ҳеч қандай озуқа бўлмаган. Шунга қарамай, улар ўзларининг чўчқаларига қўл теккизишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Нима учун, деб ўйлашингиз мумкин. Сабаби битта: қишлоқ черковига ёпирилиб кирган чўчқалар у ерда “Инжил”ни топиб олган ва уни паққос еб қўйишган. Шундай қилиб, у ерда чўчқалар авлиёлар қаторига ўтиб, умум фикрига

кўра, уларга Худо кириб қолган эмиш. Шу боис бу жониворларга ҳеч ким яқинлашиб, қўл теккиза олмасмиш.

Доктор Гренфел энг унутилмас саргузаштни 1908 йили пасха арафасидаги якшанба куни бошидан кечирган эди. Олтмиш мил наридаги масофада турган одамнинг қариндошлари ёрдам сўраб, докторга мурожаат қилишди. Агар операция қилишмаса, шўрликнинг ўлиб қолиши ҳеч гап эмас, айти дама у жон талвасасида экан. Доктор чанага итларни қўшди-ю, олға қараб интилди.

*Муз бўлаги
Гренфелни ҳаддан зиёд
олисга олиб кетган,
мингдан бир имконият
ҳам қолмаган,
докторни бирор киши
пайқашни амримахол
эди.*

Вақтни қисқартириш учун у яқин йўлдан - музлаб қолган кўрфаз орқали ўтмоқчи бўлди. Тўсатдан шамолнинг йўналиши ўзгарди ва музни океанга қараб ҳайдади. Аҳвол ўнгланиб бўлмас даражага етиб қолди. Итлар хавф-хатарни сезиб, қирғоққа қараб талпиндилар. Аммо энди кеч бўлганди. Мўрт муз тутиб тура олмади ва улар сувга қуладилар. Доктор Гренфел пичоғини олиб, бир зарб билан қайишларни кесиб юборди. Чана барча асбоб-ускуналар ҳамда иссиқ кийим-кечаклар билан сувга чўкиб кетди. У эса итлар билан қирғоқдан узилган муз устида қолиб кетди. Гренфелнинг уст-боши гўё музлаган совутга айланди. Шамол қулоқни тешгудай эсар, тун бостириб келмоқда эди. У совуқдан муз қотаётганини сезди, гўё энди яхлаб ўлиб қолиши тақдирида битилгандай эди.

Фақат битта йўли қолган. Гренфел сафар пичоғини чиқариб, учта итни бирин-кетин ўлдирди. Шамолга қарши оддийгина пана жой ясади. Совуқдан титраб, итларнинг юмшоқ жунига ўралди ва тун бўйи океан

узра сузаётган муз устида ухлади. Тонг отгач, у ит суякларини кесиб, уларни бир-бирига улади-да, ўзига хос таёқ ясади ва бу таёқ учига ўзининг кўйлагини илди. Узоқ чўққили қирғоқ томонга қараб, умидсизлик билан уни силкита бошлади. Вақт ўтар, қутулиш ҳақидаги умидлари сўниб бормоқда эди. Муз бўлаги Гренфеллни ҳаддан зиёд олисга олиб кетган, мингдан бир имконият ҳам қолмаган, докторни бирор киши пайқашни амримаҳол эди.

Бирдан унга қуёш нурида нимадир ялтираб кетгандай туюлди. Йўғ-эй! Бундай бўлиши мумкин эмас. Шунчаки узоқ толиқишдан сўнг кўзи тиниб, кўриниб кетгандир. Аммо у яна нимадир чақнаганини кўриб қолди. Ҳа, бу эшкак шуъласи эди! Гренфел сари музни четлаб, қайиқ яқинлашди. Доктор қутқариб олинди.

Унинг ҳиссасига яна жуда кўп синовлар тушган эди.

Мен бу ҳақда доктор Гренфелдан сўраганимда, у кескин қаршилиқ кўрсатди.

— Керак эмас! Мени азоб кўрган киши қилиб кўрсатманг! Бу шунчаки қизиқарли саргузашт, холос. Энг охирида бирор нарсани эсласа бўлади.

ЎЗУВЧИ БЎЛИШ ЯХШИМИ ЁКИ АРИҚ ҚАЗИШМИ?

Исо Масих туғилишидан беш аср муқаддам грек драматурги Эсхил ўзининг ўлмас трагедияларини Афина саҳналарида қўйган. Аммо энг қадимий даврдан ҳозирга қадар бирорта асар намоёйиши “Кичкина хотинлар” китоби асосида ишланган фильм каби катта муваффақият қозонмаган. Мазкур киноасар Нью-Йоркда сурункасига уч ҳафта мобайнида қўйилган эди.

Ҳатто, фильм премьерасининг ўн еттинчи кунда ҳам чиптага талаб шунчалик катта эдики,

одамларнинг навбатда тургани бир неча мавзегача чўзилиб кетди. Рождество ҳадясини олиш учун келган харидорлар бу навбатни кўриб, ҳайратга тушишган. Мазкур ҳолатни Нью-Йоркнинг бутун тарихида бирор марта кузатишга тўғри келмаган эди.

Ушбу сентиментал нодир асарларни ёзиш тарихининг ўзи ҳам худди эртакни эслатади.

Луиза М.Олкотт ўзининг болалик йилларида тўполончи, шўх қиз бўлиб, ҳақиқий ўғил болаларнинг айнаи ўзи эди. Ҳатто, вояга етганидан кейин ҳам ўзи ҳақида гапириб, қизларга доир муаммоларга қизиқмаганини, айниқса, улар тўғрисида ҳеч



қачон ёзишни мўлжалламаганини айтган эди. Аммо Луизанинг ношири айнан қизлар тўғрисида китоб ёзишни талаб қилиб, оёқ тираб олди. Ич-ичидан қаршилиқ кўрсатса-да, у, барибир, кўнишга мажбур бўлди.

Ҳозирги пайтда адабий доираларда муаллиф асар ёзаётганида, завқ-шавқ, шодлик туйғусини ҳис этмаса, унга мурожаат қилган китобхон ҳам ҳеч қандай хурсандчиликни туймайди, деган ақида аксиомага айланиб кетган. Луиза Олкоттга келганда, айтиш жоизки, у “Кичкина хотинлар” китоби устида ишлар экан, ҳеч қандай қониқиш ҳиссини туймади. Луиза шу даражада жигибийрон бўлардики, ўзининг қаҳр-ғазабини зўрға тийиб турарди. Вақти-вақти билан у қаламини бир четга қўйиб, ҳуштак чалиб итини чақирар, сўнг уйи яқинидаги ўрмонда кезиб

юрарди. Бошқа кунлари қўлёзма жонига текканида, бутун шаҳар бўйлаб, шоша-пиша ўзининг яқин дўсти Ралф Эмерсон билан битмас-туганмас тортишувлар ила вақт ўтказиш учун борарди.

“Кичкина хотинлар” устидаги ишни тугатгач, унинг барбод бўлишини кутди. Қарангки, бунинг ўрнига эътирофлар, муваффақият ёғилиб кетди. Китоб бирдан харидоргир бўлиб, етмиш йил давомида диққат-эътибор қозонди. Шу муддат ичида уни энг камида етмиш миллион киши мутолаа қилди. Кутубхоначиларнинг эътирофига кўра, у дунёда қизлар учун энг оммабоп машҳур қисса бўлиб қолган.

Луиза Олкотт ўсмир ва ҳаётдан масрур экан, Массачусетс штатининг Конкорд шаҳри жамоаси у ҳақида ижобий фикрламас эди. Аслида у ҳуштак чалар ва кўйлагини тиззасигача кўтариб, ўғил болалар билан пойга чопишарди. У, ҳатто олма дарахтига тирмашиб чиқар, катта шохга ўтириб

китоб ўқир эди. Конкорд-нинг пешқадам кишилари бир неча бор танбеҳ бериб, бу яхшилик билан тугамайди, дейишган.

Луиза Олкотт ҳаммадан кўра хаста онасига ҳамда кичик сингилларига ёрдам бериш, уларни қўллаш мақ-

*Қўли ҳаддан зиёд
очиқ, сахий бўлган
ота бир кун
қўшниларига охирги
ўтинни ҳам
тарқатиб берди.*

садида ёзувчиликка қўл урган эди. Отасидан умид қилиб бўлмасди. Бу эркак хушмуомала, ёқимтой, ҳар жиҳатдан мўмин-қобил бўлиб, қўшнилари шундай деб таърифлашса-да, аслида бир умр хаёлпараст ва ўз ўйлари билан банд киши эди. Тўғри, у баъзан маърузалар билан чиқиш қилар, бундан бир ёки икки фунт топар, аммо бу чиқишларни ҳеч ким эшитиш-ни хоҳламас эди. Отаси асосий вақтини уйда ўтказар, хушбахтлик ила тирсакларини қашир ва нуқул одми

ҳаётни мақтагани-мақтаган эди. Ана шундай пайтларда оила эртага бир бурда нонни қаердан топишни сира билмас эди.

Қўли ҳаддан зиёд очиқ, сахий бўлган ота бир куни қўшниларига охирги ўтинни ҳам тарқатиб берди. Буни кўриб, хотини ва қизлари, ўзимиз совқотиб турибмиз-у, энди нима билан печни қизитамиз, деб шикоят қилишди. Шунда отаси бепарво ҳолда: “Ташвиш тортманглар, Яратганнинг ўзи бизга ўтин юборади!” — деди уларга.

Шу сўзлардан сўнг ҳаммалари кўрпа ичига киришди, бу билан салгина қолган илиқликни сақламоқчи бўлдилар.

Ўша тунда Янги Англия бўйлаб қор бўрони кўтарилди. Эртаси куни уйғониб, Олкоттлар оиласи шундоқ уйлари олдида ўтин ётганини кўрдилар. Маълум бўлишича, ўша ўтган тунда юк ортган қандайдир фермер қорда ботиб қолган ва аравадаги юкни ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Луизанинг отаси эса, бу ўтинни Худонинг ўзи юборган, деб ишонди ва ундан фойдаланишни кечиктирмадилар.

Луиза Олкотт биринчи марта ўзининг ҳикояларини ноширларга юборганида, улар бамисоли деворга тепилган тўпдек қилиб, дарҳол қайтаришган. Қарангки, бир муҳаррир унга очиқдан-очиқ жамоатчилик диққатини тортадиган асар ёза олмаслигини айтди. Шу билан бирга Луиза Олкотт адабий машғулотини бир умрга ташлаб, фойдали бирор иш билан шуғулланиши зарурлигини илова қилди.

Конкордда ҳозиргача Луиза Олкотт яшаган эски уй сақланади. У ерда ҳар йили 23 мингга яқин одам ибодат қилади. Улар учун бу маскан муқаддас ҳисобланади. Мен, масалан, ташрифим чоғида бир аёлнинг йиғлаб, Мег ва Жо, Бес ва Ами яшаган,

азият чеккан, яхши кўрган хоналари бўйлаб юрганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бир шуҳратпараст навқирон йигит адабиёт соҳасида нуфузга эга бўлишни орзу қилган ва у Луиза Олкоттдан ёзувчи бўлиш ёки бўлмасликни билиш учун маслаҳат сўраган эди. “Йўқ, — деб жавоб берди унга адиба, — йўқ, сиз албатта, бошқа бирор иш билан, масалан, ҳеч бўлмаганда, ариқ қазиш билан машғул бўлинг”.

МАОШСИЗ ОЛТИ ОЙ

Барбара Хаттон Грант 21 ёшга тўлганида, меҳмонларни чақириб, зиёфат уюштирди. Уларни майин, экзотик мусиқа билан тунги сукунатни тўлдирган венгер оркестри кутиб олди. Бу ерга таклиф этилган опера сахнаси юлдузлари меҳр-муҳаббат ва бахт-содат тўғрисида қўшиқ куйладилар.

Барбарада мазкур зиёфатни ташкил этиш учун барча асослар бор эди. Ахир у тўрт миллион фунт стер-

*Бу инсоннинг
ҳаётда муваффақият
билан одимлашига
имкон берадиган,
бошқаларга нисбатан
битта муҳим
имтиёзи бўлиб, у
камбағал эди.*

лингга яқин маблағни мерос қилиб олган. Тўрт миллионни қаёқдан олди, деб сўрашингиз мумкин. Унинг бир қисми тўппа-тўғри сизнинг чўнтагингиздан бориб тушган.

Гап шундаки, Барбара Хаттон Грант Франк Вулворснинг набираси эди. Шундай қилиб, агар сиз олти

пенс сарфлаб, Вулворс дўконларининг биридан маҳсулот харид қилсангиз, унинг бир қисми тўғридан-тўғри малла сочли мана шу гўзал аёл ҳисобига келиб тушарди.

Аёлнинг осонгина хўжайинлик қилаётган ушбу миллионларни унинг бобоси қаердан топди экан? Бу инсоннинг ҳаётда муваффақият билан одимлашига имкон берадиган, бошқаларга нисбатан битта муҳим имтиёзи бўлиб, у камбағал эди.

Франк Нью-Йорк штатидаги Вотертаундан унча узоқ бўлмаган фермада яшар эди. У шу қадар муҳтожлик гирдобиди қолгандики, йилнинг деярли олти ойи давомида оёқ яланг юришга мажбур эди. Франкнинг ҳатто пальто сотиб олишга ҳам пули бўлмаган, у қишни озми-кўпми бир амаллаб ўтказиб олса кифоя эди.

Айнан ана шу камбағаллик унинг ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Бу ёш йигитчада шуҳратпарастлик уйғотиб, қандай бўлмасин, одамлардан ўзиб кетишдек эҳтиросли хоҳиш-истак пайдо қилди. У фермани кўрарга кўзи йўқ эди. Дўкон эгаси бўлишни орзу қиларди. Шу сабабли вояга етгач, чанага қари бияни кўшиб, Нью-Йорк штатидаги Картхажга қараб йўл олди. Иш ахтариб, у ердаги барча дўконларни айланиб чиқди. Аммо бирор киши Франкнинг хизматига муҳтож эмасди. Бунинг учун асослар бор эди. Франк, айтиш мумкинки, ҳали ҳаддан зиёд ғўр, думбул, бирорта ажралиб турадиган фазилатлари ҳам йўқ эди. Бунинг устига у сочи батартиб тараш, оқ ёқа ёки бўйинбоғ тўғрисида зиғирчаям тушунчага эга эмас, бошқа жиҳатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ниҳоят, Франк темир йўл агенти билан танишди, у бир вақтнинг ўзида саройдаги мослаштирилган



Муваффақият тамойиллари

дўконда баққоллик моллари билан савдо қилар эди.

Вулворс унга ҳеч қандай ҳақ олмай, ёрдам беришга аҳд қилди, унга қолса, Франк фақат тажриба орттирса кифоя эди. Кейинчалик у газмоллар сотиладиган дўкондан иш топди. Афсуски, хўжайини янги ёрдамчисиди харидорлар билан муомала қилишга тегишли малакаларни мутлақо сезмади. Шунга мувофиқ, унинг бажариши зарур бўлган мажбуриятларини белгилаб берди, бунга кўра, у эрталаб ишга келиши, печкага ўт ёқиши, ойналарни ювиши ҳамда мол-маҳсулотлар билан тўлган қути ва ўрамларини келтириб қўйиши шарт эди. Франкни мустақил равишда савдо қилишга қўйишмас, у фақат харидорлар кўпайиб кетсагина савдо қилар эди, холос.

Маош масаласида эса босс унга олти ой давомида ойлик бермасликни мўлжаллади. Ишнинг бу даражада тескарисига айланишини кутмаган Вулворс ўзининг ихтиёрида фақат ўн стерлинг пул борлигини, уни ҳам фермада ишлаган охириги йилларда жамғарганини айтди. Бор-йўғи шу! Франк дастлабки уч ой мобайнида агар дўкон хўжайини кунига икки шиллингдан тўлаб туришга рози бўлса, ишлай олишини айтди. Аммо иш ҳақи тўлашга келганда, унинг кунига ўн беш соатдан ишлашига тўғри келди. Шундай қилиб, ҳар бир соат унга жами бўлиб, уч пенсга тўғри келар эди.

Ниҳоят, Вулворс бошқа дўкондан ҳафтасига икки фунтдан ҳақ олиш эвазига иш топишга муваффақ бўлди. Аммо у ерда ертўлада қўлига тўппонча олиб ётишига тўғри келди, дўконни ўғрилар ҳужумидан қўриқлаш керак эди.

Хўжайин янги ишга келган Вулворсни камситар, ҳақорат қилар, унинг ишга бутунлай қобилиятсизлигини айтар, ҳар қандай баҳона билан маошини кесар, ҳайдаб юбориш билан таҳдид қиларди. Бу одамдан яхшилик чиқмаслигини билган

Франк асаблари титраб-қақшаб дўконни тарк этди-да, ўзининг фермасига қайтди. Аммо у ерда ҳам иши ўнгидан келмади.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг! Чакана савдода энг машҳур сотувчи бўлиш умидида юрган, аммо биринчи тажриба-сидаёқ боши гангиб қолиб, бизнэсда иштирок этишга доир фикрларидан воз кечган, бунинг ўрнига жўжа етиштиришга киришган бўлса!

Унинг ишни ташкил этиш ғояси ўта оддий, шу билан бирга жуда нодир, ягона эди.

Совуқ март кунларининг бирида фермага, уни тамомила ҳайратга солган собиқ хўжайинларидан бирининг вакили иш таклиф қилиб келиб қолди.

Қиш ҳали кетмаган эди. Ер салкам уч фунт қор билан қопланган. Ўша куни Вулворснинг отаси бозорга картошка олиб кетмоқчи эди. Франк картошка тўлдирилган халталар билан лиқ тўла чанага ўтирди-да, Вотертаунга йўл олди. Энди у чинакамига ўз фаолиятини бошламоқчи эди. Бу Вулворсга шунчалик бойлик ва обрў-эътибор олиб келдики, у хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Вулворс муваффақиятининг сири нимада? Унинг ишни ташкил этиш ғояси ўта оддий, шу билан бирга жуда нодир, ягона эди. Вулворс олтмиш фунт қарз олиб, дўкон очди. Бу дўконда битта буюм олти пенсдан зиёд нархда сотилмасди. Аммо дастлабки шундай дўкон дарҳол касодга учради. Кейинги кунлари у ўн фунт олтмиш пенсдан бошқа даромад қила олмади. Тўрт дўкондан учтаси касодга учради.

Қарздор бўлмасликка уринган Вулворс ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш олиб борарди. Шундай қилиб дастлабки ўн йил мобайнида у шундай дўконлардан йигирматасини очди.

Охир-оқибатда Вулворс Франк Американинг энг бадавлат инсонларидан бирига айланди. Вулворс ўзи

учун дунёдаги энг баланд бинолардан бирини идора сифатида қурди, унга икки миллион саккиз юз фунт нақд пул тўлади. Ўзининг уйига йигирма минг фунт қийматидаги органни ўрнатди, шу билан бирга нодир мемориал анжомларни, Наполеон номига алоқадор ашёларни тўплаш билан шуғулланди.

Узоқ йиллар муқаддам у камбағал ёш йигит бўлиб, тақдирнинг оғир зарбалари остида ўзига нисбатан ишончни бутунлай йўқотган эди. Ўшанда онаси унинг елкасига қўлини қўйиб, шундай деган эди: “Номид бўлма, ўғлим, сен вақти келиб, дунёдаги энг бадавлат одамга айланасан”.

МАРМАР ТОБУТ ЎҒРИЛАРИ

Қалбаки пул ясовчи Кинлининг “Катта Жим” номли тўдаси Қўшма штатлар махфий хизмат ходимларини кўп марта доғда қолдирган ва боши берк кўчага кири-тиб қўйган эди. Тўда аъзолари турли қилиқлари, мак-корликлари ва кескин хатти-ҳаракатлари билан тадбиркорлар ҳамда тижоратчиларнинг қаҳр-ғазабини ошириб-тошириб юборишди. Улар йиллар давомида кўп даромад топишнинг ҳақиқий пирига айланишди. Бу ҳол 1876 йилгача, яъни тўда тугатилгунга қадар давом этди. Уларнинг йиққан-тергани — ўмаргани тугаб, ниҳоясига етди. Чунки сохта пулларни ясаш бўйича бош му-тахассис Бен Бойд қамоқда эди.

Жиноят устида қўлга олинган Бен Бойд тўппон-чалар ўқи остида турмага олиб борилган ва Иллинойс штатидаги Жолиетеге ўн йилга сургун қилинганди. Шундай қилиб, тўда аъзолари учун жуда тушкун вазият юзага келди. Улар кенгаш ўтказиб, “уруш” очишга, жанг сўқмоғига киришга қарор қилдилар. Пулга ҳирс қўйган ва жазоланмай қолишгани боис ҳушини йўқотмаганлар қасам ичиб, қандай

бўлмасин, Бен Бойдни қамоқдан озод қилмоқчи бўлдилар. Шу тариқа 1876 йилда тап тортмасдан жиноятга қўл уришди, бу эса миллатнинг қаҳр-ғазабини ошириб, миллионлаб одамларнинг қонини қайнатиб юборди.

Тўда аъзолари у эмас, бу эмас, балки Авраам Линкольн жасадини қабрдан ўғирлаб, махсус узун қопга солиб, фургонда, отларни доимий равишда алмаштирган тартибда, Шимолий Ин-

*У гугурт ёқиб, сигара тутатди ва шивирлаб махфий сўзни айтди:
“Иш битди”.*

дианагача етиб олишга қарор қилдилар. У ерда эса жасадни Мичиган қўли қирғоғидаги алоҳида қумтепаларидан бирига, оқ чайкалар учиб юрган ҳамда шамоллар эсиб, барча изларни қумлар йўқотиб юборадиган жойга кўмиб юборишни мўлжалладилар.

Мазкур воқеа рўй бергач, бутун миллатни ҳаяжон қуршаб олади, ана шунда сохта пул ясовчилар сурбетларча ўз қатъий талабларини олға суришни назарда тутадилар. Улар мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган Авраам Линкольн жасадини, ҳукумат Бен Бойдни қамоқдан озод қилгач қайтаришни, шунингдек, 50 минг фунтни мукофот тариқасида талаб этишни шарт қилиб қўялиган бўлишди.

Тўда аъзоларига қонун ўзи хавф-хатар тугдирармиди? Мутлақо йўқ, чунки Иллинойс штатида жасадни ўғирлаганлик учун жазо белгиланган қонун йўқ эди.

Мана, 1876 йил 6 ноябрь куни кечқурун Кинлидаги “Катта Жим” тўдасининг уч вакили Чикаго поездига ўтириб, Иллинойс штатидаги Линкольннинг она шаҳри — Спрингфилдга йўл олди.

Улар Чикагони тарк этишдан аввал Лондон газетасини сотиб олиб, унинг бўлакларидан бир қис-

мини Чикаго бари пештахтасидаги Линкольн бюсти олдида унутиб қолдиришди. Дарвоқе, тўданинг штаби ҳам ўша ерда жойлашган эди.

Талончилар, ушбу газета парчаси изқуварларга жиноятнинг изини очиш учун калит вазифасини ўтайди, деб Линкольн жасадини олгандан сўнг уни сағанада қолдирмоқчи бўлдилар. Жамоатчилик газаби кучайса, улар Иллинойс штати губернатори билан боғлиқ шартларни ўртага қўядилар.

Аммо губернатор кимлар билан иш олиб боришини қандай билади? Бу жуда осон. Ахир қабристон ўғрилар ишот сифатида Лондон газетасини тақдим этишади. Унинг йиртилган қисми тўла-тўкис асосийси билан мос келади. Шу тариқа айнан ўхшатиш таъминланади.

Ниҳоят орсизларча режалаштирилган фитна ишга тушди. 1876 йилнинг сайлов арафаси кечасида босқинчилар Спингфилдга ташриф буюрдилар. Жиноятни амалга ошириш учун бундан бошқа фурсатни топиш қийин эди. Чунки айнан ўша тунда сайловчилар орасида эҳтирослар авж олиб, ўзининг энг юқори чегарасига етарди.

Ўшанда эндигина бўлиб ўтган президент сайловлари натижалари ҳақида симлар орқали дастлабки маълумотлар олинмоқда эди. Спингфилд мазкур воқеалардан ўзида йўқ шод эди. Ғалаба қозонганликларини сезган сайловчилар оломони қичқириб, қўшиқ кўйлаб ва рақсга тушиб, қўлларида ёниб турган машъалаларни кўтарганча, шаҳар кўчалари бўйлаб юриш қиларди. Бахмал тун қоронғуси ҳам намоиш ўтказётганлар ёндирган бочкалардан ёришиб кетган эди.

Сағанани очиш учун бундан ортиқ қулай фурсат бўлармиди? Ахир Линкольн бор-йўғи бир миль нарида, шаҳарнинг қоронғу ва кимсасиз ўрмонида ётарди.

Ўзларининг хавф-хатарсиз эканлигига тўла-тўкис ишонган ўғрилар сағананинг темир эшиги қулфини арралаб кесишди. Сўнг ичкарига кириб, тобутнинг

мармар қопқоғини очиб, ёғоч тобутнинг ярмини чиқаришди.

Айни пайтда тўда аъзоларидан Свеглэс исмли киши шерикларини икки юз ярд нарида жойлашган шарда кутиб турарди.



Аммо Свеглэс улардан эмас эди. Аслида у махфий

хизмат кишиси бўлиб, қўл остидаги саккиз нафар қуролланган изкувари белгиланган ишорани кутганча ишга киришишга шай турарди.

Свеглэс улар қамал қилиб турган жойга яқин келди ва белгиланган ишорани етказди: у гугурт ёқиб, сигара тутатди ва шивирлаб махфий сўзни айтди: “Иш битди”.

Махфий хизматнинг саккизта ходими тўпончаларини маҳкам тутган ҳолда яширинган жойларидан сакраб туришди, Свеглэс билан бирга қоронғи сағанага томон бориб, уни ўраб олишди-ю, ўғриларга таслим бўлишни таклиф қилишди.

Аммо ҳеч қандай жавоб йўқ эди. Шунда изкуварлардан бири гугурт ёқди. Улар саркофагдан ярим чиқариб қўйилган тобутни кўрдилар. Ўғрилар қани? Яширинишга улгуришдими? Изкуварлар қабристонни ҳамма томондан синчиклаб ахтара бошладилар. Кўкка чиққан ой дарахтлар устини ёритиб юборди. Аччиқланган изкуварлар тўппончадан пала-партиш ўқ уза бошладилар. Бу вақтда Свеглэсни юз ярдча нарида кутиб турган ўғрилар эманзор орқали тарқалиб, қоронғиликка сингиб кетишди.

Орадан ўн кун ўтгач, улар Чикагода қўлга олинди. Кишанланиб, Спингфилдга олиб келинди ва маҳаллий қамоқхонага қамаб қўйилди, кучайтирил-

ган кузатув остида кечаю кундуз кўриқланди.

Линкольннинг тўнгич ўғли Роберт тўдага қарши етарли даражада иш юритиш учун Чикагонинг энг яхши адвокатларини ёллашга интилди. Синовлардан ўтган, неча чиғириқдан чиққан чикаголик адвокатларнинг эса ўзларига хос қатъий иш тартиби мавжуд эди. Илгари тилга олинганидек, Иллинойсда жасадни ўғирлашда айблаш бўйича қонун мавжуд эмас эди. Бунинг устига ўғрилар аслида ҳеч нимани ўғирламаган эдилар. Шу боис уларга қиймати ўн беш фунт турадиган тобутни ўғирлашда уринганлик айблови эълон қилинди.

Натижада турли ҳуқуқий чигалликлар зарурияти туфайли иш судда фақат саккиз ойдан сўнг кўрилди. Унгача рўй берган воқеа муносабати билан жамоатчиликнинг қаҳру ғазаби кучайган бўлса-да, айти дамда анча сўниб қолди.

Иш биринчи марта кўрилганида, тўртта маслаҳатчи ўғриларни жазосиз қўйиб юборишни сўраб, овоз берди. Иш қайта кўриб чиқилганида, ўн икки маслаҳатчи келишувга боришни афзал кўриб, Линкольн жасадини ўғирламоқчи бўлганларга фақат ўн икки ой қамоқ жазоси беришга ҳукм қилишни маъқулладилар.

ҚИМОРБОЗНИНГ НОГИРОН ЎҒЛИ

Бундан юз йил муқаддам бир гуруҳ болалар Лондоннинг чекка кўчаларидан бирида ўйин билан машғул эдилар. Шу пайт ўсмирлардан бири Берти Уэллс номли жажжи болакайни тутиб олди-ю, завқланганча осмонга ирғитди. Аммо қайтиб тушаётганида уни тута олмади. Бола ерга келиб урилди ва оёғини синдириб олди.

Берти бир неча ой давомида оғриқдан томирлари тортишиб, тўшакда оёғига оғир юк боғланганича ётди. Унинг суяги етарлича ўсмади. Оёқни яна қайта

синдиришга тўғри келди. Кичкина Берти кучли оғриқдан, ўзини қамраб олган даҳшат ва тушкунлик туфайли бор овозда қичқирар эди.

Ушбу можаро чинакам фожиа тусини олган эди.

Аммо вақт ўтиши билан Берти энг машҳур ёзувчи бўлиб етишгач, буни мутлақо бошқача баҳолади.

Сиз бу ёзувчини биласиз, тўғрироғи, уни Берти деб эмас, балки Герберт Уэллс деб эшитгансиз. Ўйлашимча, унинг асарларини ўқигансиз. Улар ҳаммаси бўлиб, етмиш беш жилддан ошиб кетади.

Уэллс ўтган йилларга назар ташлаб, шуни эътироф этган эдики, болалигида оёғи синиши билан боғлиқ бахтсизлик ўз оқибатига кўра, унинг ҳаётидаги энг бахтли воқеа ҳисобланади. Нега деб сўрашингиз мумкин. Чунки айнан шу кўнгилсизлик туфайли у ёзувчи бўлиб қолди. Ахир Уэллс бутун йил давомида уйда ўтириб қолишга мажбур эди-да. Шу муддат ичида у қўлига тушган барча китобларни ўқиб тугатди, чунки бундай вазиятда бошқа иш қила олмас, фақатгина мутолаа билан машғул бўларди. Натижада, унда китобга муҳаббат пайдо бўлди, бадий адабиётга ҳавас қўйди, диди ошди.

Китоблар Гербертни атроф-муҳитнинг бир хиллигини енгиллашга интилиши учун рағбатлантирди. Шундай қилиб, синган оёғи унинг учун ўзига хос ҳаётий бурилиш нуқтаси бўлиб қолди.

Уэллс жаҳондаги энг муваффақият қозонган ёзувчилардан бирига айланди. Шуни таъкидлаш керакки, у ўзининг қалами билан жами бўлиб 200 минг фунтга яқин маблағ ишлаб топган эди. Ваҳоланки, Уэллсни анча эрта ёшидан бошлаб, қутулиб бўлмайдиган муҳтожлик қамраб олган эди.

Унинг отаси крикетда ўйнайдиган профессионал қиморбоз бўлиб, тасарруфида баққоллик дўкони бор эди. Аммо бу дўкон ҳам касодга учраш арафасида эди.

Уэллс кичкина ётоқхонасида туғилди - у асосий

иморатга уланиб кетган эди. Пастда, ертўлада ошхона жойлашганди. У анчайин қоронғи, ташландиқ жой бўлиб, ёруғлик йўлак сатҳи билан баробар панжарадан тушиб турар эди.

Уэллснинг эслашича, у бир неча маротаба ана шу қоронғу ошхонада туриб, тепада, панжара фониди, йўлакдан ўтаётган кишиларнинг оёқларини кузатган. Бу унинг энг барвақт туғилган ва энг ёрқин ҳаётий таассуротлари эди. Кейинчалик кўз олдидан ўтган ана шу оёқлар тўғрисида ёзар экан, кишиларнинг кийган пойафзалига қараб, улар ҳақида фикр юритишга ўрганганини таъкидлаган эди. Ниҳоят баққоллик дўкони бутунлай касодга



учради, оила тушкунлик домига гирифтор бўлди. Онаси жуда катта мулк жойлашган бинога бориб, хўжалик бошқарувчиси сифатида ишлашга мажбур бўлди. Аслида у хизматкорлар билан бирга ётиб турар, ўғли эса баъзан бориб хабарлашар эди.

Ана ўша ерда у Англиядаги юқори табақадагилар ҳаётига зимдан назар ташлади. У хизматкорлар яшайдиган тарафдаги иморатлар орқали уларга тикилгани ўз-ўзидан тушунарли.

“Тарихий очерклар”нинг бўлажак муаллифи ўн уч ёшидан бошлаб, одамлар орасига кириб, тер тўка бошлади. У мануфактура савдогарига ёрдамчи бўлиб ишлади. Бу ўсмир тонгги соат бешда туришга, дўкон биносини йиғиштиришга, печни ёқиш ва бошқа ишларни бажаришга мажбур эди. Буларнинг ҳаммаси кун

давомида 14 соатни қамраб оларди. Дарвоқе, бу унчалик узоқ давом этмади. Биринчи ойнинг охирида хўжайин Гербертни пала-партиш, сусти ишлашда ҳамда овсарликда айблаб, ишдан бўшатди. Шундан кейин у дорихоначига ёрдамчи бўлди. Аммо Гербертнинг бу даргоҳдаги меҳнат стажи ҳам бир ойдан ошмади.

Ниҳоят, у бошқа ишга - газмол дўконига ўтди. Аммо бу ерда, айтиш мумкинки, ишда куйиб-пишмади. Ҳар қандай имкониятда ҳам зиммасидаги вазифалардан бўйин товлади. Овқат вақтини ҳам чўзар эди. Бунинг устига

хўжайиннинг кўзини шамғалат қилган Герберт Спенсернинг китобини олганча ўзини ертўлага урарди.

У шу тарзда икки йилни ўтказди. Кунларнинг бирида, якшанба куни эрталаб, ҳатто нонушта қилмасдан, Берти 15 миль йўл босиб, онасининг ҳузурига борди. У жудаям тушкунликка тушган эди. Онасига ёлвориб, уни дўкондан қайтариб олишни сўради. Агар яна дўконда қоладиган бўлса, ўзини ўлдиришини айтиб, қасам ичди. Шундан сўнг Берти собиқ ўқитувчисига узундан-узоқ, ночор ҳолда мактуб битди. Унда жуда оғир аҳволда қолганини, ўз жонига қасд қилишдан бошқа чораси қолмаганини баён этган эди. Ва Бертини ниҳоятда ҳайратга солгани шуки, устози унга жавоб қайтариб, мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлашга таклиф этди.

Офарин! Бу унинг ҳаётидаги яна бир бурилиш нуқтаси бўлган эди. Ва кейинчалик, орандан анча йил-

Кейинчалик, анча йиллар ўтгач, Уэллс майин, жарангдор овози билан газмол сотадиган дўконда қора ишчи бўлиб ишлаган даврида феъл-атвори ўзига хос тарзда шаклланишига имкон берганини гапирган эди.

лар ўтгач, Уэллс майин, жарангдор овози билан газмол сотадиган дўконда қора ишчи бўлиб ишлаган даврида феъл-атвори ўзига хос тарзда шаклланишига имкон берганини гапирган эди. У ўз табиатига кўра, аслида ялқов ва бепарво эди. Дўкон эгаси эса билиб-билмай уни ишлашга ўргатди.

Орадан бир неча йил ўтиб, ўқитувчилик мартабаси бошлангандан сўнг худди тўсатдан портлаш содир этилган каби янги кулфат рўй берди.

Берти футбол ўйинига берилган эди. Майдондаги қизғин беллашув пайтида у оёғидан зарба еди, сал бўлмаса оёқ остида қолиб ўлиб ҳам кетарди. Унинг жигари эзилгани, ўнг елкаси жароҳатлангани маълум бўлди.

Кўп қон йўқотганидан шифокорлар унинг тузалиб кетишидан бутунлай умидларини уздилар. Герберт бир неча ой ўлим ёқасида ётди. Кейинги ўн икки йил давомида у доимий равишда ҳаётда тиришиб яшашга мажбур бўлган эди. Шу билан бирга Берти айнан ана шу йилларда адабий ижодга нисбатан қобилиятини ривожлантирди. Бу эса унинг номини бутун дунёга танитишни таъминлади. Беш йил давомида Герберт тиним билмай, кечаю кундуз дам олишни, ҳаловат нималигини билмасдан фақат ижод билан машғул бўлди. Лекин унинг қалами остидан чиққан қиссалар, ҳикоялар, мақолалар жуда зерикарли ҳамда бир қолипдаги асарлар эди. Бахтига Бертида буларнинг барини англашга етарли даражада соғлом фикр бўлиб, шу боис у ёзганларининг ҳаммасини ёқиб юборди.

Шундан сўнг у деярли ярим ногирон бўлиб қолишига қарамай, яна ўқитувчилик қилишга киришди. Герберт билан бирга мактабда чиройли, аммо унинг ўзига ўхшаш бемажол ва касалманд Катерина Роббинс деган қиз биологиядан дарс берарди. Улар ўзларининг нур сочиб турган бахт-саодатларини қўлдан чиқариб юбормасликка қарор қилиб, учраша

бошладилар. Ана шу туфайли умид “йилт” этиб кўринди. Шундан сўнг йигит билан қиз ҳаётларини бирга боғладилар.

Уэллс ўлиш ўрнига ўзини тиклаб, куч тўплай бошлади, бу кучни ўзига хос инсоний куч-қувват генераторига айлантирди. Сўнг ҳар йили иккита забардаст китобни ёзишга қобилиятли эканлигини намоён қилди. Улар дунёнинг турли бурчакларида ўз ихлосмандларини топган эди. Бу ҳол 1946 йилгача, токи Герберт Уэллс вафотига қадар давом этди.

Уэллснинг мияси ғоялар билан тўлиб-тошган эди. У, ҳатто ярим кечаси ўрнидан туриб, уйқусираганча тасодифан у ёки бу фикрни ён дафтарчасига ёзиб қўйишни одатга айлантирган эди. Шундай қилиб, олдинги ялқов бола, дўкондор ёрдамчиси сифатида ўз вазифасини бажаришга ноқобиллиги туфайли ишдан қувилган йигитча шунча китобга етарли ҳадсиз, ҳисобсиз манбаларни қамраб олган эди.

У исталган жойда ёзиб кета оларди: ўзининг Лондондаги уйида, поездда, денгиз бўйида соябон остида яхшилаб жойлашиб ўтириб...

Уэллс француз Ривверасида иккита виллани ижарага олган эди. Улардан бири иш учун мўлжалланган, иккинчиси эса меҳмонларни қабул қилиши учун эди. Бутун кунини ёзув столида ўтказгач, улар билан фақат кечқурун учрашар эди. Агар ўта бандлиги туфайли меҳмонларни кутиб олиш учун станцияга бора олмаса, уларга махсус машина юборарди. Машинага қўшиб ниҳоятда зўр жиҳозланган ва энг яхши вино сақладиган ертўланинг калитини ҳам жўнатарди. Шу туфайли меҳмоннинг кайфияти кўтарилиб, димоғи чоғ бўлиб ўтирган вақтда бирдан хўжайиннинг ўзи кириб қолар эди.

НОЧОРЛИК КОМИДАГИ КАШФИЁТЛАР

Дейл КАРНЕГИ

Бир куни ҳозирда марҳум, ўз даврида эса скрипка бўйича анчайин машҳур бўлган рус муаллими **Леопольд Оеро** билан суҳбатлашишимга тўғри келган. У кўплаб мусиқа даҳоларини кашф этган ва уларни тарбиялаган бўлиб, бу Оеронинг аксарият ҳамкасблари учун мутлақо ишониш қийин ҳол эди.

Мана Леопольд Оеронинг аниқлаганлари: буюк мусиқачилар камбағаллардан келиб чиққан. Унинг фикрига кўра, қашшоқликни бошдан кечириш кўнгилда мисли кўрилмаган даражадаги илоҳийлик, ғоят кўтаринкилик, ўзида ҳиссиёт ва кучни қамраб олувчи назокат ҳамда раҳм-шафқат туйғуларини уйғотиб юборади.



Масалан, **Моцарт** шу даражада камбағал эдики, у ўзининг фақирона, ғариб уйини иситиш учун бир боғлам ўтин харид қила олмасди. Шу боис ўз номини абадийлаштирган илоҳий мусиқаларни яратиб, қўлларига жун пайпоқ кийиб ўтирар, шу

билан иссиқни сақламоқчи бўларди.

Моцарт ўттиз беш ёшида сил касали билан оғриб, вафот этган. Бу даврга келиб, унинг ҳаётий қуввати, дармони тамомила поёнига етган, очлик, совуқ ва ҳаётнинг тартибга солинмаган уқубатлари уни адойи тамом қилганди.

Моцартнинг ғарибона дафн этилиш маросими ҳаммаси бўлиб бир фунт стерлингга тушган. Унинг оддий қарағай тобутини фақат олти киши кузатиб борган, аммо ёмғир ёққани боис улар тезда қабристондан ортга қайтган эдилар.

Виктор Гербертнинг яқин дўсти **Гарольд Станфорд**нинг ҳикоя қилишича, бу бастакор биринчи марта Америкага келганида, ночорликдан ниҳоятда азобланган, бу, айниқса мавсум орасида жуда ошиб кетган. Шундай пайтлар бўлганки, кўйлагини хотини ювиб, сўнг дазмоллагунча у вақтинча тўшакдан чиқа олмай ётган.



Биринчи жаҳон уруши бошланганида, кўпчилигимиз завқ-шавқ билан “**Типперэрига узундан-узоқ йўл**” деган кўшиқни куйлаганмиз. У ўша пайтда кенг оммалашган кўшиқ эди. Муаллифи **Жек Жажд** учма-уч кун кўриш учун кундузлари бозорда балиқ сотар, кечқурун эса концерт билан чиқиш қиларди.

“**Олтин фондаги кумуш тола**” кўшиғи ўз пайтида деярли бутун дунёни мафтун этган. Бу таронани ишқ-муҳаббат мадҳияси сифатида ўз рафиқасига бағишлаган **Гарт Данке** уни уч фунтга сотган эди. Кейинчалик эр-хотин жанжаллашиб, ажралиб кетишди. Бастакор фақирликда ёлғиз, қаровсиз хонада дунёдан кўз юмди. Унинг ўлим тўшагида “**Ёлғиз кексалик оғир азоб**” деган ёзув қолганди.

Дунёдаги энг оммабоп мусиқий асар “**Ҳазиллар**” номи остида яратилган. Унинг муаллифи қассобнинг ўғли бўлиб, бу кўшиқни маккажўхори омборлари ҳамда чўчқалар кўтони орасида ёзган эди. Дунёнинг бирор бурчагида бу кўшиқ янграмаган кун бўлганмикан, деб ўйланиб қоласан.

“**Ҳазиллар**” **Антонин Дворжак** номли камбағал киши томонидан яратилган. У Америкага келганида 50 ёшда эди. Аммо Нью-Йоркнинг шовқин-сурони



ҳамда қий-чувиға чидай олмай, Айова штатидаги Спилвиллга вақтинча кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Дворжак жойлашган қишлоқ шунчалик кичкина эдики, у ерда ҳозирга қадар на темир йўл, на асфальт йўл бор.

Айнан шу ерда, Спилвиллда Дворжак ўзининг “Янги ҳаётдан” номли симфониясининг бир қисмини ёзди. У инсон томонидан яратилган энг гўзал, мароқли мусиқий асарлардан. Мазкур кўшиқ ҳам маккажўхори далаларида, Айовада ёзилган. Дворжак уни дастлаб “Спилвилл симфонияси” деб аташни тавсия этган.

Дворжак кўп йиллар олдин олис Богемияда жойлашган оддий қишлоқда туғилган эди. Аммо у сосиска тайёрлаётган ёки чўчқа нимтасини бурдалаётган пайтда калласида оҳанглар, юрагида эса кўшиқ туғилар эди.

У гўшт дўконини ташлаб, мусиқа ўрганиш учун Прагага йўл олди. Харажатларни қандай ҳал қилди экан? Ахир унда пул, маблағ йўқ эди-ку! Фақат шаҳар кўчаларида скрипка чалиб топган бир неча арзимас танга-чақалари бор эди, холос. Ночорлик шу даражада улкан эдики, у шаҳарнинг муҳтож кишилар турадиган қисмида жойлашган мослаштирилган томдаги бир хонада туришга мажбур бўлди. Ана шу ташландиқ хонани ҳам мустақил равишда ололмай, бешта ўртоғи билан бўлишган.

Қишда хона ҳаддан зиёд совиб кетарди. Дворжак доимо чалақурсоқ бўлиб яшашдан азият чекар, ижод қилиши учун эски, ярим бузуқ пианинони ижарага олишга мажбур бўлган, боз устига бу мусиқа асбобининг айрим клавишлари ишдан чиққан эди.

Совуқ чордоқдаги хонада пианинода ўтирган

Дворжак бир-биридан ажойиб мусиқалар кашф этди, аммо уларни ёзишга улгурмади, чунки қоғоз сотиб олишга пули йўқ эди. У баъзан кўча-кўйда ётган қоғоз парчаларини олиб, мусиқаларини ана шу парчаларга ёзарди. Шундай бўлса-да, Дворжакнинг ҳиссасига тушган синовларга ҳадеб раҳмимиз келавермасин, чунки айнан қашшоқлик, сўзсиз равишда унинг мусиқий иқтидори тўла-тўқис очилишига замин яратган эди.

Агар сиз келгуси сафар “Ҳазиллар”ни тинглайдиган бўлсангиз, ундаги ўзига хос илоҳий оҳангга, сингиб кетган нафосат ва ҳиссиётларга эътибор беринг. Ва уни яратган киши азият чеккан, курашган, доимо оч-наҳор, совқотиб юрган, ҳаётнинг бутун тушкунлиги, азоб-уқубатларини буткул англаб етган инсон бўлганини хотирланг.

ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН “ОҚҚУШ”

Жорж Гершвинни америкалик энг оммабоп кўшиқчи-бастакор, деб ўйлаш мумкин. Мен Гершвиндан касбий муваффақиятининг сирини сўраганимда, у шундай деб жавоб берган: “Ҳаммаси жуда оддий. Мен ижодда нима кераклигини биламан ва уни амалга ошираман”.

Гершвин мукамалликка етишгунча ўз хатти-ҳаракатини бўшаштирган эмас. Мени ҳайратга солгани, у шон-шараф чўққисига чиққанида ҳам ҳар ҳафтада бир ярим соатдан мусиқий сабоқ оларди.

Жорж Гершвин ўзининг биринчи кўшиғи учун бор-йўғи бир фунт олган. Сўнг тўққиз йил давомида “Яшил рапсодия”дан фильмларда фойдаланиш учун Ҳолливуд унга ўн минг фунт-стерлинг тўлаган эди (рапсодия — халқ кўшиқлари, дostonлари мавзусидаги мусиқий асар).

Гершвин ўзининг илк театр томошасини уюшти-

риш учун қилган ҳаракати бутунлай муваффақият-сизлик билан якун топди. Натижада у ҳалоқат қасига келиб қолди. Ўша пайтда Жорж Нью-Йоркдаги таниқли шаҳар театрида ишлаб, ҳафтасига беш фунтдан ола бошлади. Аммо у водевиль саҳналаридан бирида чиқиши керак бўлганида, тўсатдан қоқилиб тушди, уятдан қизариб кетиб, эсанкираб қолди. Бефаросат актёрлар саҳнада ҳазиллашиб, унинг устидан кулишди, ўтирган томошабинлар ҳам хахолаб масхаралашди. Жорж кўзлари ғазабдан ёнғудай бўлиб, энди ҳеч қачон театрга қадам босмайман, деди-ю, ўзига тегишли иш ҳақидан ҳам воз кечганча

югуриб чиқиб кетди. Унинг ай-тишича, бу ҳаётидаги энг камситадиган воқеа бўлган.

Гершвин ёшлик йилларида рассом бўлишни кўзлаган. Унинг мусиқа йўлидан боришига онасининг ҳасади туртки бўлган.

Бу қуйидагича рўй берган: Шаҳарнинг Гершвинлар яшайдиган жанубий чеккасидаги уйда оиланинг фаровонлик рамзи пианино бўлиб, моддий таъминот белгиси ҳисобланар эди.

Бир куни онасининг туғишган синглиси пианино сотиб олди. Мазкур воқеа Грешвин хонимнинг ўзига тўқ синглисидан қолишмаслик учун қасам ичишига сабаб бўлди. У сўзининг устидан чиқди.

Тўғри, пианино жуда эски, бунинг устига бир қисм насияга олинган. Аммо борди-ю, агар у сотиб олинмаганида, Жорж мусиқага мурожаат қилмаган бўларди. Шунингдек, “Яшил рапсодия” ҳеч қачон ёзилмас, демакки, Американинг мусиқа тарихи анчайин бошқача таркиб топиши мумкин эди.



Гершвин юздан зиёд қўшиқ яратган бўлса-да, энг машҳур асари “Оққуш” ҳисобланади. У илк бор 1918 йилда ижро этилган. Дастлаб “Оққуш”га деярли ҳеч ким эътибор бермаган, фақат Аль Жонсон бундан мустасно. Бошқалардан фарқли ўлароқ, у янги мусиқий асарда кўпгина имкониятлар мавжудлигини ҳис этган.

Ниҳоят, орадан тўққиз ой ўтгач, Аль Жонсон саҳна чиқиши тайёрлади.

Унда ёрқин ва ўзига хос қўшиқни мусиқавий мўъжизага, фейерверкка айлантирди. “Оққуш” янги ижрода янада ўзгача жозиба кашф этиб, тингловчиларни тўлқинлантириб юборди. Бир

Гершвин, ҳатто бу ёруғ дунёда шунча пул мавжуд эканлигини тасаввур ҳам қила олмаган.

ойдан сўнг Америка халқининг ярми граммофонга ёзилган ушбу куйга рақсга тушадиган бўлди.

Жорж Гершвин ишнинг бу даражада бурилиб кетишидан ғоят ажабланган. Ахир авваллари ҳафтасига бор-йўғи етти фунт олган бўлса, энди муаллиф сифатида унга 12 минг фунтдан иборат олтин ёмғири ёғётган эди. Буларнинг ҳаммаси фақат ўша қўшиқ туфайли. Гершвин, ҳатто бу ёруғ дунёда шунча пул мавжудлигини тасаввур ҳам қила олмаган.

Гарчи театрға кўп бормаган бўлса-да, Жорж Гершвин замонавий театрнинг энг таниқли намояндаларидан бири бўлган. У ижод қилган мусиқаларға миллионлаб одам йиқилиб кетгудай даражада рақсга тушган. Гершвиннинг ўзи ҳеч қачон ўйнамасди.

У чекмас, кам ичарди. Ярим кечагача ишлар, сўнг тушгача ухларди. Уйида гимназия ташкил этган, француз мусаввирларининг суратларини тўплаган эди. У худди шундай меъёрни тутган, асаби бузилишдан доимий равишда азият чеккан.

Гершвин оила қурмай, шаҳарнинг жанубий кўчаларидан бирида жойлашган икки қаватли ҳашаматли бинода яшар эди.

Муסיқий танқидчиларнинг фикрига кўра, 1924 йилда ўтказилган Линкольннинг юбилейи Америка муסיқа тарихида бурилиш ясаган нуқталардан бирига айланган. Нима учун? Чунки эсдан чиқмас ўша қорли куннинг иккинчи ярмида дунё илк маротаба Жорж Гершвиннинг “Яшил рапсодия”сини тинглаган эди. Худди очиқ осмонда чақмоқ чаққандай момақалди-роқ гумбурлаб кетгандай бўлган ўшанда.

Рапсодия аслида тасодифан ёзилган. Пауль Вайман Гершвиндан ўзининг концерти учун жаз муסיқаси ёзиб беришни илтимос қилади. Аммо муסיқали комедия устида ишлаш билан ўта банд бастакор бу илтимосни унутади. Бир куни эса газетада ўзининг симфония ёзаётгани миш-миш эканлиги ҳақида ўқиб, ҳайратга тушади.

Бу Гершвин учун мутлақо янгилик эди. Аммо бастакор фикр юритиб, ўз-ўзига шундай деди: “Яхши, мен бу ишни, албатта, амалга ошираман. Мен бу ғаразгўй танқидчиларга айнан шу жаз янгича жаранглашини кўрсатиб қўяман”. Шундай қилиб, Жорж Гершвин “Яшил рапсодия”ни ёзди. Уни жуда тез, асосий ишидан озод бўлган дамларда яратди.

Мазкур рапсодия илк бор ижро этиладиган куни халқнинг бутун бошли тўдаси концерт залига оқиб келган. Одамлар худди баскетбол ёки спортнинг бошқа оммабоп турига қизиққан каби ёпирилган эди. Концерт фавқулодда муваффақият қозонди. Рапсодия гулдурос қарсақлар билан тинмасдан олқишланган эди. Шундай қилиб, Америка ўзининг эски анъаналарини синдириб, бутунлай янги муסיқани яратди.


УЛАР БУТУН УМРИНИ ЎЗ ҚАРЗЛАРИДАН ҚУТУЛИШГА САРФЛАДИЛАР

Сизнинг қарзингиз йўқми? Мабодо пулни бекордан-бекорга сарфлашингизга тўғри келмаганми? Агар шундай бўлса, яхшилаб англаб, хотиржам бўлишингиз мумкин: машҳур кишиларнинг айримлари ўз маблағларини у ёки бу ишга сарфлаб, жуда оғир аҳволда қолган эдилар.

Мисол учун **Марк Твен**ни олиб кўрайлик. У бутун дунёни кулиш ёки йиғлашга мажбур эта олиш қудратига эга эди. Аммо пул жамғаришга келганда, у сиз ёки мендан фарқли ўлароқ, соғлом фикрга таянавермасди. Айтайлик, мен учун 1920 йилда худди шундай бўлган.

Марк Твен деярли йигирма минг фунт-стерлингни навбати билан турли ихтироларга, масалан, бугъ двигатели, денгиз телеграфи ёки босма жараённи такомиллаштирадиган ғалати машиналарни молиялаштиришга йўналтирган эди. Фақат битта корхона қолган бўлиб, у Марк Твенга ўта хаёлий кўринди. Унга пул тикиш фантастикадан иборатдек туюлди. Бу “айёр” кашфиёт телефон эди.

Марк Твенга телефоннинг бевосита кашфиётчиси А.Белл компаниясининг акциялари пакети билан таклиф этилган эди. У эса заҳархандалик билан кулиб қўя қолди. Ваҳоланки, Марк Твен ниҳоятда катта бойликка эга бўлиши мумкин эди. Бунинг ўрнига



ёзувчи қариндошларининг бир беҳуда ишига киришди, бор-йўгидан жудо бўлди, ихтиёрида фақат ошхона плитаси қолди, холос.

Адибнинг “Стандарт ойл Компани”даги дўсти Х.Рожерс унга қарзининг ярмини тўлашни маълум қилди, аммо Марк Твен бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. Мухлислари ўзларининг севимли ёзувчиси учун маблағ тўлашга киришдилар. Унга мамлакатнинг турли томонидан келаётган чеклар ёғилиб кетди. Лекин Марк Твен бу пулларнинг ҳаммасини охирига чақасигача изига қайтариб юборди, қарзларини ўзи тўлашини айтиб, оёқ тираб олди.

У маърузалар ўқишни сира жини суймас, аммо юзага келган вазият туфайли дунё бўйлаб саёҳатга чиқишга мажбур бўлган эди. Ўзининг омма олдидаги чиқишлари оралиғидаги танаффусларда азият чекар, уйини соғинар, зерикиш қийнаб юборар эди.

Марк Твеннинг қарзларни тўлаши учун олти йил керак бўлди, аммо у барибир ўзининг айтганига эришди.



Генерал Грант Ли қўмондонлиги остидаги армияни талафотга учратиб, ғалаба қозонди ва Қўшма штатларнинг президенти бўлди. Аммо унга Уолл-Стрит банкларига боғланиб қолмаслик учун мослашувчан ақл-идрок этишмади. Кейинги йилларда генералнинг ҳаётида иккита фирибгар пайдо бўлиб, уни бизнесга жалб этишди. Улар алдамчилик йўли билан 3 миллион 200

минг фунтни ўзлаштириб олдилар.

Шундан кейин фалокат бошланди. Грант қарздан қутулиш учун ўзининг фермасини, Филадельфиядаги ва Нью-Йоркдаги уйларини, ҳатто ҳарбий ҳара-

катлар учун ғалабага эришганида берилган қилични ҳамда бошқа ҳарбий мукофотларни беришга мажбур бўлди. Ўша пайтда у бир долларга ҳам эга бўлмай, саратон касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Грант ўлиmidан сўнг хотинини қашшоқлик кутаётганини олдиндан ҳис этган эди. Шу сабабли уни етарли маблағ билан таъминлаш мақсадида ёдномалар ёзишга киришди. Грант бу китобини токи авжига минган саратон томоғидан олиб, товушдан маҳрум этгунга қадар айтиб туриб ёздирди. Шундан сўнг у тамомила ўлим талвасасида бўлса-да, китобни қаламда ёзиб тугатди. Охириги бобни ўлиmidан уч кун олдин ёзиб битирган эди.

Марк Твен мазкур китобни нашр этди ва қалам ҳақи сифатида Грантнинг бевасига юз минг фунт тўлади.

Америкалик машҳур давлат арбоби **Даниэль Вебстер** қассоб тақдим этган ҳисоб бўйича қарзини тўламагани боис судга тортилган.

Таниқли новеллачи, “Вексфильд руҳонийси” романини ёзган **Оливер Голдсмит** уй ҳақини тўламагани учун қамоққа олинган.

Улуғ француз ёзувчиси **О.Бальзак** шунчалик қарздор эдики, ҳар сафар эшик қўнғироғи чалинганда, жавоб беришдан қўрқиб турарди.

Инглиз қироли **Чарльз иккинчи** ҳаёти давомида шунчалик қарзга ботганки, натижада ҳеч вақоси қолмаган. Шу боис бугунги кунда Пенсильвания штат-



Даниэль
Вебстер



Оливер
Голдсмит



О.Бальзак

тини ташкил этган барча ерларни жами 15 минг фунтга бериб юборишга мажбур бўлган.

Линкольннинг хотини **Тодд Линкольн** хоним қарздан қутилиш учун нафақат ўзида сақланган қимматбаҳо буюмларни, шу билан бирга, ҳатто мўйнаси, кўйлаklarини ҳам сотишга мажбур бўлган. У оқ уйни тарк этгач, шу қадар муҳтожлик қомида қолган эдики, ҳатто марҳум эрининг кўйлаklarини ҳам (унда Линкольннинг исм-шарифи битилган эди) сотишга тўғри келди.



Американинг машҳур рассомларидан бири **Уистлер** ҳар бир қадамда ўзининг суратларини пуллар ва шу йўл билан қарзларидан қутулмоқчи бўларди. Қарз берган киши келиб, пули эвазига Уистлернинг оромкурсиларидан бирини ёки каравотини олиб кетса, у полга ана шу буюмни акс эттирар ва қўл силтаб, у билан хайрлашар эди.

Б.Брумелль Англиянинг юз йилдан зиёд ижтимоий ҳаётини белгилаб берган. Шунга қарамай, у ўзининг банкдаги ҳисоб-китобини мутлақо тартибга сола олмасди. Брумелль Уэльс шаҳзодасини янги урф бўйича кийинишга ўргатар эди. Аммо ўзини от пойгаси ва қарта ўйинидан асло тия олмасди. Полиция бошлиғи, шериф эшикни тақиллатганида, сезгир Брумелль ўзини кийим жавонига уриб, кийимлар ортига яширинар эди. Ниҳоят уни қарзларини тўламагани учун ҳибсга олиб, қамоққа ташлашди. Бир пайтлар дунё миқёсида модалар бўйича қонун чиқарган, ҳатто ҳозир ҳам номи кийимларни такомилга

етказишда назокат рамзи бўлиб келган инсон шу даражада қашшоқлик домига тушиб қолган, шу боис кўча-кўйда ифлос, жулдур кийимларда юрар, одамларга кулги бўларди. Ваҳоланки, унинг ўзи бир вақтлар шундай кийинадиган кишиларга нафрат билан қараган эди.

Брумелнинг ақлига нуқсон етиб, жирканч ва хилват жойларда яшайдиган бўлди. Ниҳоят у жиннихонада вафот этди.

Авраам Линкольн ёшлик йилларида, баққоллик билан боғлиқ бизнесни йўлга қўймоқчи бўлиб, шерикликка бир ароқхўрни танлаган эди. Бу ният чиппакка чиқди: ароқхўр ўлди, барча қарзлар Линкольннинг бўйнида қолди. У бу вазиятдан тўлатўкис, очиқ тарзда ва ўз обрўсига путур етказмасдан чиқиб кетиши, ҳамма қарзлардан халос бўлиши мумкин эди. Албатта, ўшанда у Линкольн бўлмас эди-да. Шундай қилиб, Авраам зиқналик қилди, йиғди, иложи етгунча барчага садақа қилди, оғир ҳамда машаққатли ўн бир йил мобайнида қарзларини охирига чақасигача, бунинг устига фоизи билан тўлади.



Сукрот бу ёруғ дунёда яшаган энг донишманд инсонлардан бири эди. Аммо у шу даражада камбағал бўлганки, гоҳ у, гоҳ бу ердан қарзга жўжа сўраб, ўзи учун овқат пиширишига тўғри келган. Ўлими олдидан у қайсидир куни қарзини тўламаганини эслаб қолди. Ва ўлим тўшагида экан, дўстларидан бирига мурожаат қилиб,

қарзини тўлаб қўйишини илтимос қилди. Бу унинг энг сўнгги сўзи бўлди.

“МЕН ҲАЛИ ЎЛГАНИМ ЙЎҚ! ЎЛМОҚЧИ ҲАМ ЭМАСМАН!”

Агар кимдир сизга саккиз миллион фунт-стерлинг берса, нима қилган бўлардингиз? Бундай тухфани ўзининг балоғат ёшига етганида Альфред Гвини Вандербилд олган эди.

Қанчалик ғалати туюлмасин, бу инсон Америкадаги улкан бойликнинг меросхўрларидан бири бўлган, аммо ҳеч қачон коллежда таҳсил олмаган. Уни хусусий муаллимлар бутун дунё бўйлаб доимий сафарлар вақтида ўқитган эдилар.

Корнелиус хотинини ақлдан озган деб атади ва сўзининг исботи учун уни бир йилга жиннихонага жўнатди.

Вандербилд Кариб денгизидида балиқ овлаган, Африканинг энг ёввойи бурчакларига йўл очиб, шер ва жирафаларни яшаш жойида кинотасмага туширган эди.


У жамоатчилик бирор-бир эътирофига сазовор бўлмагач, Вандербилдлар оила аъзолари каби от пойгасига қизиқди. Дарвоқе, Америкадаги энг яхши отчопарлардан бири уларнинг тасарруфида эди.

Отаси Альфред Гвини Вандербилд-тўнғич “Лузитания” бортида турарди. Ушбу кема биринчи жаҳон уруши даврида Германия ерости кемасининг ўзи ҳаракатланадиган сувости снаряди (торпедоси)га дуч келган эди. Альфред Вандербилд бўлажак таниқли спортчи бўлса-да, аммо суза олмасди. “Лузитания” сув бағрига кириб, суза бошлаганида, Альфред қутқариш шлюпкиси ёнида ўз жойини эгаллар эди. Аммо кейин бу жойни бир аёлга бўшатиб берди. Унинг диққатини бошқа аёл жалб этди. Бу аёл чўкаётган кема саҳнида чопиб бораркан, аянчли овозда қутқарув ка-

мари йўқлигини айтиб қичқирарди. Вандербилд ўзининг камарини ечиб, унга берди.

Бир неча дақиқадан сўнг кема сув тагига чўкиб кетди. Вандербилд бамисоли ҳақиқий спортчи ва ўзи мансуб бўлган жентльменларга ўхшаб ҳалок бўлди.

Оиланинг асосий бойлигини ўз вақтида кекса Корнелиус Вандербилд тўплай билган эди. Бу инсоннинг бронза ҳайкали ҳозиргача Нью-Йоркдаги марказий темир йўл станцияси олдида савлат тўкиб турибди. У Стайтен оролида туғилган эди. Ўн олти ёшга кирганида, онасидан йи-



Корнелиус
Вандербилд

гирма фунт қарз олиб, бу пулга унча катта бўлмаган қайиқ сотиб олди-ю, ўша қайиқда ўз оролидан Нью-Йоркка қадар йўловчиларни ташиди. У йигирма фунтни неча пулга айлантирган деб ўйлайсиз? Йигирма миллионга! Вандербилд бунга қандай қилиб эришди? У кемаларга ва темир йўлларга маблағ тикиш ҳисобидан бойиган эди.

Улкан бойликка эга бўлса-да, Вандербилд ўта тежамкор яшаган. Масалан, охириги марта бетобланиб қолганида шифокор унга шампань виносини ичишни маслаҳат берган. “Нималар деяпсиз? — деб қичқириб юборган қария. — Шампань, дедингизми? Ё Худо, доктор, мен ўзимни шампань виносини ичишга имконим бор, дея олмайман. Унинг ўрнига содали сувни истеъмол қилсам бўлмайдими?”

Вандербилд ҳазиллашмаган эди. У мутлақо жиддий тарзда гапирган эди. Бу киши биринчи бор уйланганидан сўнг ўз ишини бошлади, хотини эса

Нью-Жерси штатининг Нью-Брансуик шаҳридаги меҳмонхона соҳибаси эди. Шу билан бирга ўн бир нафар боласининг тарбияси билан машғул эди. Бу аёл ўз пуллари пайдо бўлгач, анча енгиллашадиган вақт келишига умид боғларди. Аммо эри дунёдаги энг бой-бадавлат кишига айланганидан сўнг у кўпинча, ҳаётидаги энг бахтли кун ҳар қандай вазиятларга қарши туриб, меҳмонхона билан шуғуллангани, ўз болаларини оёққа турғизган кун, деб ҳисоблаганини тез-тез тилга оладиган бўлди.

Бойиб кетгач, кекса Корнелиус шаҳарда яшашга қарор қилди. Аммо унинг уйда ўтириб қолган хотини эски расм-русумларга шунчалик берилган эдики, бунга асло рози бўлмади. Рўй берган тортишув ва жанжал туфайли Корнелиус хотинини ақлдан озган деб атади ва сўзининг исботи учун уни бир йилга жиннихонага жўнатди.

Тўнғич ўғли Биллининг хулқ-атвори бизнес юртиш учун асло тўғри келмаслигини билган отаси уни қирқ ёшигача фермада тутиб турган. Аммо шундан кейин Билли анчагина ақл-фаросат ва тиришқоқликка эга эканлигини намоиш эта бошлади. Масалан: бир куни қария юкнинг таннархидан келиб чиққан ҳолда ўғлига минерал ўғит сотди. Аммо Билли уни алдаб, юк учун арзимас пул тўлади, ўзи эса бутун бошли баржани (шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюрар ясси юк кемасини) эгаллаб олди.

Шундай қилиб, кекса Корнеилус мағлубиятга учради. Шунга қарамай, у бу тадбирни Биллининг амалий ишбилармонлиги сифатида баҳолади. Шу баробарида ўғлининг отларига қойил қола бошлади. Биллининг отлари пойгада унинг отларидан ўзиб кетганида, у ўғлини бутунлай ажойиб киши, деган хулосага келди. Натижада Биллини фермадан олиб, шаҳарга жўнатди. Кейинчалик уни марказий темир йўл бошқарувчиси вазифасига тайинлади.

Мўйсафиднинг вафотидан сўнг Биллига 18 миллион фунт стерлинг мерос бўлиб қолди. У бу маблағни умрининг охирида 40 миллионга етказди.

Мўйсафид фавқулодда ғалати қилиқларга эга эди. Масалан, у ҳеч қачон чек дафтарчасидан эмас, балки оддий қоғоз варағидан фойдаланган. Шу варақиям ярмига ёзар эди. У бошқаларнинг фикрига тирноқча ҳурмат-эҳтиром билдирмас, ҳатто 85 ёшга кириб, ўлим тўшагида ётганида ҳам бирор кишига ён беришни асло истамасди. Тиббиёт ҳамширалари ва шифокорлар қандайдир дори-дармон буюришганида, мўйсафид уларга иссиқ сув солинган грелкани улоқтирган эди.

Корнелиуснинг ўлимидан бир ҳафта олдин репортёрлар унинг уйи атрофини ўраб олиб, газеталарида биринчи бўлиб янгиликни чоп этишга ҳаракат қилишган эди. Улардан бири шу даражада сурбетлашдики, ҳатто эшик қўнғироғи тугмачасини босишгача борди. Бу эса чолнинг ниҳоятда аччиғини чиқарди. У тўшакдан сирғалиб тушиб, дармонсиз ҳолда зинапоягача етиб борди ва қичқириб юборди: “Мен ҳали ўлганим йўқ, ахир! Ўлмоқчи ҳам эмасман!”

Бемор пайтида у қирқ йил муқаддам ўлган онаси билан алоқа боғлаш учун спирт (ўлганлар руҳи нариги дунёда яшайди ва улар билан сўзлашиш мумкин деб ишонувчи оқим мутахассиси) ва медиумларни ёллаган эди. Онаси оғриган биқинига гармдори қўйишни “айтганида”, у буни шифокорларнинг кўрсатмаларидан афзал деб билган.

У доимий равишда онасининг хотирасини юксак тутган. Ўзининг ҳашаматли буғ билан ҳаракатланувчи яхтасида онасининг эски фермаси жойлашган Стайтен ороли ёнидан ўтар экан, бу воқеани ракета отиб, сигнал бериш билан нишонлаган. Мазкур ҳолат ҳар йили такрорланган.

Катта бойликка эга бўлган бу шахс Американинг энг қудратли шахсларидан бири бўлиб қолди. У ниҳоят даражада қудратга эга бўлса-да, каравотининг тўртала оёғи ҳам туз солинган чўп товоқда турган. Бу уйқу вақтида ёвуз руҳларни ҳайдаш мақсадида қилинган эди.

КЕЧИРАСИЗ, МЕНИНГ ФАМИЛИЯМ НИМА ЭДИ?

Мен бир куни Нью-Йорк меҳмонхоналаридан бирида тушлик қилмоқчи бўлдим. Ўшанда гардероб хизматчиси шляпамни олди-ю, аммо каминага рақамли белги бермади. Мен ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўрадим. У бунга зарурат йўқ, шусиз ҳам эслаб қола оламан, деб жавоб берди.

Хизматчи шу тарзда икки юзга яқин нотаниш кишининг кийимини олар ва улар қайтиб кетаётганида, ҳар бирига сира адашмай пальто ва шляпасини қайтарар экан. Кейинчалик мен ўша меҳмонхона хўжайини билан гаплашганимда, у бунинг тасдиқлади. Маълум бўлишича, бу аёл ўн беш йил давомида шу ишда ишлаб, бирор марта хато қилмаган экан.

Томас Эдисонга миллион фунт берганингизда ҳам шундай жасоратга қўл урмаган бўларди. Мен бунга аминман. Сабаби, унинг хотираси жуда паст эди. Айниқса, ёшлигида!

Мактабда унга нимани ўқитишган бўлса, барини унутган ва ҳамиша ўз синфида охириги ўринни эгаллаган. У ўқитувчиларнинг тоқатини тоқ қилиб юборар эди. Улар, бу боланинг калласи йўқ, ўқиш учун ҳаддан зиёд овсар дейишса, шифокорлар, мияси ҳадемай касалланади, деб олдиндан башорат қилишган.

Эдисоннинг калласи эса галати шаклга эга эди. Аслида у мактабда бор-йўғи уч ой ўқиган, холос. Шундан сўнг Томас билан онаси уйда шуғулланган. Афтидан, у улуг вазифани адо этган эди. Чунки биз яшаб турган дунёни бутунлай ўзгартириб юборди.

Кейинчалик Эдисон илмий ахборот соҳасида кўзга кўринарли ажойиб хотирани ривожлантирди. Бундан ташқари, у диққат-эътиборни бир нуқтага жамлашда шунчалик қобилиятга эга эдики, ўзи қизиқиб турган мавзудан бошқасини мутлақо унутиб юборарди.



Эдисон қандайдир илмий муаммони ҳал этишга шунчалик берилиб кетганида юз берган воқеа ҳақида эшитганман. Унинг солиқ тўлаш учун маҳаллий бошқармага боришига тўғри келиб қолди. Бир оз вақт навбатда туришига тўғри келди. Навбати етиб келган пайтда эса Эдисон ўзининг фамилиясини унутиб қўйган эди. Қўшниларидан бири олимнинг эсанкираб қолганини кўриб, уни Томас Эдисон деб аташларини эслатиб юборди.

Кейинчалик олимнинг иқрор бўлишича, у бир неча сония давомида ўз фамилиясини эслай олмаган. Бунга унинг ҳаёти боғлиқ бўлса ҳамки, мазкур ҳол рўй берган. Шундай вақтларда Эдисон ўзининг хотирасини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлай бошлаган.

У ўзининг лабораториясида туни билан узлуксиз ишлаган. Бир куни эрталаб нонушта тайёрлаётганларида пинакка кетган. Ёрдамчиларидан бири эндигина қуймоқ ва дудланган чўчқа гўшти билан нонушта қилиб бўлган эди. У ана шу кўтаринки кайфиятда

чол билан ҳазиллашмоқчи бўлди. Қув шогирд ўзининг бўш патнисига идишларни териб, Эдисоннинг столига суриб қўйди.

Бир неча дақиқадан сўнг Эдисон уйғониб кетди, кўзларини артди-да, нон бурдасини, бўш ликопча ва бўшаган қаҳва идишини кўрди. Бир оз ўйланиб тургач, пинакка кетишимдан аввал нонушта қилган эканман-да, деб ўйлади. Кейин столдан нари сурилиб, сигара ёқди-ю, чекди ва яна ишга киришди. Агар ёрдамчиси хахолаб кулиб юбормаганида, аслида нима воқеа рўй берганини у сираям била олмасди.



Америкалик таниқли ботаник **Аса Грей** 25 мингта турли ўсимликларнинг номини ёддан айтиб бера оларди. **Юлий Цезарь** эса ўзининг минглаб аскарини номма-ном билган.



Чарли Чаплиннинг қўлида бир киши анча йиллар шахсий котиб ҳамда матбуот ва реклама агенти бўлиб ишлаган. Улар доим бирга юришган. Аммо етти йил давомида Чарли Чаплин бу хизматчисининг фамилиясини билмаган. Бунини менга Чаплиннинг ўша собиқ котиби Робинсоннинг шахсан ўзи айтиб берган эди.

Мисрдаги Қоҳира Муҳаммадия коллежи дунёдаги иккинчи йирик университет ҳисобланади. У ерга кирувчиларнинг ҳаммасидан Қуръонни бошдан-оёқ ёдлаш талаб қилинади. Қуръоннинг ҳажми анча катта бўлиб, бу муқаддас китобнинг матнлари ҳам узун. Уни ўқишнинг ўзига уч

кун етмайди. Шунга қарамай, йигирма беш мингдан зиёд талабанинг ҳар бири ана шу талабни тўлиқ бажаради.

Лорд Байрон ўзининг барча шеърларини ёддан ўқий олиши билан

фахрланган.

Сэр Вальтер

Скоттнинг эса,

аксинча, хоти-

раси жуда паст бўлган. Бир куни

у бир шеърни, Байронники, деб

ҳаддан ортиқ мақтаган, ҳолбуки,

бу шеър ўзининг қаламига ман-

суб эди.

Сэр Фрэнсис Бэкон ўзининг

машҳур китобларидан бирини

ёддан айтиб бера оларди. Аммо америкалик актёр

Жозеф Жефферсон Ирвинг

ҳикояси асосида Рип Ван Винкл

ролини ўн икки йилдан буён де-

ярли ҳар оқшом ижро этишига

қарамай, доимий равишда айти-

ши керак бўлган сўзларни уну-

тиб қўйган. Авраам Линкольн би-

рор жумлани ёдда сақламоқчи

бўлса, баланд овозда ўқиган,

яъни бир пайтнинг ўзида ҳам

кўриш, ҳам эшитиш ёрдамида хо-

тирасига таъсир этмоқчи бўлган.

Улуғ инглиз тарихчиси **Маккей**да дунёда яшаган

барча одамлардан кўра, энг яхши хотира насиб эт-

ган эди, дейиш мумкин. У босма қоғоз саҳифасига

бир қарашдаёқ, барча сўзларни хотирасида аниқ жой-

лай олган. Бу худди фотоаппарат билан сурагга ту-

ширгандай гап эди. У китобдан бир бўлимни ўқиб,



Лорд
Байрон



Фрэнсис Бэкон



Жозеф Жефферсон

сўнг ёддан айтиб бера оларди. Маълумотномаларга мутлақо мурожаат қилмасдан, тарихий материалларни ёза оларди. Маккей таржимаи ҳолини ёзувчиларнинг таъкидлашича, у гаровда ютиш учун “Йўқолган жаннат” асарини бор-йўғи бир кечада тўла-тўқис ёдлаган экан.



Америка қўшма штатлари давлат арбоби **Кальвин Кулиж** эса ҳар кеча тезроқ ухлаб қолиш учунгина “Йўқолган жаннат” асарининг бир неча саҳифасини ўқир эди. Нима ҳам дердик, агар сизни ҳам уйқусизлик қийнаса, “Йўқолган жаннат”дан ёрдам олиш учун шошилинг. Бу ҳар қандай уйқу дорисидан афзалроқ, албатта.

Минглаб одамлар ажойиб хотирага эга бўлганлар. Шулардан бири **Теодор Рузвельт** эди. Рузвельтга кимнинг иши тушса, у билан самимий равишда қизиқар эди. Аввало, таржимаи ҳолини батафсил ўрганар, афт-ангорини, хатти-ҳаракатларини эслаб қолар, унинг номини токи эсида қолгунича бир неча бор такрорлар эди. Бу Рузвельтнинг сиёсий фаолиятида улкан даражада ёрдам берган. Ўшанда иккинчи бор учрашган одамларнинг исмини айтиб, мурожаат қилганида, унинг мавқеи янада кўтарилган.



Бир куни Рузвельт, ҳатто ўн беш йил аввал бир япон банк бошқарувчиси билан муҳокама

қилган мавзун и тилга олиб, тезда гаплашиб кетиб, уни ниҳоятда ҳайрон қолдирган эди. Рузвельт бирор матнни ўқиб, хотирасида сақлашни истаса, ана шу ўқиганидан чуқур жонли таассурот оларди. У энг ноқулай вазиятларда ҳам қатъийлик ҳамда сабот-матонат билан фикрларини бир жойга жамлаш қобилиятини эгаллаган эди.

1912 йилда Чикагода ўтказиладиган конвенция пайтида унинг штаб-қароргоҳи “Конгресс-отел”-да жойлашган эди. Кўчаларда одамлар тўдаси тўлқинланиб турарди. Улар байроқларини силкитиб: “Биз Теддини талаб қиламиз! Биз Теддини талаб қиламиз!” – дея қичқаришарди. Оломон шов-қин-сурони, оркестрлар гувиллаши, сиёсий арбобларнинг у ёқдан-бу ёққа зир югуриши, шоша-пиша конференциялар ўтказиш, консультациялар ҳар қандай оддий одамни ҳам саросимага солиши турган гап эди. Аммо Рузвельт ўз хонасида тебранма оромкурсида ўтирганча, парво ҳам қилмай, грек тарихчиси Геродотнинг асарини ўқиш билан банд эди.

У, ҳатто Бразилиянинг ёввойи ялангликларида турганида ҳам вақтини бекор ўтказмаган. Навбатдаги қатнов йўлини босиб ўтгач, уйқуга кетиш олдидан бирорта дарахт тагидан қуруқ жой топар, сафар курсисини оларди-да, Гиббоннинг “Рим империяси ҳалокати ва вайрон этилиши” номли китобини диққат билан мутолаага киришарди. Бу машғулотга шунчалик чуқур берилардики, на ёмғирни, на ҳамроҳларининг лагерь қуриш билан боғлиқ ташвишларини ва на тропик ўрмоннинг шовқинини сезар эди. Ана шундай ҳолатда фикрни бир жойга жамлаш қобилияти туфайлигина Рузвельт ўқиганларининг барчасини эсида сақлаб қоларди.

Англиялик бой-бадалат **Жорж Биддер** кўп йил муқаддам вафот этган. Туғилганидан сўнг 10 ёшга кирганида, агар 4444 фунтни 4444 кунга жамғарсак, 4,5 фоиз билан йилига қанча даромад келишини зудликда ҳисоблаб берарди. Бу операцияни бажариш учун унга жами 121 сония вақт керак эди, холос.



Жорж Биддер

Яқинда Мичиган штатининг Колдвотер шаҳрида “Жек темир йўлчи” номли киши ҳаётдан кўз юмди. Ниҳоятда ўзига хос киши бўлган бу одам ўзгаларни танг қолдирадиган хотирага эга бўлиб, йигирма йил давомида бир шаҳардаги университетдан иккинчи шаҳардаги университетга ўтиб, толиби илмларни қойил қолдирарди. У талабалар овқатланаётган ресторанга кириб келарди-да, шундай дерди: “Мен темир йўлчи Жекман, сизга нимаики керак бўлса, сўранг. Мен тарихдаги ҳар қандай шахс тўғрисида истаган маълумотларингизни айтиб бераман”.

Шуниси тушунарлики, талабалар уни ўсал қилиш учун: “Сукротнинг уйланган вақтда хотини неча ёшда бўлган?” каби бемаъни саволлар беришарди. Жек эса ўша заҳотиёқ жавоб берарди: “Сукрот қирқ ёшгача уйланмаган. Кейин ўзининг донишмандлиги туфайли ўн тўққиз ёшли енгилтак хотинни олган”. Ёки талабалар найзанинг биринчи марта қаерда ишлатилганини сўрашар, у эса дарҳол жавоб қайтарарди: “Бу Шотландиядаги Килликрэнки жангида, 1689 йил 27 июлда бўлган эди”. Шундан кейин қойил қолган талабалар унга овқат олиб беришар, сўнг ўртага пул ташлашиб,

бирорта кийим-кечак ҳам харид қилишарди.

Генри Форд бу темир йўлчининг қобилиятига қойил қолган, унга машина бериб, тарих фанидан дарс беришига имкон яратмоқчи бўлган. Аммо Жек бош тортиб, аравага ўтирганча, саёҳат қилишни давом эттирган. Араванинг ёнига эса “Темир йўлчи Жек — тарихий даҳо”, — деган сўзларни ёзиб қўйган.

“Темир йўлчи Жек”

эски, ташландиқ гўшада 79 ёшида вафот этди. У ўзининг жасадини Мичиган университети-га топширишни, тиббиётчилар миясини текшириб, хотирасининг сирларини билишга уриниб кўришларини васият қилди. Мен бу ҳақда сўраб, Мичиган университети психология факультетининг декани, профессор В.Б.Пиллсберига мактуб ёзган эдим.



Генри Форд

Профессорнинг маълумот беришича, “Темир йўлчи Жек” умри мобайнида муайян гуруҳдаги маълумотларни токи ҳайратомуз миқдорга етгунча тўплаган. Профессор яна мазкур одамларни, яъни хотираси ақлий мўъжизаларга бой бўлган бундай кишиларнинг аксариятини тадқиқ этганини, айримлари улкан ақл-заковатга эга бўлганлиги билан ажралиб турганини, аммо уларга тенг бўлган бошқа миқдори ақлий заиф эканлигини қўшимча қилди.

Демак, агар сизнинг хотирангиз зўр бўлса, эҳтимол, даҳоликка яқинлашиб борасиз ёки сизни жиннихонадан иккита сакраш ажратиб туради. Ўзингиз



танланг. Борди-ю, хотирангиз худди меники каби ёмон бўлса, асло ранжиб ўтирманг. Сабаби... **Леонардо да Винчи** ер юзида яшган энг машҳур кишилардан бири эди. У ёзиб қўйма-

са, ҳеч нимани эслай олмасди. Ёзганларини эса йўқотиб қўярди. Худди сиз билан мендай.

ОЛМОСЛАР ҚАДАЛГАН ПОЙАФЗАЛ

Сизнингча, адабиёт тарихидаги энг машҳур новеллашунос ким? Сиз унинг ҳикояларини ўқиган-сиз, улар олти миллиондан ҳам зиёд нусхада нашр этилиб, дунёдаги жуда кўплаб тилларга, чунончи, япон, эсперанто, чех, Дания, норвег, француз, немис, швед ва рус тилларига таржима қилинган.

Муаллиф уларни **О'Генри** тахаллуси остида ёзган эди. Унинг ҳаёти инсон қўл қовуштириб турмаса, қанчадан-қанча марраларни эгаллашини, ўз ҳиссасига тўғри келган даҳшатли қийинчилик ва синовларни матонат билан енгиши мумкинлигини ёрқин намоён этар эди.

О'Генри, энг аввало, маълумоти етишмаслигини чуқур англади. Шунга қарамай, коллежда ўқий олмади. Аммо дунёнинг ярим университетлари унинг ҳикояларини ҳозирги замонавий насрнинг ёрқин намуналари сифатида ўрганмоқда.

О'Генри бир қатор хасталиклардан азият чекар эди. Ўз бемори сил хасталиги билан ўлиши мумкинлигидан хавфсираган шифокорлар уни Техас штатидаги ўзи истиқомат қилган Шимолий Королинага кети-

шини қистаб қолдилар. Маҳаллий фермалардан бирида у қўй боқишга ёлланди.

Бизнинг кунларимизда автосайёҳлар юзлаб миль йўлни босиб ўтиб, бир вақтлар О'Генрини бағрига олган фермани кўришга келишади. Машиналаридан тушиб, у отар боққан ерга эҳтиром билан қадам қўядилар.

О'Генри турмага тушиб қолишдек бахтсизликка ҳам дучор бўлган эди. Бу қуйидагича рўй берган.

О'Генрининг саломатлиги бир оз тиклангач, у Техас штатидаги Остин шаҳри банкида хазиначи бўлиб ишлай бошлади. Маҳаллий чорвадорлар бу ерга кириб, нақд пул олишар, ходимларга хоҳлаганларича тегишли тилхат



қолдиришни одат қилишган эди. Бир куни банка тафтишчи келиб, пул камомадини аниқлади. Хазиначи О'Генри қамоққа олинди. Уни суд қилиб, гарчи хизмат даврида ўзига қарашли бир долларни ҳам ўзлаштирмаган бўлса-да, беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилдилар.

Ўша пайтда мазкур ҳукм унинг учун ҳақиқий ҳаётий ҳалокат билан баробар эди. Аммо бу хайриятлик ишга айланиб кетди. Чунки айнан қамоқхонада О'Генри бир-биридан ажойиб ҳикоялар ёзишга киришиб, бу кейинчалик уни бутун дунё миқёсида инглиз тилида гапирувчиларнинг севимли ва машҳур муаллифи даражасига кўтарди. Шуниси борки, агар О'Генри қамоққа тушмаганида, ҳеч қачон ёзувчи бўлиб етишмаган бўларди.

Мен ўз вақтида Синг-синг турмаси бошлиги билан гаплашганман. О'Генри айнан ўша ерда ўзининг

жазо муддатини ўтаган. У қамоққа тушган деярли ҳар бир маҳкум ўзининг ҳаёт тарихини ёзишни орзу қилишини пайқаб қолди. Муаллифликка даъвогарлар шунчалик кўп эдики, қамоқхона маъмурияти ёзувчилик маҳоратини ўргатишдан сабоқ берувчи бепул курсни очишга мажбур бўлди.

Синг-синг турмасидаги мазкур курснинг барча тингловчилари ҳам мақсадларини амалга ошира олмади, албатта. Аммо факт фактligича қолади: кўпгина машҳур кишилар қамоқда туриб, ёзиш билан машғул бўлганлар.

Шулардан бири **Вальтер Релли** номли таниқли олифта эди. У бир пайтлар олмослар қадалган туфли-



да тентираб юрарди. Бир куни қиролича Елизавета саройида бўлганида, унинг олдида ўзининг плашчини кўлмакка ташлаган, яъни, қиролича оёғини ифлос қилмасдан ўтсин, деган, холос. Реллини ҳибсга олишди ва сиёсий айблар тақаб, ўн тўрт йилга кесиб юборишди.

Релли ётган камера зах ва тор эди. Деворлардан ирkit сув оқарди. У совуқдан ҳаддан зиёд азият чекарди. Бод

(ревматизм) касаллиги хуружи Реллининг чап қўли бармоқларини қийшайтириб юборди. Унинг қўли ҳаддан зиёд тиришиб, қотиб қолган, доимий равишда қаттиқ оғриқ берарди. Аммо Вальтер Релли ўзининг ҳавас қилиб бўлмайдиган аҳволи, чуқур ғам-қайғуси ва кўнглини эгаллаган тушкунликка қарамай, қамоқхонада диққат-эътиборини бир жойга жамлаб, бутун дунё тарихи устида қунт билан ишлашни давом эттирди. Релли манбасини, ҳатто орадан уч юз

йил ўтган бўлишига қарамай, бизнинг мактаб ва коллежларимизда ўрганишмоқда.



Жон Буньян ўзининг диний таълимоти туфайли ўн икки йилга қамалган эди. У қамокда тўрт тўқиш билан шуғулланишга мажбур бўлди. Чунки хотини ва оч ўтирган тўрт нафар боласини боқиши керак эди. Аммо Буньяннинг қўли алмисокдан қолган ана шу иш билан банд бўлса-да,

тўхтовсиз равишда юксак ғояларни фикрлашда ҳам давом этарди. У айнан ўша ерда, ўзининг зах ва тор зиндонидида бир китоб ёздики, уни ҳар бир америкалик талаба, албатта, мутолаа қилади. “Сайёҳ зиёратчининг йўли” деб аталган мазкур асар деярли барча тилларга таржима қилинган.

Сервантес ўзининг дунёга машҳур асарини қамокда ёзган. Вольтер, Оскар Уайльдлар ҳам ҳибсхонада ижод қилишган.

Мен баъзида шундай хулосага келаман: кимки китоб ёзишни истаса, уни қулфланган жойни намоён этувчи бирорта дераза тагига ўтиргизиб қўйган маъқул эмасмикан?



Бундан 250 йил муқаддам Англия қамокхонасига қамалган Ричард Лавлис ўзининг инглиз адабиётидаги энг яхши шеърларидан бирини ёзган эди. Мазкур асар унинг номини шарафларга буркади. “Зиндондаги фаришта” деб аталган ушбу шеърни у ўзининг севгилисига бағишлаган эди.

Оммабон нашр

Дейл КАРНЕГИ

Машҳур кишилар ҳаётидан номаълум саҳифалар

Муҳаррир: Анвар НАМОЗОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Мусахҳиҳ: Наврӯз БЕКМУРОДОВ
Саҳифаловчи: Фирдавс ДЎСТМАТОВ

Нашриёт лицензияси: AI № 255, 31.12.2014.

Босишга рухсат этилди: 16.01.2020 йил.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 6,91. Шартли б.т.: 10,5.

Адади: 3000 нусха.

Буюртма № 12.

“Yangi kitob” МЧЖ нашриётида нашрга тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-уй.

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e-mail: yangikitob@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

иждодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86 уй.

ДЕЙЛ КАРНЕГИ



**Машҳур кишилар ҳаётидан
номаълум саҳифалар**

Ушбу китоб сизга энг оғир дамларда қандай иш тутиш
кераклигидан сабоқ беради. Сиз азоб-уқубатга, машаққатларга
дучор бўлган инсонлар ҳақида ўқиб, улар ўз муаммоларидан қай
тарзда халос бўлганларини билиб оласиз.



ISBN 978-9943-5768-3-4



9 789943 576834